


ЖАЛОЛИДДИН
РУМИЙ



Етти
мажлис

Молитилар бир ... динида таини

Жалолиддин Румий



ЕТТИ МАЖЛИС

МАЖЛИСИ САБЪА

ТОМЧИМАН БИР... ДЕНГИЗГА ТАШНА


ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2021

Nizomiy nomli
ТДРУ
kutubxonasi

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)1

Р – 88

Румий, Жалолиддин

Етти мажлис (Мажолиси сабъа). Жалолиддин Румий / Турк тилидан Раъно Ҳакимжоновна таржимаси. Сўзбоши муаллифи Улуғбек Ҳамдам. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021. – 192 б.

ISBN 978-9943-20-327-3

Жалолиддин Румийнинг илмий ва адабий мероси ғоят катта. Ҳазал, маснавий ва рубоийларни ўз ичига оладиган “Девони кабир” (“Улуғ девон”), фалсафий-суфиёна мушоҳадалар, руҳият диалектикасини кашф этиб, инсон ақлини лол қолдирадиган теранлик билан ёзилган “Маснавий-маънавий”, “Мактубот”, “Фиҳи мо фиҳий” (“Ичиндаги ичиндадир”) номли асарларини бутун дунё севиб ўқийди.

Румий ўз асарларида одамни тадқиқ этади, унинг табиати ва интилишларини кузатади, ботиний жилोलар ва сурилишлар, қалб силжишларини қидириб топади. Румий асарларидаги жозиба шу қадар инсон кўнглига яқинки, унинг ҳар бир сўзи – бир маёқ, умр йўлларини ёритувчи чироқ, қалбга қўйиладиган зиё кабидир.

Жалолиддин Румийнинг буюклиги яна шундаки, у исломнинг улуғ шоири ва мутафаккири бўлгани ҳолда барча мазҳаблар ва динлардан юқори кўтарила олди, бани башарни бирлаштирувчи ягона илоҳий ғояларни олға суриб, кишиларни бир-бирига яқинлаштирувчи эътиқод ва иймон, ишқ ва сифиниш, поклик ва тавбадан сўз очди. “Чўллар мухталиф, аммо мақсад бир, яъни Оллоҳ ҳузур”, дея Улуғ Тангри ҳақиқати Оллоҳ жами махлуҳот баробарлигини исботлади.

Ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган мазкур китоб Румий дунёсининг янги манзилларини очади, китобхонни Румий билан қайта юзлаштиради. Ўз навбатида китобхон ҳам асар воситасида меҳрга, муҳаббатга, чин инсоний туйғуларга чанқоқ қалбини қондиради.

Янги китоб мутолааси муборак, азиз замондошим!

Турк тилидан Раъно ҲАКИМЖОНОВА таржимаси

Сўзбоши муаллифи

Улуғбек ҲАМДАМ

ISBN 978-9943-20-327-3

© Жалолиддин Румий, «Етти мажлис». Сайланма. «Янги аср авлоди», 2021 йил.

ТОМЧИМАН БИР... ДЕНГИЗГА ТАШНА

Бир неча йил муқаддам сув ва унинг айлан-
ма ҳаракатига бағишланган ажойиб кўр-
сатувни кўриб қолдим. Унда бир томчи сувнинг
уммондан буғланиб чиқиб, она сайёрамизнинг
қайси бир гўшасида ёмғир бўлиб ёғиши, хиёл ўт-
май замин қаърига сингишию ҳафталар сўнгра
ўсимликлар танасида кўз очиши, кейинроқ эса
мева, сабзавот, майса шаклида махлуқот орга-
низмига кириши, ундан яна тупроққа иниши ва
айни шаклдаги ҳаракатини такрорлай-такрорлай
вақти-соати етиб, тагин ўз ватани ҳисобланмиш
ўша уммон бағрига қайтиб келиши ҳикоя қилин-
ганди. Бу – томчининг умри ҳақидаги ажойиб
саргузашт-ҳикоя эди мен учун. Нима деб ўйлай-
сиз, унинг умри қанча экан? Яна-да аниқроғи,
томчининг уммондан айрилиб яна унга қайта қў-
шилишига қанча вақт керак бўларкин? Айтсам
ишонмайсиз: нақд икки минг йил! Ўшанда мен
томчи босиб ўтган йўлни мулоҳаза қила-қила чек-
сиз ҳайратларга ғарқ бўлгандим. Чунки бир томчи
сув ҳаёлимда инсон ўлароқ жонланиб, йўлдошим
бўлиб кўз ўнгимда йўл босган эди-да! Унинг ҳам
ўз муродига етмоғи учун худди тирик жон – одам
боласи янглиғ не-не айрилиқларга таҳаммул этиб,

не-не меҳнату заҳматлар чиғириғидан ўтишга маҳкум эканлиги ҳақида ҳатто бир асар қоралаш истаги туғилганди кўнғилда ҳамда бу истак йигитлик давримдаги хотираларимга ҳамоҳанг жимирларди. Ўшанда, талабалик йилларимда, икки-уч ҳамфикр курсдош дўстларим билан тасаввуф таълимотига қизиқиб, устоз Нажмидин ака Комиловнинг этагидан тутиб юрган чоғларимизда “Инсон туғилиши билан уммондан айрилган бир сув томчиси ҳолига келади ва ўлим орқали яна ўз ватанига қайтади” деган ҳикматни бот-бот эшитган, ўқиган, назаримда, бирмунча уққан ҳам эдик. Мана, ниҳоят, бугун, улўф валий Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Мажолиси сабъа” – “Етти мажлис” асари билан танишгач, ана ўша гапларнинг ҳаммаси бирданига хотирам юзасига қалқиб чиқди ва мен бир томондан томчининг, иккинчи ёқдан эса инсон, яъни ўзимнинг ҳаёт йўлимни мулоҳаза қилиб кетдим...

Эсламг:

*Кимсаким, тарк айлади ўз аслини,
Қайта излар рўзгорин васлини.¹*

Асар, гарчи, анъанавий ҳамду наътдан дебоча олган эса-да, унинг мағзи ана шу томчи ва унинг ҳаракатида яширин каби туюлди менга. Чунки теранроқ ўйлаб қарасак, бани башар борки, пайғамбардан бандагача, шоҳдан фуқарогача, барча-барчамиз ўша томчига ўхшаймиз. Денгиз эса Яратгувчимиз. Ҳамд Оллоҳга, наъат унинг бандаси, расули бўлмиш Муҳаммад (с.а.в.)га. Энди томчининг ҳаракати қоляпти. Бу ҳаракатнинг

¹ Румий. Маснавий маънавий.– Тошкент: Шарқ, 1999. 31 бет. Асқар Маҳкам таржимаси.

бошдан оёғи эса насихат, у ҳам бўлса, қолганларга, мўмину ғайридинга, ҳамма-ҳаммага! Чунки Румий ҳазратлари одам ажратмаган, барчага бирдек хитоб қилган. Тафовут кўпинча шаклларда зуҳур топади, моҳиятда эса инсонларнинг истак ва эҳтиёжлари, дунёқараш ва эътиқодлари бир-бирини тўлдиради, бир-бирини ёдга солади. Ҳазрат асарларидан чиқарган хулоса-ўғитларимиздан бири – шу!

Кўҳна дунёдан улўф зотлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти ўз даврида ва ёхуд китобларда, битикларда, саноқларда қолган. Лекин нечун Мавлоно Румий ҳазратлари сингари зотлар фикрловчи инсонларнинг қалбларида доимо барҳаёт? Нима учун, макони, ҳазрат Навоий лутф қилганидек: “Буюкликнинг кўз илғамас чўққиси”да эса-да, барибир, негадир шундоқ қўл узатсанг, унга етадигандек сезасан ўзингни? Ахир, ҳазрат оловли ва баланд сўзлари билан биздек ҳақиру фақир фуқаролардан жуда-жуда юксакликларда бўлиши керакмасмиди?.. Орий рост! Лекин атрофимизга, замонамизга қарасак, Румий ҳазратларининг инсоният билан биргалигини, унга елкадошу хайрихоҳлигини кўраяпмиз! Демак, у ва инсон ўртасида ўтиб бўлмас чоҳ йўқ. Аксинча, кўприк бор. Чунки у сўз сўзларкан, инсонни афсоналаштириб кўкка олиб чиқиб қўймайди, танқид қилиб эса ернинг тагига киргизиб юбормайди, аксинча, борица қабул қилади, боридан келиб чиқади. Унинг дунёқараши, ахлоқи, илми... булардан келиб чиқадиган ёндашиш андозаси (принципи)нинг оёқлари биз билган заминда мустаҳкам туради. У қолдирган улкан мерос шунга далилки, ҳазрат оламу одамга қанча диний билимлар асосида ёндашса, шунча ўз даврининг табиий фанлари етиб келган дара-

жадан туриб боқади. Инчунун, даражоти авлиё бўлса-да, Румий ҳазрат шундоқ ёнимизда, бани башар билан биргаликда яшаётгандек туюлади. Ўзи истагани, башорат қилгани янглиф: “Агар ўлсам, мени асло қаро тупроқдин ахтарманг, Яшармен аҳли ориф қалбини мангу макон айлаб”. Албатта, орифлик тасаввуфда улуғ бир мақом. Унга мушарраф бўлиш учун солиқ кўп риёзатлар чекиши керак бўлган. Лекин бу, замонамизга келиб Румийдек улуғларни тушунадиган битта ҳам қалб қолмади, дегани эмас. Бугун ҳам шундай инсонлар борки, улар учун қайсидир маънода ҳаёт довонларининг ўзи ўша солиқ босиб ўтган сербосқич ва сермашаққат йўлдек хизмат қилади. Қолаверса, Оллоҳнинг лутфи – ўта кучли савқитабийй деган неъматлар бор бу ёруғ оламда! У исталган макону исталган замонда исталган бир қулига инъом этилиб қолиши мумкин. Хуллас, бу каби сабабларнинг ҳаммаси жам бўлиб, кунимизда ҳам инсон қалб кўзларининг очилиши учун етарлича асослар борлигига ишора қилади. Бошқа томондан, тан олишимиз керак, атрофимизда ақлли бўлиб кўринадиган, олим каби сўзлайдиган, баландпарвоз нутқлар ирод қиладиган зоҳиран бообрў кишилар гуриллаб юришади-ю, сўзнинг том маъносида ақлли, том маъносида билимдон олим, том маъносида олижаноб зотларга ҳар куни ҳам дуч келавермаймиз. Худди Мавлонадек сўфий зотларнинг дунёда ҳар доим туғилмагани янглиф.

Шундай қилиб, “Етти мажлис” қандай асар? “Номидан англашилганидек, Мавлононинг еттита мажлисининг, улардаги ваъзларнинг ёзиб олиншидан майдонга келган асардир”,¹ дейди асарни

¹ Mevlana Celaleddin Rumi. “Mecalisi seb’a”. Ankara. Sûre. 2010.

форсийдан Туркия туркчасига таржима қилиб, унга изоҳлар ёзиб, 1965 йилда нашр қилдирган забардаст турк олими Абдулбоқий Гулпинарли. Хўш, у қачон ёзилган? А. Гулпинарли “Тақдим” – “Сўзбоши”да келтирган маълумотлар шуни кўрса-тадики, асарнинг қачон ёзилгани ҳақида ҳар хил қарашлар бор экан. Кимдир Шамс Табризий билан учрашувдан олдин деса, бошқа киши кейин деган қарашни ёқлаб чиққанлиги айтилади. Аммо типологик ёндашув асосида муайян тахминларни илгари сурса бўладигандек. Яъни, масалан, ҳазрат Румийнинг қолган йирик асарлари билан, хусусан, “Маснавий”, “Девони Кабир” “Ичиндаги ичиндадир” ва ҳатто мактублари ёрдамида, уларда айтилган ҳикоятлар, ҳаётий мисоллар ва бошқаларни қиёслаш, Румий даҳоси чиқараётган хулосаларни мушоҳада этиш орқали маълум илмий фаразларга бориш йўллари ҳар доим очиқ.

Ўрни келганда айтиш жоизки, Абдулбоқий Гулпинарли “Етти мажлис” устида жуда кўп тер тўккан: асарни бошқа асарлар билан қиёсий ўрганиб, номаълумликларни, шеърлар ва қолган иқтибослар муаллифларини аниқлаган, изоҳлар ёзган. Вақт ва имкон тақозосига кўра аниқлай олмаган маълумотларни эса кейинги ишларда рўёбга чиқаришига умидлар қилганки, буларнинг ҳаммаси бир бўлиб, олимга нисбатан қалбимизда эҳтиром туйғусини уйғотади. Асарнинг қўлингиздаги ўзбекча таржимаси ана шу улкан ва заҳматкаш олим тайёрлаган матндан амалга оширилган.

Асар, айтилганидек, томчининг ҳаракатидан бошланиб яна томчи билан, аниқроғи, денгизга томаётган томчи билан якунланади. Томчи ва денгиз ўртасидаги масофа эса қайсидир маънода рамзийлик касб этиб, уни мусулмон инсон тафак-

кури босиб ўтган роҳ деб ҳам ва ёхуд Ислом оламининг ибтидодан Румий замонига қадар узанган йўли деб ҳам тушуниш мумкин. Яъни “Етти мажлис” пухта ўйланган ана шундай сюжет асосига қурилган. Шуниси билан ҳам асар, гарчи унда турли-туман мавзулар кўтарилган эса-да, бир бутунлик касб этиб туради. Аслида, Мавлоно Румий умри мобайнида мударрис сифатида жуда кўп маъруза ўқиган. Лекин унинг айнан еттита ваъзи ушбу асарда жамланган. Қолган ваъзлари-чи? Нега улар қоғозга тушмаган? Уларда ҳам бизгача етиб келмаган қанчадан-қанча ҳикматлар, тарихлар, ўғитлар, масаллар, мулоҳазалар бўлганлиги ҳаёлимиздан ўтса, кўз ўнгимизда мазкур асарнинг қиймати янада ортади. Шу билан бирга, ваъз, маъруза, суҳбатлар чоғида айтилган ўтлиғ фикр-мулоҳазаларининг қаймоғи “Фиҳи ма фиҳи”да акс этганлиги манбаларда ёзилганки, бундан кўнгилга бир пайса таскин инади.

Ҳар даврнинг ўз румийлари бўлади, бўлиши шарт. Чунки ҳар даврнинг ўз румийсига эҳтиёжи бор. Улар башарият ўз ҳаёт йўлида эришган барча илоҳийю инсоний ўғитларни замон кишиларига шарҳлаб, тушунтириб бериш учун дунёга келадилар. Йўқса, янги замон яратган шаклдаги тафовут туфайли инсон ва асрлар оша яшаб келаётган йўриқлар ўртасига “бегоналик” пардаси тушиб қолиши мумкин. Ўз даврининг румийлари ўртадан ана шу “бегоналик” пардаларини кўтариб ташлайдилар. Шу билан бирга, барча замонларнинг румийлари ҳам бўлади. Улар ҳам ўз даврларига, ҳам барча замонларга хитоб қила оладилар. Чунки улар инсон ва даврлар табиатидаги универсалликни савқитабий билан ҳис қиладилар ва илму ирфон ёнида, асосан, ана шу пойдеворга

суянадилар. Моҳиятдан сўз очиш дегани ҳам аслида шу. Бани башар мутацияга учраб бутунлай ёт мавжудотга айланиб кетмаса бас, бундай улур зотлар башариятнинг ҳар куни (замони)га асқотади. Мавлоно Жалолиддин Румий ана шу муҳтарамлардан бири.

Румий ҳақида сўз борганда, унинг ирқ, миллат, дин, бой ва камбағал ўртасида айирмачилик қилмай, ҳаммага бирдек муносабатда бўлганига кўп урғу берилади. Дарҳақиқат, шундай. Дастлаб, Радий Фишнинг Жамол Камол таржимасидаги “Жалолиддин Румий” романи билан танишганимда, ҳазрат ғазалларию рубоийларидан намуналар ўқиганимда, кейинроқ “Ичиндаги ичиндадир”ни таржима қилаётганимда, янада сўнграқ Асқар Маҳкам ўғирмасидаги “Маснавийи маънавий”¹ мутолаасига толганимда кўп бор бунинг гувоҳи бўлганман. Дарвоқе, “Ичиндаги ичиндадир” билан илк танишувим ҳам юқоридаги гап мазмунига ғоят уйғун келар экан. Ўшанда талаба эдим. Кемада икки денгизни бир-бирига боғлаган бўғозда дўстларим билан сузиб ўтаётганимизда ўша ерлик қардошлар биз мезбонларга бир боғламдан китоб совға қилишганди. Қарасам, улар орасида “Фиҳи ма фиҳи” – “Ичиндаги ичиндадир” бор экан. Кейинроқ китобни қўлимизга тушиш маконида ҳам ўзимча маъно топганман: ахир, ҳазрат одам, ирқ, мавқе танламас, унинг сўзлари инсондан инсонга, ўлкадан ўлкага, қитъадан қитъага тўсиқ билмай ўтиб кетаверган эди, бас, китоб ҳам худди шунга имо қилаётгандек, кемада, Осиёдан Оврупага сузаётганимизда қўлдан қўлга, бир миллат вакили-

¹ Бу асар шоир ва таржимонларимиз Жамол Камол, Асқар Маҳкам (дастлабки икки дафтар) ва Одил Икромлар томонидан ўзбекчага ўтирилган.

дан иккинчисига ўтган эди-да. Шунинг ўзида Румий асарларига, уларда акс этган умуминсоний, умумзамоний ва умуммаконий моҳиятига ишора бордек туюлади. Аммо “Етти мажлис”да занжи билан боғлиқ шундай мулоҳазалар ҳам мавжудки, бир қарашда айтилаётган фикрларга зиддек келади. У қандай мулоҳазалар? “...занжи ҳаммаша ойнага душмандир. Улги бериб, ваъзхонлик қилганлар ё ойнадир, ё ойначи. Нафсга мафтун бўлганлару дунёнинг ортидан югуриб-елганлар кўримсиз – занжи юзли кишига ўхшайди. *“Биз бу дунёда ҳам уларга лаънатни эргаштирдик. Қиёмат кунда ҳам улар (Бизнинг раҳматимиздан) йироқ қилингувчи кимсалардандирлар”*.¹ Аммо Зангибор вилоятида хунуклик, қора танлилик қандай қилиб фарқлансин? Ахир, у ерда эркагу аёл бир хил рангда бўлади ва яна уларнинг бари – бир-бировининг жинсидан. Ҳали бироз шошмай тур, аввал улар ажал уловига минсинлар, бу элдан чиқсинлар, маконлари етти қат само бўлмиш нурли малаклар истиқомат қилгувчи *“Улуғ, итоатли мирзолар (яъни фаришталар)”*,² турк ва рум қиёфаи гўзаллар ёнига бориб кўрсинлар. Улар ўз разилликларини ўша Рум ўлкасининг руҳонийлари ҳузурида кўрадилару ҳасрат чекадилар, ёниб кул бўладилар, аммо бундан ҳеч қандай наф бўлмас. Мана шунинг учун ҳам, улар ойнага-да душманлар, ойна эгасига-да”.³ Астойдил тўхтаб, дўппини ечиб қўйиб мулоҳаза қиладиган жумлалар! Шу гапни биз билган Жалолиддин Румий айтганми? Айтган бўлса, қачон? Фикрлари қаймоқ боғлаб, илм ва ҳаёт йўллари кузатувларининг хулосаси

¹ “Қасос” сураси, 42-оят.

² “Абаса” сураси, 15-16-оятлар.

³ Mevlana Celaleddin Rumi. “Mecalisi seb’a”. Ankara. Sûre. 2010.

ўлароқ айтганми ё мударрисликни энди бошлаган пайтида бирон вазият, бирон кайфиятга изоҳ бериш, англатиш чоғида изҳор этганми? Ахир, биз Румийни ирқ танламайди, деб биламиз. Бу гаплар билганимизга терс эмасми? Юқорида келтирилган мулоҳазани ўз маъносида тушунсак, Румийдек зотнинг одамлар, уларнинг ирқи ва ранги, ишонч ва эътиқодлари борасидаги биз билган бағри кенг (замонавий тушунчада: толерант) дунёқарашига соя тушиб қолмайдими! Чунки ҳазрат Румийнинг очикдан очик ҳам, коса тагида ним коса тарзида ҳам Оллоҳ қоратанли қилиб яратган бандасини мазах қилиши мумкин эмас-да! Ҳошо! Гап шундаки, занжини маънони англатиш йўлидаги бир образ, ташбеҳ деб олсак, назаримда, ҳаммаси жойига тушиб кетади. Зеро, қуйироқда Мавлононинг ўзи муқаддас Қуръон оятини эслатади: “(Қиёмат) кунда мўминларнинг юзлари оқ бўлур, (кофирларнинг) юзлари қора бўлур”¹. Демак, Румий ҳазратлари оқу қора деганда мўминлигу кофирликни назарда тутаяпти. Ҳа, Румийда, бир қараганда, инсон фикрини алғов-далғов қилиб юборадиган ифода усуллари анчагина топилади. Шунда хос ва авом тафаккуридаги айрича хусусиятлар ҳақида ўйларга толасан, киши. Эслайман, “Ичиндаги ичиндадир” таржимасини эълон қилаётган газета Бош муҳаррири масжид имомлари сиймосидаги ўқувчилар эътирозларини менга билдирган эди. Эътирозлар, албатта, ҳаводан олинган эмасди. Чунки матнда “Улуғ Тангри алдовчидир...” деган жумла бўлиб, оддий ўқувчининг ботинида бирданига бомбадек портлаши табиий эди. Лекин матннинг давоми, “берди”си ҳам бор эди. “У (Тангри – изоҳ У.Ҳ) гўзал шакллар кўрсатиб алдайди.

¹ Оли Имрон сураси, 106-оят

Шакллар орасида ёмонлари ҳам бор...”¹ Демак, Румий оддий ўқувчига кўрингани, туюлгани каби шаккокликка йўл қўяётгани йўқ, аксинча, бандаси дунёнинг кўзолғучи оҳанжамасига алданмай, Яратганга қўллик қилиши кераклиги борасида асосли мулоҳаза юритмоқда. Шуларни ўйлаганда, таржимону олимларимиз олдида ҳали кўп иш турганлиги ойдинлашади.

Таржима хусусида икки оғиз сўз айтсам. Дунё адабиёти ва маънавиятига доир, умуман, жамиятнинг олға кетишини таъминлайдиган асарларнинг имкон қадар ҳаммасини таржима этиб, ўқиб ўзлаштириб, ўз мулкимизга айлантириб олишимиз даркор. Янги, оламшумул кашфиётлар, аввало, ҳаёт деб аталган бепоён имкон ва яна таржима дейилган мустаҳкам замин устида барпо этилгуси. Бас, шундай экан, Мавлоно Румий сингари жаҳон маънавияти устунларининг барча асарларидан ўзбек ўқувчиси бохабар бўлиши, ўз она тилида мутолаа қилиши айтини муддаодир. Афсуски, айрим уддабурон олимларимиз форсий, арабий ва бошқа дунё тилларида яратилган фундаментал асарларнинг у ер бу еридан “чўқиб”, ўз “мерос”ларини тикламоқчи бўлишадики, бу ҳаракат қўллик зоедир, муваққатдир. Чунки эртами-кечми, мутаржимларимиз ўша асл (оригинал) асарларга ҳам етиб боришади ва қойилмақом қилиб ўзбекчага ўгиришади. Шунда “тенгсиз олим” деб юрганларимизнинг миси чиқади. Шу маънода тил ва соҳани яхши биладиган мутахассисларимизки бор, аввало, таржимага қўл урмоқлари лозим, деб ўйлайман. Ахир, иш бошлашдан бурун билайлик-чи, дунёда нималар қилингану нималарга ҳали қўл урилмаган...

¹ Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. Б.18

Энди бевосита “Етти мажлис”нинг таржимасига келсак. Аввало, матннинг ўзи, масалан, “Ичиндаги ичиндадир”дагига қиёсан олганда, бир мунча мураккаброқ эканлигини айтиш жоиз. Бунинг биринчи сабаби, назаримда, ўқилган ваъзларнинг характерида, улардаги қисса ичида қиссаларнинг сероблигида, услубда, жумлаларнинг узунроқ тузилганида бўлса ажабмас. Асарни форсийдан ўтирган А.Гулпинарлининг услуби ҳам муайян роль ўйнаганлиги бор гап. Лекин таржимон – Раъно Ҳакимжонова ана шу мураккабликларни чиройли бир тарзда ҳал қилиб, олдимизга асар тилидан мумтоз адабиётимиз бўйи эсиб турадиган ўзбекча матнни қўя олган. Аини дамда, Румий услубига хос қирраларни сақлашга эришган. Натижада, таржима бир вақтнинг ўзида ҳам нафису ҳам латиф, ҳам кескину ҳам лўнда моҳият касб этган.

Биламизки, Румий ҳазратларидан катта маънавий мерос қолган. 1. Маснавий маънавий. 2. Девони кабир. 3. Фиҳи ма фиҳи. 4. Мажолиси сабъа. 5. Мактубот. Лекин шуларнинг барчаси ҳам халқимизнинг, зиёсеварларимизнинг маънавий мулкига айланиб улгургани йўқ. Чунки олдинда “Девони кабир” ва “Мактубот” турибди. Уларни ҳам ўз тилимизга ўтириб олсак, ҳазрат Румий меросининг асоси қўлимизда тўлиқ бўлади. Кейин эса уларни ўзлаштириш саодати билан юзлашамиз.

“Нега Румий асарларига бўлган эҳтиёж, қизиқиш вақтлар, даврлар ўтган сайин ортгандан ортиб бораяпти?” деган саволни фикрловчи инсон умри давомида бир марта бўлса-да ўзига бериб кўради. Дарҳақиқат, бунинг сабаби нимада? Нима учун айрим улуғлар асарларини бир марта ўқиб, қайтиб қўлимизга олмаймиз-у, Румий синга-

ри зотларнинг китоблари столимиздан, демакки, назаримиздан нари тушмайди?.. Бу саволнинг жавоби ягона бўлмаслиги табиий. Қатъи назар, мен уларнинг асосийларидан дея, ҳазрат асарлари бағридан нур сочиб тургувчи УМИД ҚУЁШИНИ алоҳида кўрсатган бўлар эдим. У маърифату маънавият қуёши бўлиб, дунё зулматини қабул қилмайдиган, у билан сира келиша олмайдиган тафаккур ўқувчисини ҳамиша ўзига жалб қилаверади. Келинг, биргаликда кўриб чиқайлик: юқорида эсланганидек, ушбу асарнинг биринчи мажлисида денгизга талпинаётган томчи ҳақида сўз боради. Бир ўринда “Денгизга етмоқ умиди... осонликча сўнмайди”, деган фикр айтилади. Орадан қанчадан-қанча йўллар босиб ўтилади. Улар динлар моҳиятию урушлар сабабини англашга, ишончу гумон, иймону куфр, одам ва олам сирини тушунишга, ўзлик илдизини билишга қаратилган йўллардир. Ниҳоят, якуний, еттинчи мажлисда яна мавзу эсга олинади ва денгизга муносиб қайтиш вазифаси уҳдасига юкланган томчига қарата “Эй, томчи! Уйғон!” дея хитоб қилинадики, беихтиёр кўнглингда умид қуёши балқиб чиқаётганини ҳис қилиб қоласан, киши. Зеро, томчидан мурод инсон бўлса, уйғонмоқдан мурод шу инсон шаънига муносиб яшамоқдир. Буларнинг ҳаммасидан мурод эса денгизга қўшилиш ҳаққи ва бахтини қўлга киритмоқ бўлса, не тонг!

Баъзан ўйлаб қоламан: ёзувчилар, олимлар, таржимонлар умр шамларини ёқиб, кўз нурларини тукиб китоблар ёзадилар, таржималар қиладилар, сўнг нашр этиб, тарғибу ташвиқ этадилар-у, бу заҳматли меҳнатнинг равшан натижалари қани? Амаллар, риоялар қайда? Нега ҳали-ҳануз ер куррасида зулм давом этмоқда, қонлар тукил-

моқда, одамлар бир-бирлари томонидан таҳқирланмоқда, эзилмоқда, алданмоқда ва ҳ.к.?.. Кейин мулоҳаза қила-қила аввал тушунмаганимни англагандек бўламан: китоблар бағридаги ҳикматлар одамлар қалбларию онгларига сингиб кетган. Шу туфайли ҳам дунё турибди!.. Илло, алмисоқда оламу одам мукаммал ўлароқ яратилганига қарамай, инсон ботинидаги нафс боис гоҳо ана шу камолотга путур етади. Худди шу жойда юксак маънавият акс этган дурдона китоблар бани одамни нафс ботқоғидан халос этгувчи воситалардан, ҳув олдинда шуъла сочиб турган мукаммал очун сари етаклайдиган пиллапоялардан бири бўлса, не ажаб! Бас, ҳиммат камарини белга яна-да маҳкамроқ боғлаб, улуғ асарларни таржима, нашр ва тарғиб қилишда давом этаверишимиз лозим бўлади. Бинобарин, инсоният эртасига ишончу эътиқоди мавжуд, маънавияти бутун, қалбида эзгулик туйғуси ғолиб зиёлики бор, ҳар доимги иши – оламу одамга зиё сочишидан, бир зум бўлсин, тўхтамайди, тўхтамасин экан! “Балиқ билмаса ҳам Холиқ билади” дейди эл. Бу – муҳим! Лекин Холиқ билса, кун келиб, балиққа ҳам албатта хабар келади. Эзгу ва ёруғ ишларнинг тантанасига бўлган инсон ботинидаги ишонч эса ҳаммасидан муҳим!..

Улуғбек ҲАМДАМ

МЕҲРИБОН ВА РАҲМАНИ ОЛЛОҲ НОМИ ИЛА БОШЛАЙМАН

БИРИНЧИ МАЖЛИС

Ҳамд – оламни қуролсиз йўқдан бор этган, кўнгилга келган ҳар нени, сўзланган ҳар сўзу пайдо бўлган ҳар ҳолни билгувчи; амалнинг этагидан тутган кўйи ҳолдан ҳолга юксалиб боражак ҳар турфа сифатнинг Зотига йўл топишидан муназзаҳ бўлмиш Оллоҳга! У бир шаҳаншоҳим, ҳеч кимсанинг Унинг амрига монелик қилмоққа ҳақди йўқ. У Оллоҳлигини очиқ-ошкора далиллар ила аён этгандир. Ақл кўзи тартиб-тадбир ила боқар, халқ Уни маҳалласида кўрса, якка-ягоналигига шаҳодат этар. Куч-қудрати бутун махлуқотниқидан устун. Тилаги ҳар яратикънинг тилагидан юксак бўлиб, хоҳ унга халойиқ қарши бўлсин, хоҳ хайрихоҳ – ҳукми воқедир! Айримларнинг ишларига муваффақиятни ёр, ривожни ҳамдам этиб, аҳволини яхшилаган, буюклигини кўриши учун кўнглидан шубҳа пардасини олиб ташлаган Удир. Бошқа бировни эса ўз ҳолига ташлаб қўйиб, залолат ва жаҳолат томонларга сургун қилган, умридан баракотни мосуво этиб, бажарган амалларини йўққа чиқарган, лутфу эҳсонини ҳаром қилган ҳам У. Халқни ҳалокаат жарлигидан, азобдан қутқармоқ учун Муҳаммадни (унга Оллоҳнинг саломи бўлгай!) *“Ҳар тарафга қинидан сугурилган қиличдек тўғрилиқ билан юборгандир”*. Пайғамбарлик қуёшини тўлин ойдек порлоқ жамоат-ла

қуршаб бор этган, кўнглига эса нур мисол ял-ял
ёнгувчи ва қалбларга шифо бўлган китоб юборган
ҳам Ўзи. “Эй инсонлар, сизларга Парвардигорингиз
томонидан панд-насиҳат, дилларингиздаги бузуқ
эътиқодлардан иборат нарсаларга шифо келди”.¹
Уни (Муҳаммадни – тарж.) халқ номақбул, асли бўл-
маган ишларга боғланганда ростгўйлик бирла тўғри
йўлни кўрсатмоққа юборди. “(Улар) қар, соқов, кўр-
дирлар, демак (йўлларидан) қайтмайдилар”.² “Ҳеч
нарсани ярата олмайдиган, балки ўзи яратилувчи
бўлган нарсаларни (Оллоҳга) шерик қиладиларми?”³
Рад этгувчилар, уни рад этиш ила хор бўдилар; қа-
бул қилгувчилар эса уни қабул қилиш ила саодат
топдилар. Унга ва авлодига Оллоҳнинг саломи ёғил-
син! Билхосса, гуноҳлардан тийилган Абу Бакр Сид-
диққа, ҳақ ила ноҳақни фарқлагувчи тамиз сифат-
ли пок Умарга, икки нур соҳиби мунаввар Усмонга,
Тангри ризосини қозониб, аҳдига вафо қилган Али-
га ҳамда барча муҳожир ва ансорларга кўпдан-кўп
саломлар бўлгай!

Муножот: Ай, менинг султоним, ай, менинг
подшоҳим! Бизнинг шаҳват оташимизни раҳмат
сувинг ила сўндир, маҳтал-мунтазир, интиқ жон-
ларга ваҳдат шаробингдан тоттир! Кўнглимизни
маърифат зиёси ила, бирлик асрори ила нураф-
шон эту ёруғлик ила тўлдир! Охири йўқ, адоқсиз
раҳмат тепалигингга тўшаган умид тузоқларимиз-
ни, тилак тўрларимизни муқаддас қушлар ила,
буюк овлар ила шарафлантир, юксалт! Бағри куй-
ганларнинг саҳарларда тортган оҳларини эшит
ва карам кўрсатиб қабул эт! Ошиқлар жонининг
жамоат дардини олиб, ундан ҳосил бўлган ҳасрат

¹ “Юнус” сураси, 57-оят. Мажлисларда Қуръони Карим оят-
лари Алоуддин Мансур таржимасида берилди.

² “Бақара” сураси, 18-оят.

³ “Аъроф” сураси, 191-оят.

оташидан ҳар нафасда кўк тоқига ўрлаган кўнгила-
тутунларини топишиб-қовушишнинг ажиб иффор-
лари ила чулға! Ишқ салтанатининг томида соқ-
чилардек ҳушёр турган сўзларимизга, гапириб-э-
шитганларимизга, *«Эй инсонлар, сизларга Оллоҳ
ато этган сон-саноқсиз неъматни эслангиз!»*¹ де-
ган лутфингдан ҳамиша эҳсонлар улаш, сўзлари-
мизни ҳолнинг мазмунию хулосаси айла! Аҳволи-
мизни иғво ва ғийбат таҳликаларидан омон сақла,
қутқар! Ҳар иккала оламнинг ёмонлигидан асра!
Душманлардан, уларнинг бошимизга етиб кели-
шию ботил ниятларининг рўёбидан бизни узоқ
тут! Ёроннинг ҳаққимизда тилаган хайрли дуо-
ларининг ҳам улуғроғига мушарраф эт, ай, лутф
хазиначиси чексиз, ай бепоён денгизу карами – ин-
сони ила Боқий бўлмиш Зот!

Мустафонинг (Оллоҳ унга раҳмат айласин, са-
ломлар ёғдирсин!) ҳадисларидан бири билан ваъз-
ни бошласак:

Ул қўрқитувчи хабарчидан, ул мисли топилмас
қўрқитувчидан, шариат зиёси, пайғамбарлар
улуғидан, осмону замин нури, раҳматларнинг
энг устуни, энг фасиҳ, равшан ва ўринли сўз сўз-
лаганидан (мақтовларнинг ва саломларнинг энг
порлоғи унга бўлсин!) келган саҳиҳ ҳадислар ора-
сида ривоят этилган бир ҳадисда буюрилмишки:
*“Умматим қадрининг тушиши ва бузгунчилик-
ка муккасидан кетиши, бузук ишлардан ҳа-
йиқмай қўйганида аён бўлади. Лекин умматим
нифоқни ихтиёр этган замонда, менинг сунна-
тимга маҳкам бўлганларнинг қадри тушмас ва
уларга юз минг шаҳиднинг савоби берилгай”*.
Оллоҳнинг элчиси ҳақ гапни айтади. Икки олам
сарвари, инсу жинсга йўл кўрсатиб, *“Ҳаётингиз-*

¹ “Фотир” сураси, 3-оят.

га қасамки”¹ шарафига мазҳар бўлган, “Сен бўл-масайдинг” юксаклиги ила юксалтирилган, “Мен арабнинг энг гўзал сўз сўзлаганиман” ҳукмига биноан, энг мақбул сўз сўзлаган, “Одам ва ундан кейингилар ҳам қиёмат куни менинг байроғим остида бўлурлар. Мен мақтанаётганим йўқ”, дея амр этилганидек, ўзига эҳтиёж сезилган, излари изланган, “Фақирлик – фаҳрим”, деган зот шундай буюрмиш: “Умматим қадрининг тушиши ва бузгунчиликка муккасидан кетиши, бузуқ ишлардан ҳайиқмай қўйганида аён бўлади. Яъни мендан кейин бошқа пайғамбар келмайди. Ҳеч қайси пайғамбарнинг уммати, менинг умматимдан устун бўлмайди, зеро умматим Исо ва Мусонинг умматидан баланддир. Динимнинг аввалги динлар ҳукмларини парчалагани каби унинг ҳукмларини парчалайдиган, бузадиган, қадрини туширадиган бирор дин йўқдир”. “Эй Оллоҳнинг элчиси”, дедилар. “У ҳолда умматингнинг қадри нима сабабдан тушиб кетади?” Буюрдики: “Умматим залолатга кета бошладими, бузгунчиликни ихтиёр этдими, кийганлари – икки дунёда ҳам ял-ял ёнгувчи, “(Ҳаммасидан) яхшироқ либос тақво либосидир”,² дея буюрилган либосни гуноҳ-маъсият тумани қоплар. Улар устларидаги кўк юзининг ўшал атласини, Муҳаммадга тегишли ул баҳоси йўқ ипак матонинг оҳорини тўкадилар, назардан қоладилар”. “Эй Оллоҳнинг элчиси”, дедилар. Бу янглиғ гуноҳга ботиб, тақиқланган амаллари сабаб эътибордан қолганларида, “Албатта, Оллоҳ мўъминларнинг жонларини ва молларини жаннат баробарида сотиб

¹ “Ҳижр” сураси, 72-оят.

² “Аъроф” сураси, 26-оят.

олди”¹ хушхабари ҳимояга келмаса, уларнинг қадри тушиб кетган қуллик матоларини олмай, *«Эй инсонлар, сизларга Оллоҳ ато этган сон-саноксиз неъматни эслангиз»*² мукофотини тортиқ этмаса, пул-сармоясиз, озиқ-овқатсиз ҳоллари нима кечади?

Шеър: Сен алданиш юртида, саратон ойи Нишопурда қор сотган одамга ўхшайсан. У одам ёзининг қоқ чилласида қор солинган идишини ёнига қўйиб сотмоқчи бўлган йўқсил бир кимса эди. Қор жазирамада эриб-битгач, ҳалиги одам алам-ла ёнган кўксидан совуқ оҳлар чиқариб кўз ёш тўкканча шундай деганди: “Молимиз тугаб битди, хари-дор ҳам топилмади”.³

(Ушбу шеърдаги одамдек) фиғон чекканимизда, борлиқ қоримизнинг баҳоси тушиб, гуноҳ офтобининг олов ҳароратидан эрий бошлаганда, молимизнинг баҳоси қайтадан кўтарилмағи, умид косаларимизнинг тўлмағи учун биз – қор сотувчилар қандай чорани ахтармоғимиз керак, дея сўрадилар. Жавоби шундоқ буюрилдики, “умматимнинг қадри тушиб кетганда, фақатгина менинг суннатимни маҳкам ушлаганларгина назардан қолмаслар”.

Рубойи: Ишлари бузилиб талвасага тушган кишининг бир ипга боғланиши янада яхшироқдир.⁴

Суннатим шуки, дўстларим тўғри йўлдан адашиб, янглиш йўллар томон бурилсалар, гуноҳ тиканзорига оёқ қўйиб, оёқлари шу тиканзорда яранса, қасддан, қайсарлик билан яна ўша тикан-

¹ “Тавба” сураси, 111-оят.

² “Зумар” сураси, 10-оят.

³ Ҳаким Санойининг “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ” асаридан. Мажлисларда келтирилган шеърлар муаллифлари Абдулбоқий Гулпинарли томонидан аниқланган – тарж.

⁴ Рубойи вазнида бўлишига қарамай, кимга тегишли эканлиги номаълум.

зорга юзланмасликлари лозим. Чунки қасд ёмон нарсадир.

Байт: Йўллари⁵гга гул боғларининг эшикларини очди, эй ялангоёқ, яна нечун тиканзорга томон одим отасан?⁵

Байт: Қасддан амал қилган кишини – етти те-гирмоннинг айланиши ун-урвоқ қўйига солади.⁶

Оёқларига тиканлар кирганини сезганлари ҳа-мон, янглиш йўлдан кетаётганликларини тушу-ниб етишлари, олд ва ортларига боқиб, йўлдаги аломатларга диққат қилишлари даркор. Чунки бу фарёд қулоғимга етгач, йўловчилар етиб бўлмас, изсиз йўлда қолдирган белги-аломатларимни қи-дириб топсинлар, эсанкираб бош тортмасинлар, қор узра кафтлари ила оёқ изларини излабон у изларни таъқиб этиб югурганларидек, бузилган йўл қорида менинг, оти суннат бўлмиш, тўғри йўл кўрсатувчи олдинги ва кейинги изларимни ахтар-синлар, топиб бир-бирларига хабар берсинлар, дея юқорига аломатлар қолдирганман, ушбу чўл-да дарёлар оқизганман, тахма-тах устига тошлар ростлаганман. Менинг оёқ изларимга эргашган ҳолда ҳалокат тиканзоридан юзларини ўгирсалар, масрурлик гулистонига етурлар. Абадий завқу са-фога эришган, шоҳлик гултожи насиб гўзаллар, шаҳидлар бирла отлиқма-отлиқ юрадилар, бирга ўтириб-турадилар, бир қадахдан сипқорадилар, улар билан дўст-биродар тутинадилар. *“Кимда-ким Оллоҳ ва пайғамбарга итоат этса, ана ўша-лар Оллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар – пайғамбарлар, ҳақ-рост иймон эгалари, шаҳидлар ва фақат яхши амаллар билан ўтган кишилар билан бирга бўлу⁷рлар”*.⁷ Мукофотлари шугина би-

⁵ Муаллифи номаълум.

⁶ Муаллифи номаълум.

⁷ “Нисо” сураси, 69-оят.

лан кифояланмай, шаҳидларнинг баланд мартабаларидан ҳам юксакроқда бўладилар, чунки “Уларга юз минг шаҳиднинг савоби берилгай”, дея буюрилгандир”. Эй Оллоҳнинг элчиси, бу олий мақомни нечун ва қандай қўлга киритадилар, деб сўрашди. Ахир, улар ҳам иш қилмоқдалар, булар ҳам. Адолат тарозиси осилган. Яна қайси адолат тарозиси денг? “Инсон учун фақат ўзи қилган ҳаракатгина бўлур”¹ мазмунидаги тарози. Ваъда – шу. Сенинг қўлга киритган ажринг курашу толиқишинг эвазига орттирилгандир тарозиси. “Бас, энди (у Кунда) кимнинг тортилган (яхши амаллари) оғир келса”,² деган тарози. Зарра қадар ақлинг бўлса, сен ҳам ишчиларга иш буюрганингдан кейин “фалон ишчи боғда ўн кун гулнинг тагини чопиб юмшатди, фалончи беш кун, фалон ишчи эса бир кун ишлади”, деб ёзиб қўясан. Ҳар бирига бажарган иши миқдорича пул берасан, масалани ҳал қилишга қийналмайсан. Шундай бўлгани ҳолда, “Мен сиз билмаган нарсаларни билурман”³, “Осмонлар ва ердаги зарра мисқоличалик, ундан ҳам кичик (ёки) катта бирон нарса (Оллоҳ)дан махфий бўлмас”⁴ ҳукмининг билимдони қора чумолининг қоп-қоронғи тунда инжа оёқлари ила қора тош устига қандай тушиб-чиққанию чопганини билиб-қўриб туриши; зим-зиё тунда ўша чумолининг тез ёки аста ва ё ўрта қадам босишидан тортиб уясига ёхуд дон тўпашга кетаётганидан огоҳ, ҳар қандай айбу нуқсондан пок Олим Оллоҳ, қўлларининг қанча заҳмат чекканию тер тўкканини; кўнгиллари ҳасрату оҳлар билан тўла осийларнинг кўзларидан оққан ёшларию ибодатхонадаги орифларнинг кўксидан

¹ “Ва-н-нажм” сураси, 39-оят.

² “Ал-қория” сураси, 6-оят.

³ “Бақара” сураси, 30-оят.

⁴ “Сабаъ” сураси, 3-оят.

сизиб томган қон қатраларини; саҳарларда чоғларини тасбеҳ ўтириб ўтказганларнинг нафаслари ҳисобини; кеча-кундуз, “Жаннатларда ва дарёлар (устид)да Қодир Подшоҳ ҳузуридаги рози бўлинган ўринда бўлурлар”,¹ дейилгани каби мужоҳада ўлкасининг соҳиблари – ўйин-қулги билан қўшиқлар айтиб ўзларини топган, шаҳдам-шаҳдам одимлар отгувчи йўловчилар қадамлари сонини ҳам билишига нечун ҳайрон бўласан?

Байт: Биз – тун йўлчилари ёлғизлик кечасидан йўл топиб турибмиз. Подшоҳлар тожини назарга илмаяпмиз.²

Улар бажонидил кетиб борурлар, на отга минадилар ва на яёв юрадилар. Уларда кўнгил йўқ – кўнгилларини бериб бўлганлар. Уловлари ҳам, озиқлари ҳам йўқ. Ишонч ва сабр уловига миниб олганча, парчаю бутуннинг Соҳиби томон илгариламоқдалар. “Уларнинг қилган амалларини ҳамда (қолдирган) изларини ёзиб қўйурмиз”,³ дея буюрган Олим Оллоҳ, у иштиёқ эгаларининг жонлари, бошларини тикиб Ўзининг йўлида фидо этганларини буюк илмида бирма-бир ипидан игнасиғача ҳисоб-китоб қилиб битиб қўймаган бўлиши мумкинми? У аввалгиларнинг ҳам, кейин келганларнинг ҳам босган қадамлари, олган нафаслари, пушаймонликлари ҳисобини ёзиб қўйгандир. Одил Оллоҳнинг адолат ўқи қилни ҳам иккига бўлиб юборур. Шундай бўлгач, қандай қилиб ниҳоясиз адолат ва инсоф Эгасининг адлу инсофи бу ишчига юз минглаб ҳақ тўласин-да, наригисига эса бир берсин?

Эй Оллоҳнинг элчиси, эй осмону заминдагилар мушкулларини ҳал этгувчи, эй “Оламларга раҳмат

¹ “Қамар” сураси, 55-оят.

² Муаллифи номаълум.

³ “Ёсин” сураси, 12-оят.

бўлмиш”¹ зот мушкулларимизни осон эт! Бугун самовот ва ердагилар оғирини енгил қилувчи сенсан.

Шеър: Ҳақиқат эрларининг бу оламда бир нишони бўлсайди, ақлга келган барча илоҳий рамзларга таржимонлик қилардилар. Самода чарх уриб учган қушлар у оламга йўл топганларида эди, ҳар қушнинг қанотидан барча тугунларимиз ечиларди. Ҳамма ҳам ишқ бозорига боролмайди. Боролсайди, ҳар тош остида минглаб карвонлар кўринган бўларди.²

Мустафо (Оллоҳ уни ўз раҳматига олсин, саломлар ёғдирсин!) – ул ғайб таржимони, арабу ажамнинг энг фасиҳи, илму карам маъдани, довул, байроқсиз салтанат соҳиби, коинот сарвари, борлиқ мавжудотларининг султони буюрдики: “Эй асл дўстлар, эй собит иймон ила мен билан кўришиб гаплашганлар, ўтириб-турганлар! Билингизки, сел бор куч-қуввати билан тоғлар, тепаликлардан ошиқона жўшиб-тошиб денгиз томон чопади. Минглаб қўл-оёқ воситасида денгизга етиб боради. Чунки сувлар бир-бировининг қўл-оёғи, уловига айланиб қолгандир. Бир-бирига дастак бўлган сув зарралари шу қувват ила тоғлардан ошиб, ялангликлардан ўтади ва ниҳоят, асли бўлмиш денгизга қўшилади. Ҳар томчи сув: “*Сен рози бўлган, рози бўлинган ҳолда Парвардигорингга қайт*”³, дея наъра тортади. Бунга нечун ажабланиш керак? Асл ажабланадиган нарса, асл кўринмаган мушкулот – бир тоғда ва ё ғор ичида ёхуд омон қолмоқ, душвор бўлган ялангликда томчининг якка ўзи абгор ҳолда қолиб кетишидир. Томчининг маъдани, асли – денгиз. Уни орзу қилади. Қўли йўқ бўлса, оёғи билан етиб олишга шайланади, оёғи бўлмаса,

¹ “Анбиё” сураси, 107-оят.

² Муаллифи номаълум.

³ “Вал-фажр” сураси, 28-оят.

денгиз соғинчида қўлларини узатади. На сел кўмакка келади ва на бирон дўсти. Шундай бўлгани ҳолда, туртиниб-суртиниб эмаклай бошлайди. Интизорлик оёқлари бирла денгиз томон ошиққанча завқ уловига миниб йўлга тушади.

Аё, бечора томчи! Тупроқ, шамол ва қуёш жазирамаси – сенинг ғаниминг. Сен етиб олишни ис-таган денгиз эса жуда олисда. Шунча ағёр оралаб денгизга қандоқ бормоқчисан?

Шунда ҳалиги томчи ҳол тили билан дейдики: “Тўғри, мен бир ожиз томчиман, аммо ичимда бепоён денгиз соғинчи бор. “Биз бу омонатни осмонларга, ерга ва тоғу тошларга кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у (ўзига) зулм қилувчи ва нодон эди”¹ ҳукмида айтилганидек, мен кўп ғарибман”. Бу чўлда сел қатралари ҳам йўл топа олишдан қўрқиб дир-дир титрамоқдалар. Шафқат билмас чўл таҳликасидан ҳатто осмонлар ҳам ҳадиксирамоқдалар. Азим тоғлар эса: “Роббимиз, биз бу омонатингни сақлашга кучимиз етмайди”, дея фарёд чекмоқдалар. Ҳатто замин ҳам “мен у йўлчиларга тупроқ тайин қилинганман, жонимда сен юкламоқчи бўлган омонатга таҳаммул йўқ”, деб турибди. Фақат бир томчидангина иборат бўлмиш инсоннинг жони омонатни қабул қилиб дерки:

Байт: Сен менга бир юрак бергин-да, йигитликни томоша қил! Менинг тулкимда яширинган арслонни кўр!²

¹ “Аҳзоб” сураси, 71-оят.

² “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ” вазнида бўлишига қарамай, муаллифи номаълум. Ҳаким Санойининг мазкур асари ҳафиф баҳрининг ҳафифи мусаддаси солими маҳбуни маҳзуф –V–|V–V–|VV – (фоилотун мафоилун фаилун) вазнида ёзилгандир. – Тарж.

Тўғри, заиф-нотавон, абгор – бечораман, лекин жон қулоғимга, *“Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик”*,¹ деган овоз келди. У овознинг инояти асарларини ҳис қилмоқдаман. Энди на заифман, на ожиз ва на бечора. Дунё-дунё чоралар топаман ҳали мен.

Байт: Садоғимни Сенинг ўқларинг-ла тўлдирганимда, бориб, Қоф тоғининг ҳам белини букиб келаман.²

Ўзимга – ўз куч-қувватимга ишонганим сайин нимжонман, аслида, у менда нима қилсин? Барча ғариблардан ғариброқ, чорасизлардан чорасизроқман. Лекин қарашимни ўзгартиб, ўзимни кўрмас ҳолга келгач, Сенинг лутфинг ва мададингга учраб: *“У Кунда (мўминларнинг) юзлари яшнаб, Парвардигорига боқиб тургувчидир!”*³ марҳамати келиб турганда нечун заволию заиф бўлайин? Нечун чораси йўқ ишларнинг чораси ўзим, мен – инсон бўлмайин? Нечун ўша заҳоти лаҳзаю замоннинг маҳрамига айланмайин?

Шеър: Ой юзлигим келганда, мен ким ҳам бўлардим? Зотан, мен ўзимдан кечганимда бор бўламан. Менда бир амал, бир борлиқдан нишона кўрганингда, билки, у амал, у борлиқ Удир. Менда бир соя кўрсанг, билки, у соя менман. У менга сўз сўзласа, Юсуфга айтилганидек, “Бу кун сизлар айбланмайсиз”⁴ ҳукми зухур этар. Мен унга сўз сўзласам, Мусога ваҳий қилинганидек, “Сен Мени ҳаргиз кўролмайсан”⁵ ҳукми зухур этар. Сўз ҳам яширин, ҳам майдонда. Лекин у менга гапириш-

¹ “Ал-исро” сураси, 70-оят.

² “Хадийқат ул-ҳақойиқ” вазнида. Муаллифи номаълум.

³ “Қиёмат” сураси, 22-23-оятлар.

⁴ “Юсуф” сураси, 92-оят.

⁵ “Аъроф” сураси, 143-оят.

ни кўпроқ яхши кўради. У менга сўз сўзлаганда, мен сўзда йўқоламан.¹

Яна Мустафонинг сўзи мағзини чақмоққа, таҳлил қилмоққа, у жон асрорини, у сўзнинг асл маъносини қидирмоққа тушиб кетдик. Ул зот, қандай саодатмандки, ўзлиги бор, жони бор. Бу сўз ўзлик истайдики, ўзлигини топсин. Жон керакки, жондан таъм олсин. Ай, менинг азиз жоним, ай, менинг излаганим, истаганим! Сен қидиришда бир қават парда ортидан чиққанингда, маъно келини ҳам битта пардасини кўтаради. Сен иккинчи пардани кўтарган маҳалинг, у ҳам иккинчи пардадан чиқиб юз очади ва дейдики:

Байт: “Бир бўлиб бирликка етиб олсанг, кўнглим ҳам сен билан бирлашади. Шунда халқ севгиси, одамлар муҳаббатидан воз кечаман”.²

Аммо сен яна ғафлатда, майлларинг амрига тобе қолиб парда ортига ўтасан. Кейин у ҳам парда ортига беркиниб олади. “Ай, маъно келини, ай, оламларнинг муроди, ай, ғайб гўзали, ай, бенуқсон камолот! Юзингни кўрсатиб, яна нечун парда ортига яшириниб олдинг?” дейсан. У ҳам жавобан дейдики: “Сен истак-шаҳват пардаси ортига майл этганинг учун”.

Рубойи: Севгили шундай сархуш бўлиб келдики, асти сўрама. Ҳижрон қадаҳини шундай оташларла тўлатиб тутдики, асти сўрама. Бундай қилма, дедим. У ҳам, “Ўзинг бундай қилмагинки, мен ҳам қилмайин”, деди. Мана шу бир оғиз сўзи чунонам ёқиб тушдики, асти сўрама.³

Бир кун Сулаймон (Оллоҳ уни раҳматига олсин!), “Биз унга шамолни бўйинсундирдик”,⁴ тах-

¹ Ҳаким Санойи. Девон.

² Муаллифи номаълум.

³ Жалолиддин Румий.

⁴ “Сод” сураси, 36-оят.

тига минди. Қушлар ҳавода қанот қоққанча Сулаймонни офтоб урмасин, дея қубба қургандилар. “Эрталаб бир ойли, кечки пайт бир ойли шамолни (бўйинсундирдик)”¹ ҳукмига биноан осмон узра учаётганди. Туйқус Сулаймоннинг кўнглидан шу неъматнинг шукронасига лойиқ бўлмаган бир ўй ўтди. Шу заҳоти бошидаги тожи қийшайиб қолди. Тожини тўғриламоқчи бўлса, яна эгилиб, қийшайиб қолаверди. “Эй тож, тўғри турсанг-чи”, деди. Тож тилга кириб: “Эй Сулаймон, ўзинг тўғри бўл”, деди. Сулаймон дарҳол саждага бош урди: “Парвардигоро, бизлар ўз жонимизга жабр-зулм қилдик”,² дея тавба қилди. Қийшайиб қолган тож ҳам аслига қайтди. Сулаймон синамоқ илинжида тожни эгиб кўрмоқчи бўлганди, тож эгилмади, ҳатто айланмади ҳам. Азизим, шунга ўхшаб сенинг тожинг – завқу важдинг, кўнги ҳароратингдир. Сени завқ тарк этиши билан унинг ортидан келганларнинг бари қайтиб кетади, тожинг ҳам эгилади.

Байт: Халқдан келган завқдан жисм тўлишади. Ҳақдан келган завқдан кўнги тўлади, жон тўлишади.³

Эй, вақтнинг Сулаймони, ақлга, руҳга тобе парирўйлар сенинг буйруғинг остида бўлганидек, нафсга мойил лаъин юз эгалари ҳам борлиқ тахтинг атрофида югуриб-елаётир.

Байт: Юзингни кўзлаб иблису пари тўдалари атрофингда саф тортди. Сулаймон салтанати сеники, узукни йўқотма.⁴

Тинчликни урушдан ажрата бил, чунки моҳир шиша ясовчи билан оддий бўз тўқувчининг бир ерда ўтириши яхшилик аломати эмас.

¹ “Сабаъ” сураси, 12-оят.

² “Аъроф” сураси, 23-оят.

³ Жалолиддин Румий. Девони Кабир.

⁴ Ҳаким Санойи. Девон.

Борлиқ дўконида ибодат, завқ-шавқ шишаларини ясовчи санъаткор билан хоҳиш-истак бўзларини силкитиб тўқувчи, кейин ювиб-тозаловчи бўзчи устахонаси бир жойда бўлса, шишачи ўн кун мобайнида бу дўконда қўллик шишаларини ясай олади, холос. Бўз тўқувчи тўқиш дастгоҳига оёғини узатиб бир зарб берса, дўкон ўрнидан силжиб, бутун шишалар чил-чил синади. *“Амалларингиз ўзларингиз сезмаган ҳолларингизда беҳуда-бефойда бўлиб қолмаслиги учун сизлар овозларингизни пайгамбарнинг овозидан юқори кўтарманглар”*.¹ Эй, вақтнинг Сулаймони, ҳали ҳам жоннинг бошидаги завқ ва пухталик тожига кўзинг тушмадими? Унга боққанинг замон ўзидан кетган, қорайган, савдою разолатга маҳбус ҳолда кўрасан. Эй завқ, қаердасан, эй шавқ, қайси парданинг ортидасан, дея қидиришни бошлайсан. Ўша кетган завқ ортига қайтсин, дея қанчалар тиришсанг ҳам энди осонликча келмайди. У тўғрилиқ тожи бошингда тик туришини қанчалар истама, барибир, эгилиб, қийшайиб қолаверади. Сен ҳам тўғри бўлгинки, мен ҳам тўғри бўлайин, деб тураверади. *“Албатта, Оллоҳ бир қавмга инъом қилган неъматини то улар ўзларини ўзгартирмагунларича ўзгартирувчи эмасдир”*.² Улуғ мақомларга кўтариб қўювчи, неъматларини аямай тортиқ этувчи, воҳид мавжудиятига бирон ибтидо бўлмаган, кўпдан-кўп мукофотлагувчи Парвардигор (Улуғлиги ортгандан ортсин!) шундай буюради: “Мен Оллоҳман, неъматлар бергувчи, афв этгувчи; карамни, кечиримни яратгувчиман. Қўлларимга бир неъмат ато этдимми, улар қилган амалларини, ораларидаги тартиб ва яшаш тарзларини ўзгартирмагунларича асло ўзгартирмайман”.

¹ “Хужурот” сураси, 2-оят.

² “Анфол” сураси, 53-оят.

Энди илк ҳадис шарҳига хулоса ясасак. Чунки бу сўзимизга “Агар барча денгиз Парвардигоримнинг сўзлари учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам Парвардигоримнинг сўзлари битишидан илгари у денгизлар тугаб битар”¹ ҳукми қадар ниҳоя йўқдир. Оқилга бир ишора ҳам етади.

Буюрдики, умматим залолатга кетганда суннатимни маҳкам ушлаганлар бошқа тоифадир. Яъниким, томчининг соғинч азобини чекаётган покиза жони жонон денгизидан йироқ тушиб, пардалар-ла қоплаган кўйи балчиқ оламида жону кўнгил иштиёқи бирла қуруқликдаги абгор балиқ каби ўзини ҳар ён уриб, тўлғониб ётибди. “Ислом ғариб ҳолда бошланганидек, ғариб бўлиб тугайди” ҳукмида айтилганидек, қолган томчилар ҳам унга имдод кўрсатолмаслар. Айрим томчилар тупроққа араллашиб, баъзилари япроққа осилиб, яна бировлари ёвуз васвасалар қомига учиб, ўзларини чормихга осадилар. Баъзи томчилар дарахтларнинг матонатлари сабаб уларнинг илдизларига сўрилиб кетадилар. Ҳар бир жон томчиси нима биландир машғул. Ким тикувчилик, ким этикдўзлик, яна кимдир ахийлик савдосига банди, тағин бириси чанг тинглаш ишқибози. Бошқа бири эса ҳид, рангларга боғланганидан денгизни тамомила унутиб юборган. У юз минг томчи сел галалари бир ерга тўпланишиб: “Пешқадам бўлгувчи зотлар (жаннат неъматларига эришишда ҳам) пешқадам бўлгувчи зотлардир”² ҳукмидагидек, бир-бирларига суянганча йўл очиб оқиб кетгандилар. Ёрондан айро тушган бу ёлғиз томчи эса, охири йўқ, чеку чегарасиз йўлу чўлларни шу ёлғиз боши билан бирор ҳамдам, ҳимоячиси, суянадиган

¹ “Қаҳф” сураси, 109-оят.

² “Воқеа” сураси, 10-оят.

кимсаси бўлмагани ҳолда йиқилганни турғизувчи, ҳар нени ундириб-ўстирувчининг мададидан тиланиб, ўша селларнинг мингларча томчи билан ошиб ўтган саҳроларни бир ўзи кечиб ўтишга маҳкум эди. У шундай ягонадирки, минг кимсага бадал кўнгли ғаний бир эр кишидир. Уларни санаб кўрсанг озчиликдирлар, лекин ҳужум қилганларида кўпнинг ҳисобидалар. Мана шу биргина томчи юз минглаб томчилар бажарган ишни уддалайди. Чунончи, умматим бузғунчиликка берилган замонда, менинг суннатимга маҳкам бўлганларнинг қадри тушмас ва уларга юз минг шаҳиднинг савоби берилгай, дея буюрилган. Энди у – томчи эмас, томчи шаклидаги селдир. “Албатта, Иброҳим ҳақ йўлдан тойилмаган бир пешво – имом эди”.¹

Пайғамбардан (Унга Оллоҳнинг саломи ёғилсин!) Иброҳим умматининг ҳолини сўрадилар. Жавоб келдики, “Иброҳим умматини нечун сўрайсан? У (Иброҳим – тарж.) ўз-ўзига ҳам уммат эди, ҳам парча. Ҳам подшоҳ эди, ҳам қўшин. Ҳам томчи эди, ҳам сел. Уммат – юз минг киши бўлади”. “Албатта, Иброҳим ҳақ йўлдан тойилмаган бир пешво – имом эди”.² Минг киши эди, балки юз минглаб киши эди у.

Рубой: Оқилнинг борлиқ кемаси мавжудиятига ажабланса бўлар, кўзи кўриб турган одамнинг қудуққа тушиб кетиши ҳам ажабланарли ҳол. Денгизда сузиб юрган кемага ҳайрон бўлмагин, бир кеманинг ўзида мингларча денгиз нишонасининг борлигига эса тонг қолмаслик мумкин эмас.³

Шеър: Юсуфимнинг бўйи келгач, кўрнинг кўзлари очилиб кетади. Эй кўнгил, нечун денгиздан

¹ “Наҳл” сураси, 120-оят.

² “Наҳл” сураси, 120-оят.

³ Муаллифи номаълум.

йироқ тушдинг? Одам дегани ҳеч замонда бунақа қилиб денгиздан жудо бўладими? Денгиздан узилиб қуруқликда қолган балиқ, яна тезроқ ушала денгизга қўшилмоқ илинжида жонҳалак тўлғаниб туради. Бирортаси кўнгил ишқ денгизи томон нечун бунча жўшиб, телбавор бўлади деса, сен шундай жавоб бергинки, “томчи денгиз соғинчида беқарор ҳолга тушади-да, ҳеч нима парвойига келмайди”. Яна дегинки, “томчи қуёш қаршисида талвасага тушиб, йўқликка юз тутади”.¹

Азизим, денгиз айролиғига кўникиб қолган, ҳатто денгизни ёд этмай қўйган, бир япроққа осилиб ёхуд тупроққа беланганча сингиб кетган ўша жон қатраси қандайдир одобсизлик қилган бўлса керакки, унинг оёқларига тамға босиб, олтин, кумуш, жавоҳирлар боғи билан боғланлар. У ҳам ўша боғга (сиртмоққа – тарж.) кўнгил бериб, ошиқ бўлганидан кумушу олтин ишқида ҳалиги сиртмоқни боғ деб ўйламайди. Энди унга минг насиҳат қилма, барибир, ўша боғи ўғитингдан ҳам қувватли бўлиб қолаверадди. Панд-насиҳат унга кор қилмайди, у ҳам улгидан фойдаланолмайди.

Шеър: Бу мусофирхонанинг бор давлати, атлас матоси – тиниб-тинчимас жонга биргина тилло занжирдир. У олтин занжирни кўрибоқ алданди. Жон у саҳрони ошиб ўтолмади, бир қудуқ ичра қолиб кетди. У қудуқ зоҳиран жаннат бўлиб туюлгани билан, аслида, жаҳаннамнинг ўзи. У кўринишда гулчеҳрадир, аммо аслини сўрасанг, заҳарлар-ла тўлган илондир. Эй хомлар, у гулчеҳрадан узоқроқ юринг, чунки суҳбат чоғида дўзах томон тортқилайди, йўқ-йўқ, дўзахнинг ўзига айланади.²

¹ Фаридиддин Аттор. Девон.

² Муаллифи номаълум.

Бу шундай ҳолки, одамнинг тушуниш, билиш салоҳиятини ранг ва ҳид – ифво севгиси қоплайди. Қоплаганда ҳам шундоқ қоплайдики, ҳатто бир игна учи қадар жой қолмайди, шундай бўлгач, панд-насиҳат қаёқдан ҳам йўл топиб кирарди? У ҳатто ўғит берганга душман бўлади. Чунки занжи ҳамиша ойнага душмандир.

Улги бериб, ваъзхонлик қилганлар ё ойнадир, ё ойначи. Нафсга мафтун бўлганлару дунёнинг ортидан югуриб-елганлар кўримсиз – занжи юзли кишига ўхшайди. *“Биз бу дунёда ҳам уларга лаънатни эргаштирдик. Қиёмат кунда ҳам улар (Бизнинг раҳматимиздан) йироқ қилингувчи кимсалардандирлар”*.¹ Аммо Зангибор вилоятида хунуклик, қора танлилик қандай қилиб фарқлансин? Ахир, у ерда эркагу аёл бир хил рангда бўлади ва яна уларнинг бари – бир-бировининг жинсидан. Ҳали бироз шошмай тур, аввал улар ажал уловига минсинлар, бу элдан чиқсинлар, маконлари етти қат само бўлмиш нурли малаклар истиқомат қилгувчи *“Улуг, итоатли мирзолар (яъни фаришталар)”*,² турк ва рум қиёфали гўзаллар ёнига бориб кўрсинлар. Улар ўз разилликларини ўша Рум ўлкасининг руҳонийлари ҳузурида кўрадилару ҳасрат чекадилар, ёниб-кул бўладилар, аммо бундан ҳеч қандай наф бўлмас. Мана шунинг учун ҳам, улар ойнага-да душманлар, ойна эгасига-да.

Шеър: Занжи йўлдан бир ойна топиб олди ва унга боқиб юзини кўрди: қийшиқ бурун, бадбашара юз, оловдек кўзлар, хуллас, кўмирни эслатувчи бир қиёфа. Ойна занжининг қусурларини беркитмоқ бўлмаганидан занжи дарров уни ерга уриб синдирди-да, деди: Сенинг каби тасқара нарсалар нуқ-

¹ “Қасос” сураси, 42-оят.

² “Абаса” сураси, 15-16-оятлар.

сонлари сабаб ерга отилишга маҳкумдирлар. Агар мендай ҳожатбарор, соҳибжамол бўлсалар эди, бу йўлда, ҳеч замонда хор бўлиб қолармидилар?¹

Аммо асли Турк эли, Рум диёридан бўлиб, болалигида асир олинган ва Зангиборга олиб кетилган кимсанинг юзидаги сиёҳ занжилигидан эмас. Унинг юзига бирор ғаними ўша қорани суртиб кетганидан ойнага боқиб, оппоқ юзидаги қора доғни кўрибоқ, ажабо, юзимга нима сурдилар, нега юзим оқ эмас, дейди. Демак, оқ ва қора курашдир. Ахир, *“Мен қиёмат кунига қасам ичурман. Ва мен маломатгўй нафсга қасам ичурман”*,² дея марҳамат этилган-ку! Ё бўлмаса, у кимса занжилар орасига тушиб қолиб, улар тарафидан сен оқсан, биз қорамиз, дея маломатга қўйилган, ётсиралган бўлиши мумкин. У ҳам ёлғиз, кимсасиз қолган. Занжилардан ажралиб қолмаслик учун мени бегонага чиқармасинлар, дея юзига атайин қора суртиб олган. *“Албатта, жуфтларингиз ва болаларингиздан сизлар учун душман бўлганлари ҳам бордир”*³ ҳукмида буюрилганидек, қора қизлар ундан кўрқиб қочиб кетмасинлар учун юзига сиёҳ тортади. Бу қора қизчалар фоний оламнинг матлуб гўзаллари, шахватидир. Улар сизнинг ойдек юзингизга ғанимдир. Улар учун жамолингизни қорага бўямоқдасиз – кўзингизни каттароқ очинг! Юзингиздаги қора бўёқни ўчириб ташланг! Эҳтиёт бўлинг, узоқ қолиб кетгани туфайли юзингиздаги сиёҳ асл рангингизга хавф солиб улгурмасин! Улар сизни ўз рангларига бўяганларида чеҳрангиздаги оқ ва яноғингиздаги ол нур вақт ўтиб ҳалиги қаролик тагида эскириб, асл рангин-

¹ Ҳаким Санойи. “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ”.

² “Қиёмат” сураси, 1-2-оятлар.

³ “Тағобун” сураси, 14-оят.

гизга айланиб қолмасин тагин. Дарҳол у рафтордан халос бўлмоқни ўйланг. Юзингизни уларнинг қаросидан аритинг, чунки сохта нарса вақт ўтгани, эскиргани сайин одат – табиатга айланиб кетади. Шунда юзингизда аввалги оқликдан бирон нишон қолмайди, қоралик жон юзингизни ҳам қоплаб олади. “Кимда-ким ёмонлик касб қилса, гуноҳга ўралиб қолса, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар ўша жойда абадий қолажақлар”.¹ Инсон бир бор ёмон отликқа чиқдимиди, у бу юзи қароликдан умрбод қутулолмас. Инчунин, “(Қиёмат) кунда (мўминларнинг) юзлари оқ бўлур, (кофирларнинг) юзлари қора бўлур”,² деб буюрилгандир. Чунки ярим халқнинг юз ва кўнгил қаролиги сохта бўлса, баъзилариники чиндир. Эртага қиёмат сойининг суви кўриниши биланоқ, дарров бошларини кўтариб, ўлим уйқусидан уйғониб уйқусираб турадилар, юзларини ювадилар. Ахир, ухлаб ўрнидан турган кимса борки, “Юзларингизни ювингиз”³ амридаги каби юзларини ювади-ку! Юзларини ювишлари ҳамон Турк ва Рум ўлкаларидан бўлмиш кишиларнинг юзларидаги қоралик, у муқаддас сув билан ариб кетади, локин занжилар наслидан бўлган кишилар юзларини қанчалар ювиб тозаламасинлар, қайтага қорайгандан қораяди. Бошларини сойдан чиқараркан, ҳар икки қавм ҳам ҳолларини рўй-рост кўрадилар. “(Қиёмат) кунда (мўминларнинг) юзлари оқ бўлур, (кофирларнинг) юзлари қора бўлур”.⁴

Аржумандим, асло шу фоний дунёнинг қаро савдосига, бугдой кўрсатиб арпа сотар қаро юзига алданиб кетма! Ўзини ёш кўрсатмоқ ниятида оқ

¹ “Бақара” сураси, 81-оят.

² “Оли Имрон” сураси, 106-оят.

³ “Моида” сураси, 6-оят.

⁴ “Оли Имрон” сураси, 106-оят.

бўёқ суртиб олган ёлғон, интизоми эскирган дунё севгиси, унинг норасо қора ранги зинҳор одат – табиатингга айланиб қолмасин. Акс ҳолда, Ҳақ ойнасининг ғанимига эврилажаксан! Сенда кўр-шапалакка ўхшаб қуёшга рақиблик одати зўрая бошлайди-да, сўнг унга душман бўласан-қоласан.

Қасида: Кундуз шунақанги ойдинки, деразаларини беркитиб олганлар қуёш нуридан бенасиб қоладилар. Улар норасо, чиркин одатлари сабаб деразаларини очиб қўйишни ёддан чиқармаган кишиларга ағёрдирлар. Кўзларидаги нуқсон туфайли мунаввар қуёшга терс бўлиб қолганлар.¹

Байт: Бир тойчоқ онасига деди: “Она, биз сув ичаётганимизда бизга қараб ҳуштак чалишди”. Онаси дедики: “Юрақол, беҳудага чалғима, сен ўз ишингга боқ, улар асли бўлмаган нарсаларга ўралашиб қолганлар”.²

Турк ўғлони отасига: “Юзингни юв, юзингни арт, деявериб ҳоли-жонимга қўймайсиз. Юзи қаролик ёмон нарса бўлса, занжилар нечун масрур юрадилар? Биз юзимизни сочиқ билан артганимизда, нечун устимиздан кулиб, масхара қиладилар?” дебди. Отаси эса: “Сен ўз ишингга боқ, ойдек юзингни абадий ва азалий подшоҳ учун беза. “Ҳақиқатан ҳам, Оллоҳ гўзалдир – гўзалликни се-вур”. Улар, аслида, ўзларининг кўримсиз суратлари устидан кулмоқдалар. “Дарвоқе, жинояткор – кофир кимсалар иймон келтирган зотлардан (масхара қилиб) кулгувчи бўлдилар”,³ дейди.

Барчамиз ҳофизии Қуръонлар аълоси Фалониддинга юзланиб, сидқидилдан Раҳмон исмини ёдга олайлик. “Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи ила”.⁴

¹ Ҳаким Санойи. “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ”.

² Муаллифи номаълум.

³ “Мутаффифун” сураси, 29-оят.

⁴ “Намл” сураси, 30-оят.

Шеър: Кўнгил сенинг камолотингдан бир нишон кўргач, жон ишқингни жонингдан топди. Жон сенинг манзилингни излади, сўради. Маконсизлик оламининг айни ўзидан топди. Сенинг тегрангда ер билан бир бўлиб йиқилган ҳар жонки бор, хуш бўйингни олганидан у билан абадий ҳаёт қозонди. Ошиқларнинг фарёдларига, жўшиб-қупиришларига на борлиқ оламида етишиш имкони бор ва на макон оламида. Жонимиз дардингдан йиғлаб-сиқташга тушиб кетди. Сенинг дардингни қозониб эса ҳар дарднинг ортида бутун дунёнинг дармонини топди. Жонимиз сенга бир боқиб кўргач, ахтарган ҳар нарсасини сенда кўрди, сендан топди. Дармон ҳам сенинг орзуйингда сўнгсиз дардга гирифтор бўлди.¹

Бу исм таъмидан бохабар кимсанинг ҳиммати қаршисида аршнинг энг юқори қабатларидан, ернинг энг остки қабатларигача нимаики мавжуд эса бир пашша қанотичалик ҳам қадри йўқ. Бу исм гўзаллиги билан кимники овласа, ҳеч қандай гўзаллик, ҳеч қандай шуҳрат ва ҳеч қандай рангу бўй энди унга тўр сололмайди. Қайси кулбани бу исмнинг қуёши нур таратиб иситса, жаҳонгирлар ўз кўшклари, саройларининг устунлари, қуббаларини фидо этсинлар-да, ўзлари шу кулбага кул бўлсинлар.

Кимда-ким бу исмнинг куллик исирғасини қулоғига тақса, дунёни ҳам унутиб юборади, охи-ратни ҳам. Кимда-ким бу исмнинг шириндан-ширин булоғидан сув ичса, дунёнинг ободлиги ақл кўзига-да хароб бўлиб кўринади, қалб кўзига-да. Табарруклик қуёши давлат буржида бир кун бош кўтаради, қадрдон дўст кўнгил гўшасида ногаҳон зоҳир бўлади. Худди *“Оллоҳ кўксини Ислом учун*

¹ Муаллифи номаълум.

кенг қилиб қўйган кимсага ким баробар бўла олади?”¹ дейилганидек. Яъни Тангри таоло дейдики: “Танлаганим, мақомларини тупроқдан кўтариб, билимсизлигу ўз-ўзига сиғиниш жаҳолатидан қутқарганим, севганим, хушахлоқ ато этганим – тиришқоқ, қуллик одобларига муносиб кўрганим ва кўнглини вафою сафога йўғириб очиб юмшатганим – иймонли қулимнинг қалбини Жаброилга ҳам бермадим, Микоилга-да ҳавола қилмадим, фақатгина Ўзим очдим”. Очди, жило берди, иситди, кенгайтирди сўзларининг маънолари шудир.

Юрак майдони вужуднинг ўртасидадир. Юрак – кўнгил Каъбаси. Байтуллоҳ – ер юзининг марказида жойлашгани каби адоватдан холи бу кўнгил ҳам баданнинг ўртасидан жой олган. “Ишларнинг энг хайрлиси ҳам ўртачасидир”. Энг сара жавоҳир ҳам бўйиннинг ўртасидан топилади. Ёнларига бирор зарар келгудай бўлса, унга хавф солмасин дея, ўртага тақишади. Теграсига қадаб чиқилган дурлар соқчига менгзалади. Шунга ўхшаб, кўнгил ҳам ўртада бир хазина кабидир. Оятда яна: “Ислом учун”, деб буюрилади. Баъзи муфассирлар “лил ислом” сўзидаги “л” ҳарфини мажозга ишора, деб биладилар. Яъни, кўнгилда мусулмончиликдан бошқа ҳунар, билимларга дахлдор нимаики бўлса, сохта – ясамадир. Мусулмонлик эса кўнгилдаги ҳақиқат бўлиб, мақсад ҳам удир. Зотан, уйдан мурод келиндир. Келинга қараб турувчи, хоналарга пардалар тикиб ўтирадиган кампирлару келиб-кетувчи меҳмонлар ҳам, жориялар ҳам эмас.

Бисмиллоҳ шундай исмки, Имрон ўғли Мусо (Раҳмон раҳматига олсин!) Фиръавннинг мингларча қилич яланғочлаб, темирни босиб эзғиловчи олов оёқлари билан бостириб келаётган қўшинини у исм шарофатидан ост-уст қилиб, бузиб юборди.

¹ “Зумар” сураси, 22-оят.

Бисмиллоҳ шундай исмки, Имрон ўғли Мусо Исроил ўғилларининг халос бўлишлари учун денгиздан ўн икки қуп-қуруқ йўл очди. У исм хосияти бирла денгиздан чанг кўтарилди.

Бисмиллоҳ шундай исмки, Марям ўғли Исо бу исмни ўликка ўқиганди, оппоқ сочли ўлик у исм ҳайбатидан тирилиб, мазордан чиқиб келди. Эй, қабрдаги Мункар ва Накир савол-жавобини инкор этган, сен ҳали ҳам Исони биргина калима ила ўликни тирилтирганини инкор этасанми? Майит Исо чорлови билан қабрдан чиқиб келаркан, нечун Мункару Накир овозини туйиб кафанидан бош кўтармасин, сўроқларга жавоб бермасин?

Бисмиллоҳ шундай исмки, ҳар куни қанчадан-қанча оқсоқ, қанчадан-қанча балога йўлиққан касал, кўр кишилар саҳарлаб Исонинг (Оллоҳ раҳматига олсин!) қуллик этадиган маконни эшиги олдида тўпланардилар. У дуосини ўқиб битириши ҳамон ташқари чиқиб, уларга ушбу муқаддас исмни ўқир, ҳаммалари касалликдан қутулиб, соғ-саломат уйларига қайтардилар.

Бисмиллоҳ шундай исмки, Мустафо (Унга Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин!) ойнанинг ўн тўрттинчи кечаси Каъбанинг атрофини тавоф этаётганди. Маккада жазирама шиддатидан халқнинг сероб қисми кечаси ташқарига чиқарди. Абу Жаҳл уни (Муҳаммадни – *Тарж.*) кўрди. Ғазабланди, баттар ҳасад қилди: “Ким билади, бу афсунгар яна қандай тартиб ўрнатмоқчи бўлиб юрибди экан?” Мустафо ўзини ҳимоя қилиб дедик: “Тартиб қаёқда, мен қаёқда? Мен халқни сенга ўхшаган йўлтўсарларнинг тартибидан, тузоғидан қутқариш учун келганман”. Абу Жаҳл: “Хўп, майли, агар сеҳргар бўлмасанг, кафтимда нима борлигини айтиб кўргин-чи!” Олдинроқ атайин кафтига шағал тошла-

рини солиб олганди. Жаброил келиб: “Ё Муҳаммад, Ҳақ сенга салом йўллади! Салом сенга, Оллоҳнинг раҳмати ва баракоти сенга, эй пайғамбар! Ҳеч хафа бўлмагин, улар сени сеҳргар десалар деяверсинлар. Биз сенга яхши исмлар бердик ва у исмларнинг баъзиларини халққа сўзладик ва баъзиларини тушунолмайдилар дея, “Халққа ақллари нисбатида сўз айтинг” ҳукмини юбордик. У ким бўлибдики, сенга исм қўйсин? Қулга эгасигина исм қўяди. Эшикдан кириб келган муттаҳам қул соҳибининг ўғлига қандай қилиб исм қўйсин? Қўйгани билан ўша исмни бўйнига осиб, дўзахга отадилар. У сени синаш учун, кафтимда нима бор, деб сўрайди. Жавобан деки: “Ҳовучингда нима яширинганини айтайми ёки ҳовучингдаги менинг ким эканлигимни айтсинми?” Мустафо (Унга Оллоҳнинг саломи бўлсин!) Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан, дея ушбу исмни айтиб унга жавоб қайтарди. Абу Жаҳл: “Ҳовучимдаги нарс сенинг ким эканлигингни айтса, янада ишонарлироқ бўлурди”, деди. Ҳақ таолонинг пок исми билан ҳовучидаги шағал тошларининг ҳар бири тилга кириб: “Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад Унинг расулидир”, деган сас чиқарди. Халқнинг ярми бунга ишонди. Абу Жаҳл бундан қаттиқ дарғазаб бўлиб, шағалларни ерга ташлаб юборди. Гапларидан пушаймон бўлиб ўзини йўқотмасликка уринди ва қаҳр билан деди: “Мана шу қўлларим билан нима қилганимни кўрдингми? Лот, Уззога қасамки, бу ишинг ҳам сеҳргарлик!”

Абу Жаҳлнинг баъзи дўстлари: “Сеҳргарлик ерда бўлиши мумкин, лекин осмонга таъсир этмайди. Кел, уни яна бир бор шу тарафдан синаб кўрамиз”, дедилар ва пайғамбарнинг ёнига келиб: “Қилган ишинг ҳақиқатан ҳам афсун эмас, Оллоҳнинг мўъ-

жизаси бўлса, шу ўн тўрт кечалик ойни иккига бўлиб кўргин-чи!” Дарҳол Жаброил тушди ва: “Хавотирланма, пок – муқаддас, мисли йўқ исмимизни ёдга ол! Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи ила де ва икки муборак бармоғингни айри қилиб осмонга тутгин-да, ойга ишора қил, токи қудратимизни кўрсинлар”, дея Ҳақдан хабар келтирди. Мустафо шундай қилди. Ой иккига бўлинди. Ярми пайғамбарнинг ўнг бармоғи томонда, ярми чап бармоғи томонда акс этди. *“(Қиёмат) соати яқинлашиб қолди ва ой ҳам бўлинди”*.¹ Шундай даҳшатли овоз эшитилдики, шаҳар ва саҳроларда минглаб ҳайвонлар ўлди. Тирик қолганлари ҳам ем еёлмай, дир-дир титрай бошладилар ва худди шундай – халқ ҳам касалланиб қолди. Ярим халқнинг юраги қон бўлди. Ҳаммалари: “Мавжудлигидан хабар бераётганинг Оллоҳ ҳаққи, ойни тезроқ асл ҳолига қайтар. Акс ҳолда, бутун олам ост-уст бўлиб кетади”, дедилар. Пайғамбар (Оллоҳ раҳматига олсин!) яна у исмни айтди: “Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан”, дея икки бармоғини жуфтлаган эди, Оллоҳнинг амри ила жонбахш исм шарофатидан ойнинг иккала парчаси қайта бирлашди. Бир талай киши иймон келтириб мусулмон бўлди. Абу Жаҳлнинг ичига қурт тушди ва аранг ўзини тутиб, тўпланган оломонга эшиттириб алам билан деди: “Агар қилган ишинг кўзбўямачилик эмас, ҳақиқат бўлса, кўз-қулоқларимизни боғлаб, ақду ҳушимизни тамғаламаган бўлсанг, бошқа шаҳарлар ҳам бунга гувоҳлик берсинлар!” Шу заҳоти дунёнинг ҳар чеккасидан: одамлар, карвонлар, элчию мактублар оқиб кела бошлади: “Бу қандай воқеаки, Ҳақ таоло самоларни бунёд этган, шу қуббада икки шамни ойдинлатган, *“Қуёшни зиё сочгувчи,*

¹ “Қамар” сураси, 1-оят.

ойни ёруғлик қилиб яратди”¹ ҳукмидагидек, икки гавҳар бирла зулумот пардаларини ёққан кунидан буён бу янглиғ кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, ғайритабиий воқеа содир бўлмаганди. Оталаримиз, боболаримиз ҳам бундай ҳодиса ҳақида гапириб беришмаганди, ҳеч бир китобда ҳам бундай нарсани ўқимагандик”.

Қўшни шаҳарлардан мактуб устига мактуб келарди. Абу Жаҳл ва шерикларининг “Аммо дилларида мараз бўлган кимсаларни эса динсизликларига динсизлик қўшур ва улар кофир ҳолларида ўлурлар”² оятидаги хабар сингари юзлари ҳар лаҳзада қорайгандан қораяр, иймон келтирганларнинг эса, “Иймон келтирган зотларнинг иймонларини, албатта, зиёда қилур”,³ деб буюрилганидек, ҳар он кўнгиллари қувватланиб, иймонлари ортгандан ортарди.

Байт: Ой нур сочар, ит эса ҳурар. Бунда ойнинг қандай гуноҳи бўлсин? Итнинг турган битгани – шу. Самовот устунлари ойдан нур олар. Ер юзидаги бир тикон остида ҳуриб ётган ит нимагаям ярарди?⁴

Эй, Ҳофизии Қуръонлар подшоҳи! Тўғри – Ҳақ йўл узра собитқадам турганларга йўл кўрсатмоқ учун Улуғлар улуғи Роббинг каломидан ўқи!

“Менинг ўз жонларига жинойт қилган бандаларимга айтинг: “Оллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз!”⁵ Буюк подшоҳ, мўл-кўл ато этувчи, дунёларнинг хожаси, яширин нарсаларни ҳам билгувчи, парчаю бутуннинг Яратгувчиси, тиканакка ҳам, гулга ҳам ризқ улашгувчи, ҳеч қандай амрга сифмаган ҳукм соҳиби, шаҳан-

¹ “Юнус” сураси, 5-оят.

² “Тавба” сураси, 125-оят

³ “Тавба” сураси, 124-оят.

⁴ Жалолиддин Румий. Девони Кабир.

⁵ “Зумар” сураси, 59-оят.

шоҳ, ҳақиқий салтанат эгаси, кўнгиллари ўлик кимсаларни тирилтириш, диллари кирланганларни ювиб-тозалаш учун шундоқ буюради: “Сўзланг, эй қўлларим! Сўзланг, эй Муҳаммад! Чунки сўз – сизга ҳалол қилинди. Сўзингиз улўғворлик соҳиби Оллоҳдандир”.

Байт: Ҳикмат соҳибларига улўғлик дастурхонида луқма ҳам, сўз ҳам, сеҳр ҳам – буларнинг ҳар учови ҳам ҳалолдир.¹

Сўзланг, эй сўзи ҳолдан-да хайрлироқ, камолотнинг ҳам камолига айланган пайғамбар, эй қўлларим!”

“Эй” узоққа юзланиш, ҳайқиришдир. Яъни дейилмоқчики, эй шайтон васвасаси сабаб асл манзилдан йироқ тушганлар! Карвон биёбон аро йўлдан адашса, ичларидан бири йўл бу ёқда дейди, бошқаси у ёқда. Шайтон эса: “Айни муддао бўлди-да, мана энди менинг фурсатим келди”, дея хезланади. Асл манзилдан тамомила тескари томонга бориб, карвонга яқинлари, ишонган дўстларининг хуш, нажоткорона садолари билан: “Келинг, келақолинг – йўл бу ёқда”, дея чорлайди. Эсингизни йиғинг, эй карвондаги иймон эгалари, ўзингизга келинг, қулоғингизга хушёр бўлинг-у, зинҳор алданманг! Келаётган овозда фитна – имтиҳон бор.

Карвон аҳли қулоғига ўз яқинларининг овозига монанд ҳимоя овози келаркан, ўша томонга бурилиб кетадилар. Бир чақирим юриб: “Бизни чақирган шу ерда эди. Энди қаёққа кетиб қолди экан?” дейдилар ва ортларига қайтмоқ бўладилар. Ваҳоланки, бу сароб – карвонни йўлдан адаштирди. Шайтон дейди: “Буларни ташлаб кетсам, ортларига қайтадилар ва бу дуруст бўлмайди”. Йўлини йўқотганларни янаям узоқроқдан, аввалгисидан

¹ Ҳаким Санойй. “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ”.

ҳам хуш овоз билан “Келаверинглар!” деб чақиради. Карвон аҳлидан баъзи кишилар: “Чинданам бизнинг ғамимизни еяётган бўлса, борғунимизча нечун жойидан жилмай турмади, нега биродарлик қилмади”, дея шубҳага борадилар. Бир у томонга қараб “кетдик!” дейдилар, бир ортларига боққанча келган тарафларига илҳақ йўналадилар, балки бирортаси келиб қолар, дея умидвор бўладилар. Ҳатто уларнинг айримлари Тангри раҳматидан йироқдирлар. Бу тоифа кишилар ўша тубанлик, ўжарлик ва фурсат саҳросида шайтоннинг ортидан қолмай, шу тахлит эргашиб кетаверади-лар. Шу қадар эргашади-ларки, на ўтирилишга мадорлари қолади ва на ортга қайтишга. Очлик, сувсизликдан савдойи чўлда ўлиб, қурт-қумурсқа-ларга ем бўлиб кетадилар. Ҳақ кўмагига мазҳар бўлганлар эса сарсари саҳро ўртасида, “*Парвардигоро, бизлар ўз жонимизга жабр-зулм этдик*”¹, дея ёлборадилар. Зулм қилдик, кўп адашдик энди қутулишимиз маҳол, дейдилар. Ҳақ таоло уларга бир фаришта, ҳатто маъсум, шариат соҳиби, танланган, пок бир пайғамбарни юборади. У пайғамбар Оллоҳ номидан уларни тўғри, ҳақ йўлда туриб чорлайди: “*Ўз жонига жиноят қилган бандаларим*”², эй Оллоҳнинг ҳаддидан ошган қуллари! Эй, йўлдан адашганлар! Сизлар ҳаддан ошиб, бир-икки чақани увол қилиш ёхуд бир неча эшакка юк бўлгич буғдой ҳисобини билмай сарфлашу мерос қолган сероб мол-давлатни еб-ичишга харжлаб юборишни исроф деб ўйламанглар. Асл исроф азиз умрни харжламоқдир. Чунки бир сониялик умр қиммати юз минг чақа билан ўлчаб бўлмайди. Жавоҳир вақт ўтиши билан қозонилиши мум-

¹ “Аъроф” сураси, 23-оят.

² “Зумар” сураси, 53-оят.

киндир, аммо вақтни жавоҳирга сотиб олиб бўлмайди. Умр давомида не-не ёқутларни ҳам қўлга киритса бўлар, бироқ юз-минглаб ёқут ила вақтга эга чиқиб бўлармикин?”

Байт: Жонни олтин баҳосида сотиб олмагандан-да, шунинг учун қадрини билмайсан. Ҳинду ҳам текин молнинг қадрига етмайди.¹

“Менинг ўз жонларига жиноят қилган бандаларим”. Сиз бошқаларга зулм қилдик, деб ўйлаганингиз билан, аслида, буни ўзингизга қилгансиз. Афёр дўконини ёқдим, деб севиниб юрганингизда ўз дўконингиз оловлар ичра қолган, бор сармонгиз касодга учраганди. Ёмонлик қилмагинки, ёмонлик кўрмагайсан. Чоҳ қазимагинки, чоҳга қуламагайсан.

Байт: Йўқсилнинг кўнглини кабоб қилиб еган золимга яхшилаб назар солсанг, ўз-ўзини қизартириб еяётганининг гувоҳи бўласан.²

Ҳикоя қилишларича, бир қассоб насияга гўшт бераркан. Дўконда насияларни ёзиб ўтирадиган бир ёш шогирди ҳам бор экан. Қассоб: “Ёзиб қўй, фалончининг шунча қарзи бор, пистончидан эса шунча олди-бердимиз бор”, деб буюраркан. Кунларнинг бирида бир ўлаксахўр қуш келиб, бир бўлак гўшт ўғирлаб қочибди. Қассоб болага: “Ёзиб қўй, гўштнинг тўртдан бири шу ўлакса еган қушда. Ундан ҳам мана шунча оладиганимиз бор”, дебди. Бошқа кун ўлаксахўр қуш одати бўйича дўконга яна келиб, гўшт ўғирламоқчи бўлганида қассоб қушни тузоққа туширибди ва калласини олиб бошқа қушларга ибрат бўлсин учун дўкон пештоқига осиб қўйибди. Бола: “Устоз, қушдан олинган ҳаққимизни ёзиб қўйдим. “Менинг ўз жонла-

¹ Муаллифи номаълум.

² Муаллифи номаълум .

рига жиноят қилган бандаларим” ҳукмидагидек, энди қушнинг ҳам сиздан оладигани бор. Қанча ёзиб қўяй?” деб сўрабди. Уста ёқасини чок этиб: “Тўшт масаласи осон. Аммо жон сўрасалар, мен нима қиламан?” дея оҳ урибди. “Оллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз”¹. Яъни гирдобга тушсангиз, ноумид бўлмангиз. Баъзи муфассирлар бу оят Ҳамзанинг (Оллоҳ ундан рози бўлгай) қотили Ваҳший ҳақида келган, дейишади.

Ҳамза аввалига қилич арслони эди, кейин Ҳақ арслонига айланди. Олдинига пайғамбарнинг амакиси, яқини эди, сўнграқ ўғли бўлди. Ҳамза мусулмон бўлганидан сўнг жангга кетаётиб зирх киймайдиган одат чиқарди. Ундан: “Эй арабнинг арслони, ёшлигингда – айни йигитлик куч-қувватига тўла чоғингда зирх кияр, бошингга дубулға илардинг. Баданинг заифлашиб қариган чоғингда жангга зирх киймасдан кетишинг боиси нимада?” деб сўрашди. Шунда Ҳамза: “Арслоннинг фитратида йигитлик сифати – яшамоқ, тирик қолмоқ умидию жони билан ўйин ўйнамаслик одати қай йўсин табиатнинг инъоми бўлиб, ўлим кўрқувининг кўзларига кўринмаса, худди шундай менинг ҳам сийратим азалдан арслон – йигит эди. Парвонада Иброҳимнинг нури бўлмагач, қандоқ қилиб Оллоҳга дош берсин? Чунончи, сувга ташна, чанқоқлик балосига гирифтор одам, қониб сув ичгани ҳамон қўл-оёғи шишиб кетганини кўрса ҳамки, сувдаги лаззат буларни ундан тўсади. Ундан ўлим ҳаёлини қувади. Мен Ҳамза бўлганим билан ҳалиги йигитларга хос жасоратни табиатим амрига кўра бажараётгандим. Ўлим кўзларимга ҳаёт бўлиб кўринганидан эмас, ўшанда бундай нур йўқ эди менда. Мана энди иймон келтиргач,

¹ “Зумар” сураси, 53-оят.

табиатим билан боғлиқ зулмат кўз олдимдан, кўнглимдан чиқиб кетди. Ўлимдан, ўлдирилишдан сўнг жонга улашилажак не-не ҳаёт неъматлари бор. Жоннинг фақат жон мажлисида ҳузур шаробидан қандай тотганию қўлсиз қадаҳ тутиб, оғиз, лабсиз ичган кўйи бошсиз қандай бош чайқатганини, оёқсиз қандай рақсга тушганини кўрдим”. “Оллоҳ ўйлида жангда ўлдирилган зотларни ҳаргиз ўлик деб ўйламамиз. Йўқ, улар тириклардир. У зотлар Оллоҳ ўз фазлу карами билан берган неъматлардан хушнуд ҳолларида баҳраманд бўлмоқдалар”.¹ Яъниким, жисмсиз – қорин, оғиз, лабсиз еб-ичмоқдалар. Жон ҳузур шаробидан тотдими, ғайб оламида оҳ уриб дерки: Эй тупроқ қолипидан ноумид бўлганлар! Шу тупроқ қолип парчаланса, еб-ичишдан қоламиз, ойдин кундан маҳрум, тор қабрга маҳбус бўламиз, деб умидсизлик қиляпсиз. Сиз бир бор бизнинг ҳолимизга боқиб кўринг! Эй, мазорда кўр қолган! Сендаги қараш кофир назаридир, иймон эгасиники эмас. Кофир ўзини кўр деб ўйлайди, аммо арслон ҳеч замонда бундай баҳони ўзига берадими? Кофирлар: “Бизлар ўлиб, тупроқ ва суякларга айланган вақтимизда яна қайта тирилгувчимизми?!”² дейдилар. Бекати – манзилини мазор билган кишининг оёғида қандоқ мадор қолсин? Ундай кимса қай кўнгил бирла учиб бекатлар ошсин? Ахир, кўнгил – кўрмоқдан ҳаракатга келади. Биттасининг кўриш қибласи мазор бўлса, унда куч-қувватдан ҳеч қандай улуш қолмайди. Басийрат соҳибларининг босган тупроқларини кўзларингизга суртингки, кўзингиз тупроқни кўролмай қолсин, мазорга қарашдан воз кечсин. Чунки бу тараф тупроқ ёки мазор эмас,

¹ “Оли Имрон” сураси, 169-170-оятлар.

² “Мўминлар” сураси, 82-оят.

топ-тоза нурдир. Мозор билан тупроқ қаёқдаю му-
саффо нур қаёқда?

Байт: Биродар, сен тушунчадан иборатсан.
Қолгани гўшт, теридир. Гул хаёли ила гулистонга,
янтоқ хаёли ила тиканзорга айланасан.¹

Охирингни тупроқ деб ўйласанг – тупроқсан.
Ўзингни пок деб фараз қилсанг – поксан.²

Ҳамза уларга шундай жавоб берди: “Ҳа, у чоғлар
жангга кетаркан, зирҳ кийиб олардим. Чунки
ўлимга, яраланишга кетардим. Ўлим томон зирҳ –
тадбирсиз бориш ақлдан эмас. Мана энди иймон
кўзи билан кўриб турибманки, жангга эмас, яша-
моққа кетар эканман. Асл ожизлик – тириклик,
ҳаёт томон зирҳ билан ҳимояланиб бормоқ экан”.

Байт: Ҳеч бир кўнгил у меҳробга ўз истаги би-
лан бормаиди, (Удир кўнгилларни ўзига жазб эт-
ган). Ҳеч ким у гўзал билан кўйлагини ечмаса,
ётиб-турмайди.³

Ваҳший деган киши зодагон бир араб аёлининг
қули эди. Ҳамза жангда у аёлнинг энг яқин киши-
сини ўлдирганди. Аёлнинг қалбида Ҳамзага нисба-
тан қасос ҳисси бор эди. Аёл қули Ваҳшийга: “Би-
рон чора топиб Ҳамзани ўлдиросанг, сенга мана
шунча сармоя бериб, озод қиламан”, дебди. Жангда
яқинларининг ўлими сабаб Ҳамзага адоват билан
боқувчи бошқа кишилар ҳам шу ишни бажарсанг,
фалон от сеники бўлади, фалон жорийани ҳам қўшиб
берамиз, деб уни ахийри кўндирибдилар. Олтин ва
мол кўзни шамғалат, қулоқни кар қилиб қўядиган
кўзбўямачидир. Ҳатто илм, ҳунари билан қилни
қирқ ёрган қози ва ҳаким ҳам мол-дунё, пора қай-
ғусига тушдими, ўша мол-дунёю пораси уларнинг

¹ Жалолиддин Румий. “Маснавий маънавий”.

² Ҳаким Санойӣ. Девон.

³ Ўша асар.

кўзини боғлайди. Оқибат, кундузи ҳам золим билан мазлумни ажратолмай қоладилар. Бу ҳақда Али (Оллоҳ ундан рози бўлсин!) бир хутбасида шундай буюрган: “Сизларга дунёдан юз ўгиришни тавсия этаман. Зотан, дунё алдоқчи, ғаддор, сеҳргардир”. Робия (Оллоҳ раҳматиға олсин!) ҳақида халқ орасида шундай ҳикоя юради: Бир кун Робиянинг хизматчиси унинг қўлиға икки танга пул берди. Шунда Робия бир тангани ўнг қўлиға, иккинчи бирини чап қўлиға олди. Овқат маҳали унга, “олсанг-чи!”, дейишди. “Луқмани оғзимға тутинг, чунки қўлларим банд”, деди. “Яхшиси иккала тангани ҳам бир қўлингға олгин-да, иккинчи қўлингғи ошға узат”. “Худо сақласин, униси ҳам афсунгар, буниси ҳам. Бу икковини асло бир қўлимға олмайман. Ҳар иккови бир ораға келдими, фитнаю нифоқ тадбириға тушиб қоладилар. Улар бир топишдиларми, бизни бир-биримиздан айириш ҳаракатини қиладилар”. Худдики, “*Ва ўшалардан (Ҳорут ва Морутдан) эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсалар ўрғанадилар*”¹, деб буюрилганидек. Оятни зоҳир аҳли тафсир этаркан, бу эр-хотиннинг орасини бузувчилар ҳақида, дейдилар. Аҳли ҳақиқат эса жон ва бадан орасидаги ажрим ҳақида, дейишади. Чунки жоннинг тенги йўқ боқий жуфти ҳақиқат бекатидир. Унинг чин жуфти, уни жуфтлик савдосидан қутқариб бирликка етиштирган, дарддан фориф этиб – ягона қилган Зотдир.

Рубойи: Бутун оламда жуфти топилмаган ул Ягона Зот, қули билан келишиб “бирми-жуфтми” ўйинини ўйнамоққа бошлади. Тўсатдан менға, бирни хоҳлайсанми, жуфтними, деб қолди. Мен ҳам: Бу оламда бир бўлмоқ учун, Сен-ла жуфт бўлмоқ истайман, дедим.²

¹ “Бақара” сураси, 102-оят.

² Жалолиддин Румий.

Ҳар не бошқа бирон нарса билан дўст тутин-
дими, икки бўлади. Фақат бу ҳақиқат ажабланар-
ли бир ҳақиқатки, сен у билан бирга бўлсанггина
бир бўласан. Усиз қолдингми, парчаланиб кета-
сан. Бунинг мисоли жон ва бадандир. Жон танда
экан, бир-бирига зид жами парчаю бўлақлар бир-
лашадилар. Қачонки, жон танни тарк этгач, бир
нарса юз минг нарсага айланиб қолади. Кўз бир
ёқ, қулоқ бошқа бир ёққа кетади. Суяк-суякка,
эт-этга ажралиб қумурсқаларга ем бўлиб, йўқола-
ди. Нега бу парча-бўлақлар сочилиб кетди, улар,
аслида, бир эмасмидилар? Тупроққа эвриларкан,
унинг бир қисм лойидан кўза ясасалар, қолгани-
дан меш ясайдилар. Уларнинг ҳар бири ўз-ўзича
якка, бир-бировига бегона бўлиб кетади. Биз икки
ёрти бир эдик, қачон бегона бўлдик? Жон суҳба-
ти бирла бирлашган, бир тану бир жон бўлган биз
эмасмидик?

Байт: Қадаҳлар бўшаб қолгандан кейин оғир-
лашади. Соф шароб билан тўлган заҳоти енгилла-
шади, ҳавода учар даражада ҳафиф ҳолга келади.
Шунга ўхшаб бадан ҳам жон билан айна шундоқ
енгиллашади.¹

Ваҳший мол-дунёга алданиб, Ҳамзани ўлдириш
фурсатини қидира бошлади. Ниҳоят, (Оллоҳ раҳ-
матига олсин!) Мустафонинг қўшини Уҳуд жанги-
да илк ҳужумдаёқ бутун кофирларни енгди. Мус-
тафо камончиларга: “Ўтиш жойида туриб яхши-
лаб қўриқланглар, бу ердан жилманглар”, деб бу-
юрганди. Камончилар Ислом аскарлари кофирлар
қўшинини тор-мор этиб, мусулмонлар ўлжа олиш-
га тушиб кетганларини, ғанимлар енгилганини
кўришлари ҳамон: “Биз бу ерда нима қилиб туриб-
миз? Кетдик, биз ҳам ўлжалардан насибамизни

¹ “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ” вазнида, муаллифи номаълум.

олайлик”, дедилар. Улардан баъзилари: “Пайғамбар амр қилганидек, ўтиш жойини қўриқлаймиз. Ўлжага бориш йўқ”, дея эътироз билдирдилар. Қолганлари: “Пайғамбар амрни жанг чоғи берганди, энди эса жанг тугади”, деб уларга қулоқ солмадилар. Шундай қилиб, камончиларнинг талай қисми ўлжа қайғусида тайинланган ўтиш жойини пистирма учун пайт пойлаб ётган ёғий – Абу Суфён аскарларига қолдириб кетдилар. Кофирлар ўтиш жойидаги одамлар тарқаётганини кўриб ҳужумга ўтдилар. Мусулмонлар ўлжаларни бўлишиш билан овора экан, уларни босдилар. Саҳобалар орасида Мустафога ўхшаб кетадиган бир киши бор эди. У қуролланиб олса бас, пайғамбардан жуда озчилик киши ажрата оларди. Жангда у зот ўлдирилди. Мусулмонлардан буни кўрганлар пайғамбар, деб ўйладилар ва тарақайлаб қоча бошладилар. Пайғамбар (Унга Оллоҳнинг саломи бўлгай!) уларнинг ортидан: “Мен бу ердаман, тўхтанглар!” дея ҳайқирди. *“(Эй мўминлар), ҳеч кимга боқмай, (жанг майдонидан) чиқиб кетган пайтингизни эслангиз! Ҳолбуки, пайғамбар ортингиздан сизларни чорламоқда эди”.¹*

Ривоят қилишларича, “Бу воқеада Умарни кўрдик. Қўшиндан чиқиб қуролларини бир ёнга қўйиб олганча ўтирарди. Нега қочмаяпсан, дея сўрадик. “Кимга қочайин? Вужудимдаги жон Муҳаммад учун эди. Яшамоқ – у учун керак эди менга”, деди. Умарни шу кўйда кўриб кетаётгандик, бирдан Ҳамза йўлимиздан чиқиб қолди. У қўшиннинг бир томонида жунбишга келган кул ранг арслонга ўхшарди. Мусулмонларни пойлаб юрган кофирларнинг қай бири қўлига тушса, иккига бўлиб ташларди”, деб гувоҳлик беришди.

¹ “Оли Имрон” сураси, 156-оят.

Ровийлар орасида ҳақиқатан ҳам бу воқеанинг шоҳиди бўлган кишилар қасам ичиб дедиларки: “Уруш мардларидан бири Ҳамзанинг олдидан чиқиб унга қилич кутарди. Биз кофирнинг бошини аниқ нишонга ололмади, деб ўйладик. Яхшилаб қарасак, мусулмон аскарлари сафидаги ўша кимса Ҳамзанинг ортига тушган экан. Кофирларнинг бошларидан тепалик қад ростлаганди. Шу тахлит Ҳамза кофирларни ўлдириш билан андармон экан, Ваҳший унинг ёнига яқинлашиш учун фурсат тополмай, ўнг томондаги бир тош ортига яширинди. Ҳамза урушга тамомила шўнғигани замон Ваҳший тош ортидан бошини чиқариб-чиқариб турарди. Илкис бир гала кофир ҳужум қилиб қолди. Ҳамза уларни қириш билан овора эди. Ваҳший, ниҳоят, пайтини топди. Ҳамза зирҳсиз эди. Ваҳший унга томон қилич отди. Қилич Ҳамзанинг белига санчилди. Ҳамза қилични бор кучи билан белидан суғуриб олди. Аммо буни уддалагунча кўп қон йўқотди. Ваҳшийнинг ортидан тушмоқчи бўлди-ю, кўп қон йўқотганидан қуввати қолмай ерга йиқилди ва уч бора: “Оллоҳга ҳамд бўлсинки, Ислом учун жоним садқа бўлсин. У зот дунёни, мол-давлатни сизга берди. Дин ва Ўзига муяссар бўлмоқлик саодатини эса бизга улашди. Шунинг боисидан биз – сархушмиз”, деди. “Уларнинг ҳаёти-дунёдаги маишат-тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталаарида Биз ўзимиз тақсимлаганмиз”¹, дея буюрилганидек, шу онда жон берди. “Албатта, биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта, биз у зотга қайтгувчилармиз”.² Шундан сўнг Мустафо (Саломлар бўлгай!) Ҳамзанинг шаҳид бўлганини эшитдилар. Оёқлари яраланган, кофирлар муборак тишлари-

¹ “Зухруф” сураси, 32-оят.

² “Бақара” сураси, 156-оят.

ни синдирган ва анча-мунча қон йўқотганларига қарамай, Ҳамзанинг ўлими хабарини эшитиб – барини унутдилар. Бориб Ҳамзанинг бошини бағирларига босдилар ва муборак енглари билан юзларини артдилар. “Сен учун кофирларни шундай қирайинки, саноғига етолмасинлар”, дея онт ичдилар. Ниҳоят, оят тушди: “Биз Ҳамзани баланд давлатларга мушарраф қилмадикми? Ўч олишни ўйламанг! Чунки сизнинг йўл-йўригингиз лутфдир, афв этишдир”. Эркагу аёл шаҳид кетган ўз яқинлари кетидан юм-юм йиғлаб, фигон чекарди. Мустафо буюрдики, (Оллоҳ раҳматига олгай!) “Эй, менинг амаким Ҳамза! Сенинг ортингдан ҳеч ким кўз ёш тўкмаяпти. Ҳолбуки, куюнишларига энг муносиби сенсан. Аслида, сени йўқотганларидан ҳасрат чекиб, кўз ёш тўкишлари жоиз эди”.

Йиғлай-йиғлай масжидга томон кетдилар. Аёллар келишди. Ҳамзага (Оллоҳ ундан рози бўлгай!) масжид эшигида фарёд эта-эта аза очдилар. Пайғамбар яна бир муддат йиғладилар-да, Ҳамзага мотам тутган аёлларни дуо қилдилар. Жангда шаҳид кетганлар ҳақиға бирма-бир намоз ўқидилар. Ҳамзага эса етмиш маротаба намоз ўқидилар.

Ваҳший ноумид бўлди: “Ҳатто лаънатланган Иблиснинг бутун авлодлари гуноҳларидан ўтилганда ҳам менинг тавбам қабул бўлмайди. Мен шундай бир иш қилдимки, жиноятим боисидан самодаги барча малаклар кўнгил қўйган пайғамбарнинг муборак қалби кўп озор топди. Энди Нух умри қадар ҳаёт сурсам ҳам, яна бундан ўн баробар узоқроқ яшасам ҳам, умр бўйи сабр қилган Айюбдек сабр қилсам ҳам, тавбам қабул бўлишига, афв этилишимга инонмайман”. Унинг оҳлари осмонни тутди. Шу кундан бошлаб Макканинг қайси томонида аза бўлса, Ваҳший ўша ўлик қаб-

ри тепасига бориб, бошидан тупроқ сочар, аёлларга қўшилиб йиғлай кетарди. Ундан: “Эй Ваҳший, сен марҳумимизнинг ақраболариданмисан?” деб сўрашарди. У эса: “Менинг шундай мотамим борки, жоним шундай мотамсароки, бутун дунёнинг азалари менинг мотамимга айланган”, деб жавоб берарди. Шундан кейин: “(Эй Муҳаммад, турли гуноҳ маъсиятлар қилиш билан) Менинг ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: “Оллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз!” Албатта, Оллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур”,¹ деган раҳмат оятлари тушди. Яъни дейилмоқчики, кимки фарзанд кўришдан пок подшоҳга бандалари – Марям ва Исони шерик қилиб, ширк келтирса, унинг учун бирор ёрлақагувчи бўлмас. Бундан бошқа Ўзи истаган бари гуноҳларнинг баҳридан ўтиши мумкин. Ваҳшийга мана шунақа ваъда келди, деб оят хушхабарини етказдилар. Ваҳший Худоба: “Менга ширк келтирмаганнинг, шерик қўшмаганнинг қилган барча гуноҳларини афв этаман деганинг билан фақат “ўзим истаган қулнинг” ҳам деяпсан. Мен – Ваҳшийман. Биламан, мени ёрлақагинг йўқ”, дея нола қила қон йиғлай кетди. Раҳмат денгизи жушиб кўпирди. Жаннат ирмоқлари раҳмат сутлари билан қирғоқларга до-вур тўлди. “Раҳмат асарларию эҳсон денгизи жу-шиб-тошишининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Қўра-миз, раҳм-шафқат тўлқини соҳилга қандайин кўз кўриб, қулоқ эшитмаган дурларни отар экан”, дея етти осмон фаришталари қанотларини ёздилар.

Фаришталар шундай маҳтал бўларкан, азалу абад Подшоҳ, заволию эҳтиёжмандлар қўллари-дан тутувчи, беҳисоб мағфират соҳиби Раҳмон

¹ “Зумар” сураси, 53-оят.

ҳабиби Мустафога (Оллоҳ раҳматига олгай!) ваҳий юборди: *“Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб яхши амаллар қилса, бас, Оллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик – гуноҳларини яхшилик – савобларга айлантириб қўюр”*.¹ Эй, менинг бағри қон қулла-рим! Эй, менинг хирмони куйган қулларим! Эй, дардга мубтало, ғам-ғуссага гирифтор, зиндон-банд этилган, пушаймонлик оташида ёниб, билимсизлик ортидан уй-жойини куйдирган қулла-рим! Эй, олов ютиб, қон йиғлаган, ҳаддидан ошиб умидсизликка тушган қулларим! Сўнгсиз раҳматимдан ноумид бўлмангиз! Бандаларимга ғамхўрлик, марҳамат қилгувчи карамимдан умид узмангиз! Оллоҳ, шубҳасиз, барча гуноҳларни мағфират қилур. *“Албатта, Оллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур”*. Бошқа бир оятда куфрдан бўлак барча гуноҳларни афв этаман, деган бўлса, бу оятда Ваҳшийнинг дардига дармон бўлмоқ учун бари гуноҳларини кечираман, деб буюрди. Бу сафар “Ўзим хоҳлаган бандамнинг” демади, чунки айни жумланинг қиличи Ваҳший жигарини яралаб, тилка-пора қилиб юборганди. “Эй, “Ўзим хоҳлаган бандамнинг” сўзи, сен жигаримни тилапсан, йўлларимда оловлар билан лик тўла етмиш хандақсан. Буларни ҳатлаб ўта олишимга қандоқ кўзим етсин? Тутунлар чулғаган қаттоллим билан у оловли хандақлардан қандоқ ошиб ўтаман? Бу ҳатто хаёлга ҳам сиғмайди, ақл эса бовар қилмайди”, дея надомат чекарди.

Байт: Ўзингдан кечмас экансан, жисмингга ўралиб олганча асирликдан нетиб қутулмоқчисан? Сен бир ўтинсан. Жаҳаннамни – у куйдирги оловни қандоқ кечиб ўтмоқчисан?²

¹ “Фурқон” сураси, 70-оят.

² “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ” вазнида, муаллифи номаълум..

Карам соҳиби, лутфкор Ҳақ таолонинг беқиёс раҳмат зиёсидан таралмиш марҳамат шуълалари, ўша “Ўзим хоҳлаган бандамнинг” оятидаги ҳарфлардан ҳам дуд чиқариб юборди-да, алангали олов хандақлар билан Ваҳшийнинг кўз ёшларидан мисоли Иброҳим оловидек гулу райҳон, ёсуман ўстирди – гулистон ҳолига келтирди. “Оллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик – гуноҳларини яхшилик – савобларга айлантириб қўюр”, ҳукмидагидек олов билан тўлдирилган хандақни ва “Ўзим хоҳлаган бандамнинг” сўзини майдондан чиқариб ер юзига ҳам, осмонларга ҳам раҳмат ёғдирди.

Байт: Суюклигим, ясаниб олди – ҳуснига ҳусн қўшилди. Умр бўйи – кўз тегмасин! Куффри том иймонга айланиб қолди – сираям кўз тегмасин! Аччиқланиб заҳар сочган ўша дудоқларидан шакару бол тома бошлади – сираям кўз тегмасин!¹

Ваҳший “Ўзим хоҳлаган бандамнинг” – жузъий афв оятини эшитибок, “Оллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик – гуноҳларини яхшилик – савобларга айлантириб қўюр”, эҳсонидан ларзага тушди, сабр ёқасини йиртди. Югура-югура, сажда эта-эта, наъра торта-торта ахийри масжидга – пайғамбарнинг ёнига борди, изларини кўзларига тўтиё этди.

Байт: Ўлдирсанг-ўлдирақол, чунки маҳбубим жонимни олса, мен яшай бошлайман.²

“Эй, бандаларнинг энг сараси, эй, ҳақиқатлар султони, эй, аввалгиларнинг ҳам, кейингиларнинг ҳам шафоатчиси, эй, самовотнинг ҳам, ер юзининг ҳам сабаби, йиллар бўйи сенинг соғинчингда қўлларим кўксимда. Юрагим оловланаркан, қайси юз билан меҳробингга кела олардим? Ниҳоят, бемисл меҳроб камандингни бўйнимга отдингу

¹ Ҳаким Санойй. Девон.

² Муаллифи номаълум.

эмаклатиб сурувга олиб келдинг. Сен халойиқнинг энг расоси, мен бўлсам энг расвосиман”, дея оҳ урарди.

Байт: Сен ҳукм сурган ўлкада давлатинг соясида афтода – паришон бўлиш фойдали бўлмаслиги мумкин, лекин зиён ҳам эмас.¹

Бунга ўхшаган жиноятга, фақатгина худди ўзидек катта ёрлақаш – иноят билан лутф қилинади. Ўликни Исонинг нафаси тирилтира олиши, темирни Довуднинг қўллари юмшата билиши, шайтонни эса Сулаймоннинг буйруғигина ром қила олиши мумкин. Эй Довуду Сулаймоннинг фахр-ифтихори, эй, ҳар борлиқнинг жон нури! Жон қушим қушлигига қарамай, қолип – қафасни ёриб чиқиб, юксакларга учиб кетмоқда. Сени еру осмон мавжудотларидан, аввалгилару кейин келадиганлардан танлаб устун қилган Оллоҳ ризолиги учун жоним бадан – меҳнат юртини тарк этмасидан бурун менга инсонни покловчи у сўзни, ўша ҳаёт – давлат бағишловчи, юқори мартабаларга элтувчи, оғизга шакарқамишидан ҳам тотлироқ туюлган муқаддас сўзни, аршу курсидан ҳам юксакроқ бўлган шаҳодат калимасини айтгинки, токи ўлимдан олдин бу сўзнинг залворли либосини кийиб парвоз қилайин! Хижолатим бисёр, эҳтиёж, муродим бисёр. Ўша сўзни тезроқ менга ўргатгин, тилим у сўзни такрорлаб турар, жонимга у сўзнинг файзи аста ёйиларкан, у оламга сафар қилайин: “Шаҳодат этаманки, Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва яна шаҳодат этаманки, Муҳаммад Унинг расулидир”.

Мустафо (Оллоҳ раҳматига олгай!) шаҳодат калимасини унга ўргатди. Қуш палапонларининг оғзига донни қандоқ бирма-бир тутса, у ҳам бу

¹ Муаллифи номаълум.

калимани ўшандоқ сўзма-сўз Ваҳшийнинг тилига узата бошлади. Унинг (Ваҳшийнинг – тарж.) палапондек жони тийиқсиз майл ила бўйинини чўзиб, зўр иштаҳа билан иккинчи, учинчи сўзни ҳам бир ҳамлада ютиб юборишни истар эди. Жон палапонни уясидан – борлиқ дўконидан йўқлик оламига учиш ҳадиги билан бўйинини донга томон чўзарди.

Рубойи: Сен менинг тулким эмасмисан, арслондан қўрққанинг нимаси? Сенинг давлатинг мен эмасманми, йўқсилликдан чўчиганинг нимаси? Самодаги ой сенинг йўлдошинг эмасми? Тонг эркиши мақомига етди, оқшом маҳали бунга муясар бўлди, хавотиринг нимаси?¹

Бу шунга ўхшайди: тухумни ёриб чиққан палапонлар уяда қоладилар. Оналари эса уларга емиш ахтариб учиб кетади. Она қуш болаларини узоқ куттирмай, яқин атрофдан озуқа топиш илинжида парвоз қилса ҳамки, топган дон-дуним ортида тузоқ бўлмасин яна, егулик ғамида ҳаялласам ҳаяллайинки, аммо унга (тузоққа – тарж.) банди қолмайин, дея палапонларини кун бўйи ёлғиз қолдириб кетишга мажбур бўлади.

Рубойи: Бошимизга тушган барча азият, изтироблар хомлик – очкўзлик ортидан келади. Булар нафс синовларидан, истакларнинг бизга ўтказган зуғумидан туғилади. Дон илинжида тузоққа тушган қуш, торгина қафасга қамалади-да, том бошига осиб қўйилади.²

Эй очкўз нафс, сен қушдан ҳам тубанроқмисан? Ахир, қуш ҳам дуч келган донга бўйин чўзмайди-ку! Очликдан азоб чекканда ақли унга: “Бу ёниб куйишинг тузоққа илинишдан афзалроқдир. Қўй, шу донни. Хавфсизроқ, овчилардан холироқ

¹ Жалолиддин Румий.

² Жалолиддин Румий.

жойлардан емиш изла!” дея йўл кўрсатади. Кейин қуш шундай егулик топадики, у ерда на бир кўрқув, на бир хатар бор. У ёқ зиён-заҳматдан йироқ. Шундай бўлгани ҳолда яна эллик марта ўнгу сўлига боқиб, тағин бирор йиртқич қуш ёки бирор мушук мени гофил кўриб, ов режасини тузиб кўзлаб турган бўлмасин. Бирови тутиб, бошқаси боғлаб тузоққа илинтирмасин, дея яна тадбир олади. Оқиллар кимни аҳмоқ деб билсалар, ўшанга кулгилари қистайди.

Байт: Қушча доннинг тепасида юз марта ўнгу сўлига, олду ортига қараб ҳадиксираб туриб қолади. Жони шунинг боисидан ҳаловатини йўқотган. Жон қайғуси дон қайғусидан минг карра ортиқроқдир.¹

Қаерда экан у ҳақиқатки, қўлга киритган дон-дунига қараб: мана шу луқмамни деб, ўлак-са еган нафс домига тушиб қолмайин ёки қора мушук менга қасд қилиш пайтини пойламасин ва ё Ҳақнинг қаҳр тузоғи тутиб олмасин, десин. Шу бегона аёлга боқаяпман, ишқилиб, бўйним дор тагига етмасин. Уйқусираган кўзларини томоша қияпман, ишқилиб, ғайб пардаси ортидан бир кузатувчи чиқиб бўғзимдан олмасин.

Байт: Гузалларга қиё боқмагинки, бу боқишнинг охири йиғи билан ниҳоя топмасин. Аввалига у биргина боқишинг аҳамиятсиздек туюлади, аммо кейинроқ қуш дон-дуини чўқиб олади-да, учиб кетади.²

Исроил ўғиллари орасида Барсисо деган бир зоҳид бор эди. Зоҳидлигининг овозаси мағрибу машриққа ёйилганди. Қаерда бирор бетоб киши бўлса, унга дуо ўқиб, дам урилган сув бериб юбо-

¹ Ҳаким Саной. “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ”.

² “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ” вазнида, муаллифи номаълум.

рарди. Уни ичган касал дарҳол соғайиб кетарди. Буни ҳамма унинг нафаси ўткирлигига йўярди. Кўп ўтмай, халқ ичида табобатга нисбатан “фалон дори-дармон таъсиридан касалларимиз ҳеч шифо топдиларми”, каби шубҳалар пайдо бўлди. Барсисонинг доврўғи шунчалар ошиб кетдики, оқибатда замонасининг ҳакимлари ишсиз қолдилар.

Лаънатланган, ҳийла-найранглар хожаси, азалий душман Иблис, бу ҳолдан ғашланар, лекин тайинли чора тополмай юрарди. Кунлардан бир кун қуёш ботгач, ўғилларига қараб деди: “Ораларингизда шу ягона эр кишини тузоққа илинтириб, мени бу ғалвадан қутқарадиган бирон мард йўқми?” Ўғилларидан бири: “Эртароқ менга айтмайсанми, ҳали кўрасан, бу ишни пиштаман, сени эзғилаётган дарддан ўзим форигъ этаман”, дея ғашланди. Иблис суюниб кетиб: “Ўғил дегани – сендай бўлса! Агар зиммангга олган ишнинг уддасидан чиқолсанг, кўр кўзларимни ёритган бўлурдинг”, деди. Иблиснинг бу ўғлида шундайин малъунона ақл бор эдики, халқни ёш ва гўзал аёллардан бўлак яхшироқ овлайдиган тузоқ йўқ, деб ўйларди. Чунки бу – олтину нон қайғусига ўхшамайди. Сен олтинга ошиқ бўласан. Лекин унинг жони йўқки, сенга у ҳам ошиқ бўлсин. Ноннинг ҳам қандай жони борки, сени изласин ва сен билан гаплашсин. Фақатгина ёш аёллар муҳаббати икки тарафлама бўлиши мумкин. Сен уни севиб, талпинсанг, у ҳам сени севиб, талпинади. Сен уни йўқотиш тадбирини қилсанг, у ҳам зимдан сендан қутилиш режасини тузади. Деворни бир ёғига ўтволиб бузишга киришсанг, у ҳадеганда ағанай қолмайди. Мадомики, уни ҳар икки томондан тешишга чандон уринсанг, икки ёндан ўйиб келаётган иккала аслаҳа кўп ўтмай бир-бировига қовушади. Энди сен билан у аёл орасидаги

дўст-душман, бегоналарнинг яхши-ёмон назаридан ҳосил бўлган парда бир деворга ўхшайдики, бу – аёл билан сенинг орангдир. Сен бу ёқдан ўша аёл ишқида девордан тезроқ дарича очиб олиш ҳаракатини қиласан. Аёл ҳам нариги ёқдан бирор йўлини қилиб деворни тешиш тадбирини олади. Шундай қилиб, ўйилган икки дарича висол учун восита бўлади.

Ўғри кечаси эшикни ташқари томондан очишни қандай уддалаш мумкин, деб ўйлаб юрарди. Агар ўғрининг уй ичида ҳаммаслак ўртоғи бўлса ёки бир жория ичкаридан эшикни очиб турса, ҳеч замонда ташқаридан пул ўмариш муродида югуриб-еладими? Олтин ва ё сандиқ бориб эшикни очолармиди? Шунга ўхшаб, Иблиснинг ўғли ҳам бутун дунёни кезиб чиқди. Зоҳидни овламоқ учун гўзал, ақлли, тағли-туғли, жозибаю ишвали аёл излади. Иблисона фисқи фасод қуввати билан қўшмачилик, юзи қаролик иллатини яшириб, тузукроқ аёл қайғусида уйма-уй, шаҳарма-шаҳар айланиб юрди. Узоқ излади – излаган муродига етур. Излаган нарсаси изланишга муносиб бўлган киши қандоқ бахтли! Бу тўнғиз овлашга сираям ўхшамайди. Инсон тўнғиз овида ҳам отни қолдан толдиради, ҳам ўзининг тинка-мадори қурийди. Бу бемаъни овда вақти кетгани қолади, локин овдан завқланиб юраверади. Ниҳоят, тўнғизни бир амаллаб ўлдиради ҳам. Бироқ унинг жасади: терисию эти, тишларию жуни ҳеч нимага ярамайди. Кейин қаёқдаги тўнғиз учун умримни кўкка, ўқларимни ҳавога совурдим, деб надомат чекиб юради.

Байт: Юкларнинг бари эшак кирасига етса, қанийди. Дўстларнинг бари кўнгил ғамига яраса, қанийди.¹

¹ Муаллифи номаълум.

Ақлли деб шундай одамни айтадиларки, бирон нимани излаб тополмаса, оғриниб ўтирмайди. Топгудай бўлса, ўз-ўзи билан олишиб, пушаймон бўлмайди. Кўзлари ҳар кун овдан аста-аста ёриша бошлайди-да, гулистонга боқади, завқи эса у гўзални дея бисёр ошади, ҳуснига ошуфта этади. Хаста кўнглини ўша хазина, мол-давлат шавқи овласа, шамол унинг бўйини келтириб, сармаст қилади. Инсон унинг жилваю ишвасига банди бўлади. Бунда на ўлим ва на айролиқ қўрқуви бор, на мансаб, на ғовларни ғорат этиш қайғуси бор. “Бас, уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини (яъни охират неъматларини) бирон жон билмас”.¹ Тангри таоло марҳамат қиладики, кўнгил хилватида Билқийс каби қўним топган, Худхуддек ёд этиш тумшуғи бирла ҳар лаҳзада бир ниёз мактуби изҳор айлаб Сулаймон даргоҳига ундан хабар келтирган ул хуш нафасли жон унинг йўғу борини абадий ҳаёт томон тортқилаётганларини қаёқдан билсин? Бунингдек ҳаёт, бунингдек завқу сафонинг ниҳояси бўлармиди? Дунёда қайси оёқ бу манзиллар сари олға юра олади ва қайси қадам бу қутлуғ қадамни илғай олади? Бу оламда уни эшитувчи қулоқ қани? Қаёқда у ақл-тафаккурки, бу таъмни тотиб кўрса? Ҳозир мана мен – сўз сўзлаяпман, сиз – эшитяпсиз. Улуғлик соҳиби Оллоҳга қасамки, ғайб оламининг юксакларида учиб юрганлар ҳам, самовот пардаларида бенуқсон, комил қулоқлари билан буни эшитиб турадилар. “Шак-шубҳасиз, сизларнинг устингизда (қилган ҳар бир амалингизни) ёд олиб, ёзиб тургувчи улўғ (фаришта) бор. Улар сизлар қилаётган ишларни билурлар”.² Улар бир-бирларига қараб: “Бу

¹ “Сажда” сураси, 17-оят.

² “Инфитор” сураси, 10-11-оятлар.

қандай ажабланарли ҳолки, шу сўзларни айтаётган, шу нафасни олиб-чиқараётган кимса нечун борлиқ пардасини йиртиб, осмонларда учмаяпти экан?”, дея ҳайрон бўладилар. Кўзлари шамғалат бўлиб: “Ажабо, сўз сўзлаётган чиндана инсонми? Инсоннинг ҳам сўзи бўладими? Шамол бу сўзни тоққа пуфласайди, тоғ сомон чўпидек севинчдан яйраб уча кетарди. У тоғнинг булаклари, севги ҳавосидаги мезонлардек ўмбалоқ ошардилар. “Агар Биз ушбу Қуръонни бирон тоғга нозил қилганимизда, албатта, сиз у (тоғ)ни Оллоҳнинг қўрқувидан эгилиб ёрилиб кетган ҳолида кўрган бўлур эдингиз”.¹

Бу инсон отлиғ мавжудот нечун парчаланиб кетмаяпти? Заррадек сочилиб кетмаслигининг боиси не, Парвардигор? Бунақанги ақлни шошириб қўювчи нарсаларни кўнглига келтириб яна тили билан сўзловчи, одамларнинг қўлоғига қўйиб, қалами билан ёзиб ҳам қўювчи борлиқ қандай қилиб ўз ҳолича қолаверади?” Сўнг Ҳақ таолодан шундай хитоб келади: “Парча-парча бўлиниб кетмоғига монё бўлган нарса шубҳа пардасидир”.

Шеър: Ай, жонимнинг қат-қатларини макон этган ва бундан ҳатто жонимнинг ўзи ҳам беҳабар бўлган, дўст! Дунё сен билан тўлиғ, лекин дунёнинг сендан хабари йўқ. Кўнглим, жоним, нетиб изингни изласин. Жону кўнгил сенинг масканинг, фақат улар сендан огоҳ эмаслар. Суратинг хаёлда-ю, хаёлнинг сендан насибаси йўқ. Исмнинг тилда-ю, тилнинг ҳам бундан хабари йўқ. Халқнинг сендан хабардор бўлмоғи исм ва белгилар била мумкиндир. Локин, кўрмайсанми, барча исмлару белгиларинг ошкор бўлгани ҳолда халқнинг сендан хабари йўқ. Сенинг денгизинг жавоҳири

¹ “Ҳашр” сураси, 21-оят.

ортидан тушганлар асл иймон ва шубҳа водийсида сайр этиб ҳам сендан воқиф бўлмадилар. Сени қандай таништирайин? Чунки ҳар қадай комил таништирув ҳам сендан ожиз, ҳатто унинг сендан хабари йўқ. Парвознинг Жаброил қанотидан қандай қилиб хабари бўлсин, худди шундай сендан хабар берганнинг ҳам, аслида, сендан хабари йўқ.¹

Барсисо ҳикоясини тамомлаб қўйсак. Ҳалиги даргоҳдан қувилган Иблиси лаин узоқ ахтариб, ниҳоят ўша мамлакат подшоҳининг қизини танлади. Сабаби, малика тенги йўқ соҳибжамол эди. У қизнинг миясига кириб, эс-ҳушидан айирди, девона қилди. Малика тўшакка михланиб қолди. Подшоҳ донишманду ҳакимларни тўплади. Уларнинг бари маликани даволаб, дори-дармон тавсия этишга, оёққа турғизишга ожиз эдилар. Иблис зоҳидлар киядиган либосга ўралиб келди-да, подшоҳга деди: “Агар қизимнинг хасталиги тезроқ арисин, десанг, Барсисога олиб боришинг керак. У қизингни ўқиб, дам ургачгина бу касалликдан халос бўлади”. Сарой аҳли бундан бошқа чора тополмай, Иблиснинг гапига кириб, маликани Барсисонинг ҳузурига олиб бордилар. Барсисо дуо ўқиди, Иблис ҳам қизни қўйиб юборди. Қиз соғайди. Иблис шу йўл билан подшоҳнинг ишончига кирди. Подшоҳ қизининг саломатлигидан севинчи ичига сиғмай юрарди. Бироз фурсат ўтгач, Иблис яна маликани касаллатиб қўйди. Ҳакимлар аввалгидай уни даволашдан ожиз қолдилар. Иблис яна ўша зоҳид суратида саройга бориб, деди: “Маликани Барсисонинг олдига олиб бориш зарур. Лекин бу сафар тузалиб кетгунча унинг ёнида қолсин. Узоқ вақт ўтиб, ўзи сизларга соғайдим, деб хабар бермагунча безовта қилманг-

¹ Фаридиддин Аттор. Девон.

лар”. Мингларча хурлиқо қандай иззат-эҳтиром ила манзилга етказиб қўйилса, малика ҳам ушандоқ эъзоз бирла Барсисо ҳузурига элтиб қўйилди. Ҳакимга: “Малика бутунлай соғаймагунча сенинг ёнингда қолади. Бизга шундай маслаҳат бердилар ва биз бунӣ маъқул топдик”, дея омонатларини зоҳиднинг ибодатхонасида қолдириб қайтдилар. Қиз, зоҳид ва Иблис ибодатхонада ёлғиз қолдилар. Ўшал зоҳид оқил киши бўлсайди, ибодатхонада малика билан танҳо қолишга асло рози бўлмасди. Пайғамбар (Унга саломлар бўлгай!) буюради: “Бир аёл ва бир эркак хонада ёлғиз қолдиларми, уларнинг учинчилари шайтондир”. Яъни шайтон уларнинг воситачисидир.

Узоқ муддат қиз зоҳид билан бир ҳужрада қолди. Ҳаш-паш дегунча, Барсисо унга кўнгил қўйиб, тушакка тортди. Қиз ҳомиладор бўлиб қолди. Бу сафар Иблис инсон суратига кириб Барсисонинг ёнига келди. Унга ўзини ҳамдард кўрсатди. Нимадан хавотирланяпсан, деб сўради. Барсисо бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берди. Иблис қизни ўлдиришдан бошқа чоранг йўқ, сўраганларга ўлиб қолганди, кўмиб юбордим дейсан, дея маслаҳат солди. Барсисо Иблисга бўйсуниб маликани ўлдирди. Бундан сўнг Иблис инсон суратида подшоҳ ёнига келди-да: “Қизингиз тузалди, бориб олиб келмайсизларми?” деди. Шоҳ ва унинг аъёнлари йўлга тушиб, Барсисодан маликани сўрадилар. Барсисо: “Малика ўлиб қолди. Кўмиб юбордим”, деди. Ортга қайтиб аза очдилар. Галдаги сафар Иблис бошқа бир суратда саройга келиб шоҳдан сўради: “Малика қаерда?” “Ўлиб қолди”. Иблис: “Ким айтди?” Шоҳ: “Барсисо ҳаким”. Иблис: “Ёлғон айтибди. Ҳаким малика билан қўшилди ва у ҳомиладор бўлиб қолди. Сўнгра қизни ўлдириб, кўмиб

ташлади. Ишонмасангиз, фалон ерни қаздиринг, маликанинг жасади ўша жойда”, деди. Подшоҳ ўзини қўярга жой тополмай, дунё кўзларига қоронғи бўлиб кетди. Боши қаҳру ғазабдан ёрилай дер, ҳоли ғоят абгор эди. Кейин бир гала аъёнлари билан отга миниб, Барсисонинг ибодатхонасига борди. Ичкари кириб: “Қизим қани?” дея сўради. Барсисо яна ўшандай: “Ўлиб қолди. Кўмиб юбордим”, деганди, шоҳ: “Унда нечун бизга хабар бержадинг?” дея нолон бўлди. Ҳаким жавоб берди: “Ибодат билан машғул эдим. Ундан чалғимай деб қўрқдим”. Подшоҳ сўради: “Айтган гапларингнинг тескарисини бўлса, нима қилайин?” Бу гапдан сўнг Барсисонинг қони қайнай бошлади, олд-ортига боқмай, сўкина кетди. Подшоҳ Иблис айтган ерни кавлатди. Қизни чиқардилар. У ҳақиқатан ҳам ўлдирилган эди. Барсисонинг қўлларини боғлаб, бўйнига сиртмоқ солдилар. Халқ тўпланди. Барсисо ўз-ўзига: “Эй, кўрнамак нафс! Дуом қабул бўлади, дея хуррам юрардинг. Халқнинг эътибору ишончини қозониб бундан керилардинг ҳам. Халқ сени яхши кўрар ва сендан миннатдор эди. Халқнинг ихлоси сусайишидан ҳам чўчиб турардинг! Аслида, буларнинг бари – илон, чаён эди-ку! Ҳа-ҳа, халқ муҳаббати заҳарли илоннинг ўзгинаси!” дея оҳ урар, аммо бундан энди не наф?!

Уни баҳайбат дор остига олиб бордилар. Дорга нарвон тираб, бўйнини сиртмоққа тутдилар. Шу заҳоти Иблис инсон шамоилида унга кўриниш берди ва деди: “Бошингга тушган фожиаларнинг барини мен қилдим. Ҳали ҳам кучим бор. Ҳаётинг менинг қўлимда. Менга сажда қилсанг, бас, сени қутқараман”. Барсисо сўради: “Бўйнимдаги арқон билан қандай сажда қиламан?” Иблис: “Саждага ният этгин-да, бошинг билан ишора қил. Оқилга

биргина ишора кифоя”, деди. Жон ширин экан – Барсисо саждага ният қилди. Бироқ бошини эгиши ҳамон бўйни янада қаттиқроқ қисилиб, жон таслим қилди. Иблис эса: “Албатта, мен сендан безорман”,¹ деб ортга тисарилди. Оллоҳ (Шон-шарафи улуғлангандан улуғлансин!) буюрдики: “Эй инсонлар, эй иймон эгалари! Сизларни бир ярамас тўхтатиб, ёмонликка чақирса, бу иш сенга мана шунча фойда келтиради, дея ваъдалар берса, унга зинҳор ва зинҳор ишонманглар. Улар шунақа йўллар билан ўзларига ўхшатиб сизларни ҳам йўлдан оздириш, касодга учратиш, разолатга ботириш пайида бўладилар. Улар ўз ортларидан эргаштирдиларми, ёнингизда на дўстингиз қолади, на ёрингиз – ҳаммалари сиздан безор бўлиб кетадилар”.

Ҳикоямиздаги Иблис ҳам ўзини аввалига ҳакимга ҳамдарад дўст кўрсатди. Тузоққа илантириб бўлгач эса, ундан бешиб, кулиб кетди.

Шеър: Сенга кўнгил қўйган киши тинмай ўз устидан кулаётган ва ўзини алдаётган бўлади. Чунки сенга ўхшаган – одамгарчиликдан бегона киши сендан бошқасини яхши кўриб ҳам, ёқтириб ҳам қололмайди. Зур ишва бирла, ҳатто янгитдан ишқ-ла лиммо-лим тўрва халта билан келсанг ҳам, сенга қарши ёқаларини чок этадилар. Шунда ҳам қошингда инсофга келарсан дея, умид боғлаб турдилар. Фақатгина жондан иборат бўлган тақдирингда ҳам, нечун сендан кўнгил узмаслик керак? Қараб турсам, бир кўзинг тинмай йиғламоқда, иккинчи кўзинг эса хандон отиб кулмоқда.²

Рубоий: Сенинг қайғунгни чекмай, дардингга дармон бўлмай туриб сендан бир нарсалар умид

¹ “Ҳашр” сураси, 16-оят.

² Ҳақим Санойӣ. Девон.

қилиб турган кишига асло алданма. У сенга ёлғон гапиряпти, алдаяпти. Шодумон экансан, бутун олам сенинг дўстинг бўлади. Аммо сенга ғам кечаси дўст тутингувчи кимсани осонликча топиб беролмайдилар.¹

Мисра: Қайғу тунида дўстлик таклиф қилган кишигина Ҳақнинг ҳабибидир.²

Оллоҳнинг вафоси шундай кишиларда зуҳур этади. *“Мўминлар, ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир”*.³ Уларнинг ораларига биродарлик солган Зот Ҳақ таолонинг Ўзидир. У боғлаган ришта ҳеч қачон узилмайди.

Байт: Инсонлар ақли кишилардан сираям зерикмайдилар. Ақдан туғилган севги эса озаймайди.⁴

Турли-туман ғараз устига қурилган севги ўткинчидир. У чириб, узила бошлаган дорга ўхшайди. Агар унга осилмоқчи бўлсанг, узилиб кетади. Ҳақиқий, бетаъма севги эса Оллоҳ ипидир. У асло узилмайди. *“Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Оллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди”*.⁵ Олим ҳам, оми ҳам, ақлию ақдан зойил ҳам, амрларга бўйсунавчию исён этгувчи ҳам, мўмину кофир – ҳам-малари бошига офир мусибат тушганда қолган умри сонияларини Оллоҳ ипига боғлайди. Шайтоний сабабларни унутади. Лекин пешқадам деб шундай кишини айтадиларки, ишларига яхшилаб разм солганча ишнинг бошиданоқ охирини кўра олади. Акс ҳолда, Фиръавн каби жон талвасасида: *“Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Бани Исроил ий-*

¹ Жалолиддин Румий. Девони Кабир.

² Муаллифи номаълум.

³ “Хужурот” сураси, 10-оят.

⁴ Ҳаким Санойи “Ҳадийқат ул-ҳақоийқ”.

⁵ “Бақара” сураси, 256-оят.

мон келтирган Зот – Оллоҳгина борлигига иймон келтирдим. Мен мусулмонлардандирман”,¹ деган бўлур эди.

Кунлардан бир кун бир подшоҳ меъморларига “Сарой қуринг!” дея амр қилди. Баҳор келади – қурмайдилар, ёз ўтади – эринчоқлик қиладилар, куз ҳам келади – уннамайдилар. Ниҳоят, қиш эшик қоқади. Дунёни муз қоплайди. Шундагина ўринларидан қўзғалиб, хом гишт излаб бир у ёққа, бир бу ёққа чопадилар. “Энди-я! Ахир, сен илгари итотсизлик қилган ва бузғунчи кимсалардан бўлган эдинг-ку!”²

Байт: Хўроз бемаҳал қичқирдим, унинг бошини олиш вожибдир.³

Пайғамбар (Унга саломлар ёғилгай!) буюради: “Жон ҳиқилдоққа келмасидан аввал қилинган тавбани Оллоҳ қабул этади”. Жон талвасасида тавба этиш мумкинми ё йўқ – ҳамма гап шунда. Соғ-саломат экан, тавба қилиш имконига эга кишининг тавбаси зоҳиран фойдасиз кўрингани билан ботинан қабул бўлаверади. Сиртдан қараганда, у тавбадан узоқ кўринади. Аммо, аслида, унга яқиндир. Ҳар қандай бегоналик жон талвасасида йўқолади ва киши тавба қилади. Лекин яна шундай тоифа ҳам борки, улар на зоҳиран, на ботинан тавбага муносиб бўладилар. Улар фитратан осийдирлар. Уларни бир зумда қандайдир шамоил билан тузатишнинг имкони йўқ.

Байт: Қордан меш ясалиши мумкин, лекин уни ҳеч ким сув билан тўлдиrolмайди.⁴

Иймон кўнгилнинг аслига қайтишидир. Иймоннинг ўрни кўнгилдир. Зеро, “Ана ўшаларнинг

¹ “Юнус” сураси, 90-оят.

² “Юнус” сураси, 91-оят.

³ Муаллифи номаълум.

⁴ Муаллифи номаълум.

дилларига (Оллоҳ) иймонни битиб қўйгандир”,¹ деб буюрилгандир. Кўнгил билан тил ўртасида бир муносабат бор. Кўнгилда иймон хамиртуруши жонландими, бас, тил Ҳақ таолони поклашга, унинг бирлигини зикр этишга тушиб кетади. Шунда ҳалиги хамиртуруш қувватга тўлади. Бу худди – оловга озгина пуфланса, алангаланиб, ҳаводан кўмак олиб юксалишига ва, ниҳоят, ҳавонинг олов билан бирлашиб кетишига ўхшайди. Кўнгилда ҳидоят зиёсидан бирор чақин бўлса, покиза шаҳодат калимасини тилга олганинг замон “иймон-ишончларига яна ишонч қўшилсин”,² дея ҳалиги зиё бисёр ортади. Аммо кул уюмида чўғ бўлмаса, минг пуфлама, кулнинг ҳавога тўзғигани қолади, холос. “Бас, намозларини “унутиб” қўядиган “намозхон”ларга ҳалокат бўлгайки, улар риёкорлик қиладиган кимсалардандир!”³ Ушбу оятда дейилмоқчики, улар ўзларини оловни жонлантириш учун пуфлаётгандай кўрсатадилар. Бунини кўрганлар ҳам уларга эргашиб пуфлайверадилар, бироқ у ерда нима борлигини билмайдилар. Пуфларкан, олов ёқяпмиз деб ўйлайдилар. Ваҳоланки, кўнгил тандирларида кулдан ва майда-чуйда хасдан бўлак ҳеч вақо йўқлигидан хабарлари йўқ. Зотан, Ҳақ таоло: “Бу уларнинг оғизларидаги (ҳужжат-далилсиз) гапларидир”,⁴ деб буюради. Озчиликни ташкил қилувчи баъзи кишилар тиллари билан Ҳақни поклаб ёд этганларига қарамай, кўнгилларида бундан ном-нишон бўлмайди. Иймон, аслида, кўнгилда туғилади, тилда эмас.

Байт: Ҳар оқилнинг хаёлидан ўтиб турган нарсани, ўтказиб тургувчи бордир, албатта.⁵

¹ “Мужодаала” сураси, 22-оят.

² “Фатҳ” сураси, 4-оят.

³ “Моъувн” сураси, 4-5-6-оятлар.

⁴ “Тавба” сураси, 30-оят.

⁵ Муаллифи номаълум.

Дарҳақиқат, кўнгли билан эмас, тили билангина юрувчи кишилар озчиликдир. Ушбу озчилик қисм ҳам ҳар итоатгўйнинг итоатида пишиб етилиши зарур бўлган нарсага қўрқув олови ёқилмагунча хомлигича қолаверишини тушунтириш учун шундай. Шунинг боисидан улуг зотлар: “Қўрқув эр-какдир, умид эса аёл. Улардан сўнмас, соф нарсалар туғилади”, дейишган. “Туғилади” сўзи тушунтириш учун қўлланган. Қўрқув – қоронғилик бўлса, умид – ёруғлик. Бу ташқаридан қараганда шундай. Аслини сўрасанг, бунинг акси. Чунки умид қиларкан, қўлнинг тасарруфи ўз ихтиёрида бўлади. Қўрқувда эса тасарруфи қолмайди. Турфа хил бузуқлигу иродасизлик зуҳур этса этсин, уларнинг бари – қўлнинг тасарруфидан майдонга келади. Интизому эзгулик қай йўсин пайдо бўлса бўлсин, энди у Ҳақдан нузул қилади. Бу сўзга тегишли савол, умуман, барча саволларнинг жавобидир. Чунки сўз – мутлақ кўзгунинг жилоси. Бутунлик кўзгусига боқсанг, яхлит, бир бутун ҳолда унинг (бутуннинг – тарж.) юзини: бурни, кўзлари, пешонасию қулоқлари ва ҳатто тақиб олган зиракларини ҳам кўришга мушарраф бўласан. Қани, айт-чи, қандай қилиб ҳануз бир парча билан андармон бўлиб, бутунлик кўзгусидан ғофил қоляпсан? Бутунликни тарк этганингда, билим-сизлигинг оқибатида ҳалиги парчани ҳам тушунолмайсан. Шунинг учун ҳам, “Қачонки, Қуръон қироат қилинса, унга қулоқ тутингиз ва жим турингиз”,¹ дея буюрилгандир. Мустафо (Унга Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин!) Қуръон тиловат қилиб, юборилган ваҳий хабарини бераркан, саҳобаларга юзланиб: “Савол бермай, қулоқ солиб туринглар! “Шояд раҳматга сазовор бўлсангизлар”,² ушбу со-

¹ “Аъроф” сураси, 204-оят.

² “Аъроф” сураси, 204-оят.

меъликнинг хосияти билан бутуннинг ойнасига айлансангизлар. Сукут сақлангки, сизга шафқат қилиб, барча шубҳаю хавотирингизни Ўзи маҳв айласин”, дерди. Қул фақатгина Ҳақ раҳмати туфайли шубҳа-гумондан қутулиши мумкин. Гийбату ифводан эмас. Яхшилаб разм солсанг, кўрасан: каломчилар савол-жавоб усулида жилд-жилд китоблар ёздилар. Сўз ўйинини шундай ҳадди аълосига етказиб, чирпирак қилиб ташладиларки, олимларнинг бирортаси ҳам кўриш қобилиятлари латифлигидан улар ёзиб қолдирган, баҳс боғлаган масалаларнинг замирига “ета олмадилар”. Шундай бўлгани ҳолда каломчилар ҳанузгача шубҳаю гумон зулумотидан халос бўлганлари йўқ. Бундан шундай хулоса чиқаргинки, қулни иккиланиш тўридан ёлғиз Тангрининг раҳматигина қутқара олади. *“Ғайб очқичлари Унинг ҳузуридадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур”*.¹ Қанчадан-қанча кишилар ифвога ўралашмай, жон қулоқларини улуғларнинг оғзига тикдилар. Уларнинг жонбахш сўзларини тинглаб, барча шубҳаю гумонларидан фориғ бўдилар. Бундан фақатгина ғофиллар бе-насибдирлар. Чунки улар ифво тарқатишга одатланиб қолганлар. У тоифанинг завқи худди қичима касалига йўлиқиб, унинг ўрнини қашлайверадиган кимсага ўхшаб савол-жавоб шатранжини ўйнамоқдир. Қичима касаллигида ундан тезроқ қутулиш учун эмас, балки қашлашдаги ҳузурни ҳис қилиш учун қашланади. Табиб: “Ҳадеб қашла-навермагин. Бундан соғайиб қолмайсан. Мен бир малҳам суриб қўяман. Фақат сурган жойимни қашлаб, малҳамни чаплаб юбормайсан. Малҳамдан кейин ҳам бироз қичийди, лекин малҳамни артиб ташламасанг, тез орада тамомила бу дард-

¹ “Анъом” сураси, 59-оят.

дан қутуласан”, дея тавсия беради. Комил ориф-нинг сўзи савол-жавоб қичимасига малҳамдир. Ифво эса одамни мағрибу машриққа судраб сарсон қилади. Чунки сўз икки қарич, суяксиз тилдан чиққан ҳавойи гап эмас, балки моҳиятлар моҳиятидир. Моҳиятлар моҳиятидан эса эсон-омонлик туғилади. Барча савол-жавоблар, шубҳа-гумонлар унда маҳв бўлади, иллату касалликлар эса инсон кўнглидан – ўзлигидан йўқолади. Шунда инсон соғлом дину иймондан фароғат топади. “Биз мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган Қуръон оятларини нозил қилурмиз”.¹ Мустафо (Унга салом бўлгай!): “Ваҳий хабарини берар, Қуръон ўқирканман, сукут сақлангиз!” дея буюрди. Пайғамбар Қуръон тиловат қиларкан, йиғилган пок саҳобаи киромлар бир-бирларига ҳикоя ва ё масал айтмасдилар албатта, фақат савол берардилар. Демак, сукут сақланг амрининг маъноси – “савол бермай туринг!” дир. Шундан сўнг саҳобалар дедилар: “Биз пайғамбар (Унга саломлар ёғилгай!) гапираётганда, гўё бошимизга қуш кўнгандай қимирламай эшитадиган бўлдик”.

Муъжазгина бир қушча учиб келиб биттасининг бошига кўнади. У қуш учиб кетмасин дея ҳалиги одам на кўли ва на оёғини қимирлата олади. Ҳатто оғиз жуфтлашга ҳадди сиғмайди. У қуш хоҳиш-истак зумрадининг анқоси эсаю иноят Қоф тоғидан учиб келган бўлса, энди у одам бу давлат қушининг соясидан фойдаланиб қолмоғи, мушкуллари сўзсиз ҳал этилмоғи учун ҳатто биргина соч толасини ҳам қимирлатмай турмоғи даркор. Бу иш ов эмаски, бир тутиб, бир югурсанг. Шундай деб ўйласанг, хаёлга банди бўласан. Энди кимдир олдингга келиб “у бир хаёл, холос”, дея

¹ “Ал-Исро” сураси, 82-оят.

мингларча далилларни қалаштириб ташласа ҳам унинг далилини рад этиб тураверасан ва “аслида ўзинг хаёлпараст бўлиб қолибсан”, дейсан. Боиси, сенда у ҳақиқатни қабул қилиш жавҳари йўқ. Бунинг ҳам тушунмаётган бўлсанг, бола чоғингни эсла. Ўртоқларинг ўйин бошлашса, ўйиндан қолмайин, дея югуриб сафларига қўшилар, ўйинга шўнғирдинг. “Сен шошаётган нарса беҳуда, охири йўқ иш, хаёлдир. Ундан сенга ҳеч наф йўқ: на қорнинг тўяди, на эгнинг бут бўлади, бунинг устига бирон нима ғамлаб ҳам қўя олмайсан”, деб насиҳат қилишса ҳам булар қулоғингга кирмайди. Ҳатто бу гапларни айтган одамни ўзингга ғаним билиб, ундан қочасан. Вояга етиб, эсинг киргач, бу ўйинлардан ҳеч қандай фойда йўқлигини секин-аста англаб етасан. “Болалик чоғимизда биз интиланган, ошиққан нарсаларнинг охири йўқ сароблигига ақлимиз етмаскан. Бизга насиҳат қилганлар ҳақ эканлар”, дейсан. Шундан хулоса чиқаргинки, кўнглида зарра қадар зиё чақини бўлмаган инсонга ташқаридан берилган ўғитнинг фойдаси йўқ. Локин орифнинг гаплари кўнгли нурдан насибадор кишининггина қулоғига киради. Ундаги нур билан қоришади. Ахир, кўзида кўриш нури бўлмаган одамга қуёшнинг порлашидан ҳеч қандай наф йўқ-ку! Кўзи нурдан насибадор кишига эса қуёш ёғдусидан не-не карамлар ёғилгуси. Қуёш нури унинг кўзидаги кўриш зиёси билан бирлашгуси. Чунки офтоб ҳам айни жинсдан. Нур – нур бор жойгагина интилади.

Байт: Нур – мингларча нарсаларни кўрса ҳам, ўз аслига уйғун бўлмаган жойда қўним тополмайди.¹

Эй шаҳаншоҳимиз, эй хожамиз! Кўзларимизни тўғри йўлни кўра олиш жавҳари ила мунав-

¹ Муаллифи номаълум.

вар айла! Кўнгилларимизни ҳар ишнинг оқибатини
илгай олиш лутфинг ила гулистондек беа! Қиёси
йўқ севгию эҳсонингни муҳаббатинг, марҳаматинг-
га, битмас-туганмас афв карамингга йўлдош эт-да,
уларни биздан дариф тутма! Ўзинг инъом этган ха-
ёлот қувватимизни аён бўлиб турган қуфру жазо
ёвларидан ҳамда гизли риё, шубҳаю мунофиқлик,
ҳасаду нафрат, адоват ағёрларидан қўри! Мана
шу дин қалъаси соқчиларини уйқудан, хато қили-
шу зерикишдан асрагинки, токи “*Ўша донишманд,
роҳиблардан кўпчилиги одамларнинг молларини
ноҳақ (йўл) билан ейдилар ва Оллоҳнинг йўлидан
тўсадилар*”¹ оятида аён этганингдек, юзларига
ниқоб тутиб олган ўғрилардан у қалъани ҳимоялаб,
устларидан ғалаба қозонсинлар.

Иблис шаҳват чанқоғини заҳарли сув билан ов-
лайди, сувсизликдан қийналаётганлар заҳридан
ғофил қолиб у шарбатдан чанқоқларини босади-
лар. Бундай чанқоқларнинг бағрини Пайғамбар
(Унга саломлар бўлгай!) ҳовузи – Кавсар сувлари
бирла суғор! Шариатнинг тотли суви ила кўнгил-
ларини салқинлатгинки, токи Иблиснинг оғули су-
видан қонмасинлар.

Кечаю кундуз меҳробингда қуллик қилишни их-
тиёр этиб, бунга астойдил киришган, шариатни
маҳкам ушлаган тоат аҳдини ўзларига сифиниш-
дан, нафс бутларига топинишдан сақлагинки,
токи ибодатлари яҳудий ва насаролар тоатидек
бузилиб, ҳавога учиб кетмасин. Кечалари банда-
лик вазифаларини адо этиш муродида кўзларига
уйқу олмай, кундузлари рўза тутиб нафслари била
курашганлар қўшинига ёрдам муждасини юбор,
токи у билан нафснинг оёқларига кишан солсин-
лар. “*Уларнинг устига отлиқ ва пиёда (лашкаринг-*

¹ “Тавба” сураси, 34-оят.

ни) *торт*¹ оятида буюрганингдек, қаро либосли Иблис қўшинига кунига 600 карра хужум қилувчи Ҳақ ошиқлари қўшинини хавф етказмоқчи бўлган ғанимлар устидан ғолиб эт! Сени излаган ҳақиқат толибларининг оёқларига Ўзинг устун бўл! *“Албатта, Мен сизлар билан биргаман, бас, сизлар иймон келтирган зотларнинг (ғалаба қозонишга бўлган ишончларини) маҳкамланглар”*² хушхабарини Сенинг даргоҳингдан келтирган – Сенга яқин бўлган малакларни ул умидвор қулларинг томон йўлла! Сенинг висолинг иштиёқмандлари кўнгилларидаги барча ғашлигу қўрқув хавотирни васваса солгувчи Иблиснинг ўзига йўналтир! Иблисдаги куч-қувватни дин йўлидаги заиф кишилар кўнгилларига сол! Зеро, озгина кураш ва ҳузурингдан келган мадад ила Довудга ўхшаб: *“Бас, Оллоҳнинг изни билан уларни енгдилар”*³ ҳукмидагидек, Иблис лашкарларини тор-мор қилсинлар. Нафси аммора Жолутини ақл Довуди бирла ҳалокатга учратиб, тутқун айла! Токи, *“Довуд Жолутни ўлдирди. Ва Оллоҳ унга (Довудга) подшоҳлик, пайгамбарлик ва Ўзи хоҳлаган нарсаларидан таълим берди”*⁴ ҳукми зухур этсин!

Ҳар иккала олам салтанати Сенинг қўлингдир. Ай, дунёю охират салтанатининг Хожаси, заиф қулларингни дин ёғийларининг қўлида янчма! Камтарона дуомиз – бу. Улуғ лутфу ижобат Сендан! Бизлар ожиз ҳолимиз билан маҳбубимиз меҳробига ёлбордик. Энди бир-бирига уланган бениҳоя раҳматингдан эҳсонлар улаш, эй оламларнинг Роббиси, эй мададкорларнинг энг хайрлиси!

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи ила сўзининг маъносига такрор йўналсак. Барча муфассир-

¹ “Ал-Исро” сураси, 64-оят.

² “Анфол” сураси, 12-оят.

³ “Бақара” сураси, 251-оят.

⁴ “Бақара” сураси, 251-оят.

лар “номи билан” сўзида яширин маъно мавжуд, дейишади. Чунки араблар “б” ҳарфи билан сўзни бошламайдилар. У ҳолда бу ягона сир нимада? Бу жиҳатдан тафсирчилар фикрларида тафовут бор. Айрим муфассирлар: “У яширин маъно Ҳақ таоло-нинг амридир. Яъни Оллоҳ: “Эй қулим! Ахир, сен Иблис шаъридан паноҳ сўраяпсан. Шунинг учун бу хайрли ишни Менинг номим билан бошлагинки, унинг ёмонлигидан халос бўлгайсан”, демоқчи бўлади” дейдилар. Айримлари эса: “У яширин сир қулнинг хабар беришидир. Яъни қул: “Эй Танграм, Иблиснинг шаъридан Сенга юкинмоқдаман. Сенга топинишим, ишимни Сенинг номинг бир-ла бошламоғим, Сендангина нажот кутмоғимдир. Чунки Сенинг қутлуғ номинг ила бошланмаган ҳар қандоқ иш ноқис, бебарака бўлиб, охирига етмай қолади. Шундан бошқасига ақлим қосир” демоқчи бўлади”, дейдилар. Пайғамбар (Унга Оллоҳнинг раҳмати ёғилгай!) буюрдики: “Оллоҳнинг номи билан бошланмаган иш охирига етмайди”. Яъни оқибатидан хавотир олинган хайрли ва фойдали ҳар иш Оллоҳнинг номи билан бошланмас экан, у иш устида минг бош қотириб, шижоат кўрсатсанг ҳам охирига етмай, афсус-надомат билан якун топади. Ишонмасанг, Фиръавнга, Шаддоду Намрудга боқ! Уларнинг қанчадан-қанча буюк мақсадлари, қудратли қўшинлари бор эди. Бунинг учун дунёга тенг хазиналар сарфладилар ва салтанатдан фойдаланиб қолишни истадилар. Шон-шуҳрат, яхши ном қозониб узоқ йиллар мобайнида қудратларини кўз-кўз қилишнию бунинг одамлар тилларидан қўймай эслаб юришини зўр бериб хоҳладилар. Масаланинг нозик тарафи – ташаббусларини Оллоҳнинг номи билан бошламадилар. Натижада, барча саъй-ҳаракатлари аксига олди, бор умидлари бар-

бод бўлди. Ёрон сифат доврӯғ таратишни истаб эдилар, лекин ағёр бўлиб танилдилар. Ортимиздан яхши ном билан хотирласинлар дедилар, аммо юзлари қаро бўлди. Одамларнинг қалбида қудратлари билан ҳурмат қозонишни истаб эдилар, бироқ пашшанинг қанотичалик қадрлари қолмади.

Ул исмни яна ҳам чуқурроқ тушунишни истасанг, Пайғамбарларнинг ҳолларига боқ! Улар қандай ишга қўл урмасинлар, аввал ул исмни зикр қилар ва унга топинардилар. Ул исмга атаб қалбларига жон-дилдан меҳроб қураар, мол-давлатларини эса фидо этардилар. Халқ бизни ёқтириб қолсин, дея таъма қилмасдилар. Халқ уларни хоҳ яхши десин, хоҳ ёмон – парволарига ҳам келмасди. Улар халқни ул исмга эҳтиром кўрсатишга, ундан паноҳ исташга ўргатишарди. Халқ ичра шон-шавкатга эга бўлайлик, ортимизда номимиз қолсин деб эмас, Ҳақ таолонинг Буюк ва Улуғ исмларининг ёд этилишию улуғланиши учун минг машаққат билан тер тўкардилар. Ўз номларининг қолишини истаган тақдирларида ҳам, буни фақат ул исм учунгина истардилар.

Йўлни йўқотиб қўйманг! Номингиз қолишини истасангиз, ўша номингизу иззат-нафсингиздан кечинг, унутинг ва ул исмга маҳкам боғланг! Ҳурмат қозонишни хоҳласангиз, ул исмни қўриқланг! Ўз исмингизни эмас, ул исмни зикр қилинг! Кимда-ким доврӯғ излаб йўлга тушса, уни кўз-кўз қилса, унинг ниҳояси шу излаган шавкатининг йўқолиши билан тугайди. Лекин кимда-ким ул исмда ўз исмини йўқотса, хайрли, гўзал сўзлар билан ёд этилади ва абадул-абад унутилмайди.

Мустафо (Оллоҳ раҳматига олгай!) Пайғамбарлар ичида ул исмни ёйишда ва унга хизмат қи-

лишда энг пешқадами эди. Бу жиҳатдан бошқа пайғамбарлардан илгарилаб кетганди.

Ул исмни зикр этиб, унга маҳкам боғланганлари учун заифгина абобил қушлари сармаст туяларнинг ақдини бошидан учириб юбордилар. Ул исмни инкор этганлар қасдига: *“Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми?”*¹ оятини ўқи.

Иброҳим ҳам ул исмга сифинганча, Намруднинг миясига кирди-да, унинг барча қўшинини тормор этиб, наслини қириб ташлади.

Ул исм ҳурматига ўн тўрт кечалик ой иккига бўлинди.

Нух у исмдан паноҳ сўраганди, машриқдан то мағрибга қадар тўфоннинг асов тўлқинлари пишқирди. Неча минглаб қўшин, неча минглаб уруғ-элатларни бир-бирига қориштириб юборди. Айтишларича, Нух замонида дунё шу қадар обод бўлган эмишки, қайтиб бундай гуллаб-яшнамаган, дейдилар. У замонларда одамлар мавқеларига яраша ном қозонишмас эди. Чунки ҳаммалари ўз номларига ишонар, у билан овунар ва унга мафтун эдилар. Нух ул исмни уларга айтганда, назар-писанд этмай, қабул қилмадилар. Боиси, кўринганга – зоҳирга топинар эдилар. Ул исм эса маъно денгизида жўш урган бир тўлқин эди. Зоҳирбинларнинг кўзларида уни кўра оладиган жавҳар қаёқда? Ул исмни кўра олишлари учун 70 маротаба покланишлари лозим эди. *“Уни фақат таҳоратли – пок кишиларгина ушларлар”*.²

Нух уларга деди: “Сизлар ул исмнинг нақадар улуғлигини, ҳайбатини кўролмаётган бўлсангиз, кўзларингизни кўз ёшларингиз бирла поклаб, зор-

¹ “Фил” сураси, 1-оят.

² “Воқеа” сураси, 79-оят.

зор йиғлангки, балки кўра олишдан маҳрумлигингизни англаб етарсизлар. Агар сизлар йиғлаб фарёд чеколмасангиз, мана мен сизлар учун кўз ёш қилайин. Сизни деб кўз ёш тукканим, қайғурганим учун Парвардигор менга Нух исмини берди.

Шу онда сизларнинг ҳақиқатларингиз ҳалокат сувига ботиб, бўғилгани сабаб зора залолатдан қутулсангиз, умидида йиғламоқдаман. Ахир, бетоб одамга ўлим соя сола бошлагач, уввос солиб йиғлайди, лекин яшашдан ҳам умидини узмайди. Менинг ҳозирги ҳолатим ҳам шундай. Бу тўфон – муқаррар ҳалокат, қирилиб йўқ бўлиб кетиш тўфонидир. Мен буни кўриб турибман. Лекин, минг афсус, сиз кўролмааяпсиз. Мен бу ердан узоқлашганим сари у сизларга яқинлашади, юзларингизга сапчийди. Мен кеманинг ичида туриб ҳам, сизларни чорламоқдаман. Бироқ бу сафарги чорловим – умидсиз чорлов”. “Улар ўз хато-гуноҳлари сабабли гарқ қилиниб, дўзахга киритилдилар. Бас, ўзлари учун Оллоҳдан ўзга ёрдам бергувчиларни топмадилар”¹. Яъни у исмни хор қилдилар, улуғламадилар.

Ул исм давлатининг жарчиси бўлмиш Нухга қайрилиб ҳам қарамадилар. Оқибатда, ул исмнинг буюклиги қаҳр билан бокди-да, шон-шуҳратларини ўзлари билан қўшиб тўфонга гарқ қилиб юборди: “Оллоҳга ҳамд бўлсинки, зolim қавмнинг думлари қирқилди (ҳалок қилинди)”².

¹ “Нух” сураси, 25-оят.

² “Анъом” сураси, 45-оят.

ОЛЛОҲ БИЗЛАРНИ МАЪНАВИЙ РИЗҚ- НЕЪМАТЛАРИЮ ИРФОН ТАОМЛАРИ ИЛА РИЗҚЛАНТИРГАЙ. МАВАОНОНИНГ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИДАН МАЙДОНГА КЕЛГАН

ИККИНЧИ МАЖЛИС

Ҳамд – мавжудлик оламининг аълоси Оллоҳга-
ким, У барча махлуқотни ҳайратангиз ҳолда йўқ-
дан бор этди. Ул Зот баъзи қулларининг оралари-
га тақдир этганидек, илиқлик солди. Инсонларга
лутфу карамини Ўзи истаган шаклда улашди. Ўз
тақдири ила исён аҳлини тубанлик нўхтаси билан
боғлади. Махлуқотларининг барини яратиш, тад-
бир ва тасарруф томонларга юбориб, бошларини
хам қилди.

Унга ҳамд этишим, неъматларининг бисёрини
истамоғимдир. Унга шукр қилишим, караму эҳсо-
нининг, кўз кўриб қулоқ эшитмаган лутфининг ба-
ракотини тиламоғимдир. Шаҳодат этаманки, ҳар
нени, ҳар борлиқни Ўзи хоҳлагандек яратган шаҳан-
шоҳ – Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг
элчисидир. Хайрли амалларга буюриб, ҳою ҳавасга
мубталолигу гуноҳлардан ҳимоя қилган Мустафо
(Унга саломлар бўлгай!) гўзал ахлоқнинг тазаҳҳури
учун юборилгандир. Оллоҳ уни, пок аждод-авлоди-
ни, саҳобаю аҳли аёлларини Ўз раҳматига олгай ва
кўпдан кўп саломлар ёғдиргай!

Муножот: Эй, подшоҳлар подшоҳи! Соф ният-
лар-ла сурда тўпланмиш халойиқ мисол сафлан-
ган бу қулларининг қалбларидан сизиб чиққан

чинакам ўтинчларини ҳамда раҳматингдан умидвор кишиларнинг барчаларини марҳаматингга муяссар айла! Дунёю дУн неъматларини улашиш ила Хуррам эт ва лутфу иноятингни дариф тутма! Гафлат уйқусига толганларни караминг-ла уйғот! Барчаларининг яратилиш дарахтларига қуллик меваларидан ато эт! Замину узоқ-яқиндагиларнинг бориб суянганлари, вақтнинг султони бўлмиш улуғдан улуғ подшоҳни балою офат қуёшининг ҳароратидан қўри! Ҳақиқий салтанатининг асоси – пойдеворини мададинг, ҳимоянг ила қувватлантир! Давлат байроғини ёрдам оятларию муқаддас туғро-ла, эзгулик-ла беза! Дунёнинг инсоният макон этган тўртдан бир қисмида узоқ вақт унинг адолатию салтанатини заифлаштирма! Унинг хизматлари боис мартаба қулоҳини илиб, итоат камарини таққан ва давлат устунлари орасига муқим ўрнашган кишиларнинг ҳар бирларини раҳматинг-ла шодумон эт-да, давлатларини зиёда қил! Мусулмонларга ва мусулмон динига ёрдам кўрсатиб, подшоҳу султонларга насиҳат қилган, бидъатнинг илдизини қуришиб шариятга тиргак бўлган, кўрмоқ ва тушунмоқнинг тамал тошини қўйиб, инсониятга фатво берган миллату дин қандилига жило бер! Бу дуоғўининг устози бўлмиш, бизларни ўғитлари била тарбиялаб етиштирган, фақирни муборақ хотиридан ҳеч чиқармаган ва сира унутмаган зотнинг ушбу оройишини дину дунёсининг юксалишига сабаб айла!

Фарзи айн – сўзнинг бошидаю сўнггида дуо этилиши лозим саналиб, ул дуодан бошқа калима ила сўзнинг бошланиши ҳам, тугатилиши ҳам тўғри ва жоиз бўлмаган ҳақиқий ниёз, ота-ота ҳақиға дуо қилмоқликдир. Ҳар майсанинг униб ўсиши сабабкори улардир. Ё Раббим, уларни иноятингга

ноил эт! Бу ғарибни қай йўсин камолга етказиш қанотлари остига олиб, катта қилган бўлсалар, Сен ҳам уларнинг бошларига айна шундоқ лутфу карам қанотларингни ёз!

Байт: Фамимизни еб, ҳақимизга дуони канда қилмаган ота-онани пайғамбарлар ақл ва жон деб билишган.¹

Шу ерга йиғилган мўйсафидларнинг, яқинларимиз, биродарларимизнинг ҳаммаларидан лутфу эҳсонингни дариг тутма ва саломатлик юртида жамулжам қил, эй, оламларнинг Хожаси, эй мададкорларнинг энг хайрлиси, шафқатинг-ла дуомизни қабул айлагайсен, эй, марҳаматлиларнинг марҳаматлиси!

Байт: Кимки бизни яхши сўз-ла ёд этса, у ҳам дунёда ўшандоқ яхшилик-ла ёд этилсин!²

Шариат уламоларининг фикрича, умматга ваъз этаркан, Одам авлодлари сарварининг пок ҳадислари билан маърузани бошламоқ суннатдир. Энди бу ўзи пок дуогўй ҳам ул тўғри йўлга қадам қўйишни, ўша туташган шоҳ кўчада юришни ихтиёр этади.

Байт: Бахт сенга ёр – ҳамдам экан, ишқ сен билан келишмоққа киришади. Ишқсиз умрни йўқ деб бил. Чунки ишқсиз заводир у.³

Умар ибн Хаттобдан (Оллоҳ ундан рози бўлгай!) ривоят қилишларича, Расулуллоҳ (Оллоҳнинг саломи ёғилгай!): *“Кимки гуноҳ, исён исканжасидан қутУлиб, Ҳақдан ҳайиқиш шоҳсупасига эришса, Оллоҳ уни мол-мулксиз давлатманд қилади, хеш-ақрабою авлоди бўлмагани ҳолда устунликка эриштиради. Оллоҳ Ўзи ато этган оз ризққа қаноат*

¹ Муаллифи номаълум.

² Жалолиддин Румий.

³ Муаллифи номаълум.

қилганнинг камтарона қуллигидан рози бўлади”, дея буюрди. Муминларнинг амири, шариат шаҳрининг ҳар ҳисобидан воқиф, тариқат пойдевори тахтида адолат зиёси бўлмиш Умар ибн Хаттоб, “Ҳақиқатан ҳам шайтон Умарнинг соясидан қочади” ҳукмида айтилганидек, адолат қамчинини ақл ихтиёрига топшираркан, Иблис қандай қилиб васваса бозорида киссавурлик билан унинг кўнгил чўнтагини умарсин? Умар Пайғамбарга шу қадар ошиқ эдики, мунофиқлик уни итоат йўлидан зинҳор ва зинҳор ура олмади. Шунчалар ихлосу собитлик билан унинг хизматини қилардики, иккиюзламачилик кенг ёйилган маҳаллар ҳам диндорлик бошини хиёнат ёғи билан асло булғамади.

Байт: Табиатдан туғилган ҳодисаларнинг бизнинг қўшинимиз кўтарган тўзонга яқинлашиб, у тўзон атрофида юрак ютиб айланмоққа қандай ҳадди сифсин? Биз нақ самони кўзлаб учмоқдамиз. Чунки яратилишимизнинг асли, моҳияти Аршдир.¹

Пайғамбар: “Мен юборилмаганимда, сен юборилардинг, ё Умар!”, деб буюрди. “Мен Муҳаммад: “Сизга ва сизга эргашганларга Оллоҳнинг Ўзи кифоядир”² хитобига восил бўлиб, “Сен бўлмасайдинг, самоларни яратмас эдим” ҳужрасидан юборилмаганимда, адлинг туфайли Унга яқинлигиндан, “Қулларимга билдир” фармони ила охирзамон пайғамбари этиб сен юборилган бўлардинг”.

Мана шу қутлуғ мартабаси ҳақда мухтасар эшитганинг Умар, мамлакатлар улуғи, йўллар нури бўлмиш Мустафодан ривоят қилинган, “(Қиёмат) соати яқинлашиб қолди ва ой ҳам иккига бўлинди”³ оятида аён этилгани каби ул эр киши-

¹ Бу ҳам шундай.

² “Анфол” сураси, 64-оят.

³ “Қамар” сураси, 1-оят.

нинг хизмат камарини тақди, муҳаббат саҳарида илк бор ҳақиқат сўзини сўзлаган у бўлди. Барчадан аввал ваҳдат шаробини у ичди, балоғат либосини у кийди.

Рубоий: Оллоҳ сирларининг хазинаси – бизмиз. Сон-саноқсиз дурлар денгизи – бизмиз. Подшоҳлик тахтида ўтирган, ойдан тортиб балиққача ҳукм қилган – бизмиз.¹

Ҳали борлиқ оламига келгувчилар кўриниш бозорига кирмагандилар. Ҳали на малак хархашасию на фалак машғаласи бўлиб, денгизда балиқ ҳам сузмаётган маҳал. Кўк юзида юлдуз порлашидан бирон асар йўқ. Ҳали тақдир рассоми осмон юзасининг оҳак-ла сувалган курсисига ложувард пардани осмаганди. Қазо устаси тўрт унсур шийпонини ҳануз мавжудлик майдонига қурмаган ҳам эди. Шундай бир пайтда кўриниш ва кўриш сабоҳи бўлмиш борлиғимнинг нури: “Биз сизни юбордик”² машриғидан бош кўтариб, “Бўл!” буйруғи ила йўқдан бор бўлгандим. “Сўзла” шаробидан сармаст эдим. Менинг пайғамбарлик вақтим келгунича, қазою қадар навбатчилари ҳануз Одамнинг чодир эшигини қоқмагандилар. Малакларда бундай куч-қувват қаёқданам бўлсинки, бориб Одамнинг тахти равони пойини кўзларига суртсалар?

Байт: Оламдан мурод инсондир. Инсондан мурод эса ўша нафасдир.³

Замон хабарчилари мавжудлик оламига ҳолаҳвол сўрашга келишди.

Шеър: Эй, макони самолардан ҳам ташқарида бўлган! Сенинг қадринг қаёқдаю бир сиқим тупроқ қаёқда? Сенинг улуғлик туғроинг “Ҳаётин-

¹ Жалолиддин Румий.

² “Бақара” сураси, 119-оят.

³ Жалолиддин Румий мактубларидан.

гизга қасамки”¹ оятидир. Сенинг вилоятинг фармонида “Сен бўлмасайдинг” сўзи ёзилган. Тўққиз сиёҳдону етти муҳр қошингда бўлгани билан, сенинг қўлинг ҳам, этагинг ҳам улардан муназзаҳ. Байроғинг юзига “Сен бўлмасайдинг, самоларни яратмас эдим” ёзуви битиб қўйилган².

“Ё Муҳаммад, адолат қуёши, шариат шаҳрининг ҳукмдори сенсан!”, дейишди. “Ҳозир шу сўзнинг вақtimi? Барча пайғамбарлар вакилликка оид фармонларни мендан олдилар. Одамнинг нафаси, Нуҳнинг файзу футури ва муродга етиши, Идриснинг дарси, Мусонинг келишуви, Шиснинг сўзи, Исмоилнинг улуғланишию Иброҳимнинг дўстлашуви – буларнинг бари менинг соямдадир”, дедим.

Рубой: Оқилнинг борлиқ кемаси мавжудиятига ажабланса бўлар, кўзи кўриб турган одамнинг қудуққа тушиб кетиши ҳам ажабланарли ҳол. Денгизда сузиб юрган кемага ҳайрон бўлмагин, бир кеманинг ўзида мингларча денгиз нишонасининг борлигига эса тонг қолмаслик мумкин эмас.³

“Ё Муҳаммад, нима иш қилгани келдинг?” дея сўрашди. Айтдики: “Куфр маҳалласидаги ринду оташпарастларга одобдан сабоқ бергани, мушриклар майхонасидаги саркашларга эса ҳаддини танитгани келдим”. Дарҳақиқат, кун келиб ўшал ҳақиқатлару ўзаро сўзлашганлари ҳолда сукут сақлаган кишилар ҳамда кўнгилларини ҳар недан беҳожат Тангри таоло меҳробига баҳшида этган зотлар – ғайб олами Анқосининг “Сўзла!” калимаси билан сўзни бошламоғинию ул маърифат гулистони булбулининг гул бутоғига қўниб ошиқона хониш-ла сайрамоғини ҳамда дину дунё муродини

¹ “Ҳижр” сураси, 72-оят.

² Муаллифи номаълум.

³ Муаллифи номаълум.

қўлга киритилмоғини интизор бўлиб кутаётгандилар: “Кимки гуноҳ, исён исканжасидан қутулиб, Ҳақдан ҳайиқиш шоҳсупасига эришса”, яъниким риё, туҳматдан нари юриш, ғафлатда қолмаслик ҳидояти билан гуноҳу исён тўридан халос бўлиб, ҳар қадамини ҳайиқиш, қўрқиш уясига ташласа, Ҳақдан ҳаё қилиш кимёсини, маънога талабгорлик қўли билан олсаю афсунгар, ғаддор, ёмонликка чорловчи нафсга суртса, курашмоқ, тиришмоқлик оёғини ҳақиқатни кўра олиш манзили сари буриб, у жойга йўл олса: “Оллоҳ уни мол-мулксиз давлатманд қилади”. Ҳақ меҳробининг камолоти, қул хом экан, уни пишитиб етиштириш лутфи ила мол-мулксиз давлатманд этгай!

Қасида: Руму Чин мамлакатлари ҳақда кўп эшитганинг етар! Энди ўрнингдан тургин-да, бир Санойи диёрини кўриб қўй! Салтанатини томоша қил! Бошдан-оёқ сайр этаркан, шаҳвату нокасликдан асар ҳам қолмаган кўнгилга боқ, кибру адоватсиз жонни кўр! Одимингни отгинки, арш оёқларинг остига тўшалсин! Қўлингни узатгинки, салтанат узутингга тобе бўлсин! Кимки уни эран деб атаса, эрандир у! Кимки уни ғаним деб атаса, ғанимдир у. Бироқ у буларнинг баридан ташқаридадир – ҳур, озоддир у! Гулдир у, райҳондир у, ёсумандир у!¹

Парвардигордан ҳайиқиш қулнинг пардозини бўлса, шубҳаю гумондан озодалиги сармоясидир. Тужжорлар эса ақчаю мол-мулкларини давлат деб ўйлайдилар.

Байт: Чучук сув нималигини билмаган қуш умр бўйи лойқа сувга тумшуғини суқиб тураверади.²

Аммо янглишадилар. Чунки оламларнинг улуғи Мустафо: “Асл давлат, кўнгил бойлигидир, мол-

¹ Ҳаким Санойи.

² Саййид Бурҳонидин. “Маориф”.

мулк бойлиги эмас”, дея буюргандир. Улар бир-икки кумушу олтинни йўқ бўлиб кетажак кондан қазиб олиб, қўлма-қўл, шаҳарма-шаҳар тарқатишга одатланиб қолишган. Ул меҳробнинг ишқ ўйинига қўшилганларга – ғайрату шижоат зиёси бўлмиш подшоҳларга шу иш ярашадими?

Рубоий: Ой кечаси саройига келди-да, ётоғига кирди. Рашк қилдим уни. Ойни оёғим остига олволиб, бошини эзаман, оёқларини эса синдираман ҳали, дедим. Ой ким бўлибдики, сен билан бир жойда ётсин? У бор-йўғи, кечалари оламни айланиб, дунёни томоша қилиб юрган, бармоқ билан кўрсатилган нарсадир, холос.¹

Ўзларини ақли ҳисобловчилар бойлик шунинг орқасидан келади дея янглишадилар. Ҳақ меҳроби ошиқлари эса бадавлат бўлмоқ намоз зарбхонасида босилган тоату ниёз пулига эга чиқмоқ ила мумкиндир, деб биладилар. Буюк шаҳаншоҳ ғаддор олам ҳақида: “Бас, эй ақл эгалари (уларнинг аҳволидан) ибрат олингиз!”² дея марҳамат қилади.

Байт: Замона инсонни алдагувчи ўйин, ўйинчоқдир. Яхшилаб қарасанг кўрасан, одамга ташна одамхўрдир у!³

Ҳикоя қилишларича, бир тулки ўрмонга бориб, у ердаги бир дарахт шохига осилиб турган, унда ором олаётган довулга кўзи тушди. Шамол туриб дарахт шохлари солланаркан, довул ҳам бунга уйғун чайқалар, жарангдор оҳанги эса тулкининг қулоғига чалинади. Тулки довулнинг ҳайбатини кўрди. Ундан чиқаётган баланд овозни ҳам эшитди. Этию териси ҳам жуссаю овозига яраша бўлса керак, деган хаёлга борди. Кун бўйи бошқа нар-

¹ Жалолиддин Румий.

² “Ҳашр” сураси, 2-оят.

³ Фаридиддин Аттор.

саларга чалғимай, шу ишнинг кетига тушди. Довул тиконлар ўровида эди. Бир амаллаб уларни кечиби ўтиб, довулга яқинлашди ва қорнини ёрди. Қараса, ичида ҳаводан бўлак ҳеч вақо йўқ. Шунга ўхшаб, дунёга кўнгил боғлаганлар ҳам кеч кириб, ўлим эшик қоққачгина йиғи-сиғига тушиб қоладилар.

Байт: Ўлжам қўлдан чиқди. Солган тўримни йиртиб кетди. Бу яхшилик аломати эмас. Шароб тўкилиб, қадаҳ синди. Бу яхшилик аломати эмас. Юрагим сиқилди, иш пишмайин хом қолди. Бу яхшилик аломати эмас. Динни унутдик, дунё ҳам охирига етмади. Бу яхшилик аломати эмас.¹

Аммо маърифат кўзлари басийрат кишилару Оллоҳ меҳроби сурмасини кўзларига сурган зотлар тулки айланиб юрган бу ўрмонда довул оҳангига учмай, абадий ов ҳақида ўйлайдилар, уни ахтарадилар.

Байт: Хилват тунида йўлга тушиб, кечаси билан йўл юрганлар, подшоҳларнинг тожларига нафрат билан боқадилар.²

Қулоғида “Сўзла!” ваҳийининг оҳанги айланган киши ҳеч замонда довул садосига қулоқ осармиди?

Байт: Минг жонинг қурбон бўлган тўйда пулсиз новорачиларга нима бор?³

Рубойи: Ҳимматда она каби бўл, журъатда қоплон. Овланишда гўзал каби бўл, курашда мужоҳид. Булбулу товусга ўхшаган қушлар билан кўп ўралашма, чунки у ёқда бутундан офат бор, бу ёқда эса бутун рангдан роҳат.⁴

Ҳақиқатлар кўнгил моянасини ҳақиқат маъданидан излайдилар ва мустаҳкам ихлос олтинини шу ерда қўлга киритадилар ҳамда кўриш зарбини

¹ Муаллифи номаълум.

² Бу ҳам шундай.

³ Бу ҳам шундай.

⁴ Жалолиддин Румий.

унинг устига босадилар. Мансур Халлождек бошлари билан ўйин ўйнайдилар. Боязид каби: “Ўзимни нуқсон сифатлардан поклайман. Нақадар буюк мазҳарман!” зарбини ишқнинг қўли билан урдирадилар. Ҳамма ҳам ул олтинни кўролмайди. Ҳар кўнгил ҳам бу дардни чеколмайди. Муҳаммадга эргашган киши “Чиндан ҳам мен Раҳмон бўйини Яман томонлардан туймоқдаман” дея буюрилгани сингари бу гулни бориб Яман боғларидан терсин. Бу рамзнинг тагига етиш учун бизга чинакам Мажнун керак.

Байт: Маъшуқанинг қабрини ошиқдан беркитмоқчи бўлдилар. Аммо қабрнинг хушбўйи ундан хабар ола келди.¹

Эй, биродар, йўл ғоят яқин, бироқ йўловчимиз кўп танбал чиқиб қолди!

Шеър: Қачон қарасанг, бу ям-яшил гулистондан эски-туски нарсаларни ташқарига чиқариб ташлаётган бўламан. Ваҳдат оламидан бир оламни ҳовучимга олмоқдаман. На бир тахтим бор, на бир узугим. Фақатгина “Ё Роббим, менга ўзимдан кейин биронтаси учун муяссар бўлмайдиган бир мулку давлат ҳадя этгин”² дея илҳақман. Тур тоғи ҳам йўқ, олов ҳам. Бироқ “Мен – Оллоҳман”³ юксаклигида парвоз қилмоқдаман. Ниманики жон суви билсам – денгизга, ниманики жон пули билсам – оловга отмоқдаман. Мен тўтиқуш кабиман. Дунё эса олдимда турган кўзгуга ўхшайди. Менга бағрикенглик билан боқ – ўзимдан бошқани кўролмаяпман. Ақлим кўзгу ортидан ниманики сўзлатса, мен фақат ўша сўз, ўша маънони тилга оляпман. Айланиб юрган ва кўнгил ёзаётган маконим

¹ Мажнунга нисбат берилган мазкур байт Муслим ибн ал-Волидга тегишли.

² “Сод” сураси, 35-оят.

³ “Намл” сураси, 9-оят.

меҳмонлик мамлакатига ўхшаган табиатимнинг ташқарисидадир. Кўзим тушган жойни томоша қилгин-да, кўк юзи шийпонидан ҳам нарироқда эканлигини кўриб қўй! Кўнглимни кўзгу ҳолига келтирганимдан ҳаёт сувини топдим. Ишонмаётган бўлсанг, яхшилаб разм сол: Мен ҳам Хизрман, ҳам Искандар. Шу чоққача тилимдан “Мени ва болаларимни бутларга бандалик қилишдан йироқ қилгин”¹ зикрини туширмадим. Пирим эса: “Ботиб кетгувчиларни суймайман”² оятидир. Аммо кўппак яратилишли кишиларнинг бўйнида қадри йўқ занжирман. Арслон эрларнинг сандиғида-чи, ноёб, бебаҳо жавоҳирман мен.³

Эй, ҳар макондан бегона, ҳар йўғу бордан бебаҳра! Иш деган нарса бажарилиши лозимлигини биласанми? Иш – сўз билан битмайди. Иброҳим Адҳам (Оллоҳ раҳматига олсин!) Ҳақ йўлига ошно бўлди. Кўнгил кўзи бу дунё ноқислигини кўра бошлади. Бор-йўғини ўйнаб, ютиб юборди. “Эй, Иброҳим! Бошингга қандай ҳол тушдики, жисмингни ёқиб кул қилдингу эриб кетдинг? Гармдорининг ловуллаши тилинг, томоғингни зирқиратгани каби борлигингни ҳам ловуллашиб юборди. Бир-бирига уланиб, ҳалқа-ҳалқа жамалак ўсган дин зулфининг бир толасига айландинг. Сабр ила Балх ўлкасию унинг салтанати билан ўйин ўйнаб қўлдан чиқардинг?” дея сўрадилар.

Шеър: У тубанлашса, бу йўқсиликдан эмас. Ғам қиличи юзлаб подшоҳларнинг бошини учуриб кетди. Бир кун Иброҳим Адҳам жайроннинг ортидан қора учқур отини тонг насимидек елдириб борарди. Унга бир шарбат тутгандинг, бўйидаги

¹ “Иброҳим” сураси, 35-оят.

² “Анъом” сураси, 76-оят.

³ Ҳаким Санойй. “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ”.

хуш иффор боис сархуш бўлдию боши айланиб от-дан йиқилди. Ҳамма ҳайрон бўлиб: “Бечора Адҳам ўғли тож-тахт камарини отди”, деди. Сулаймон Сенинг номинг ила Билқийс салтанатини вайрон қилиб, диёрини забт этди. Муҳаммад Сени ёд эта бармоғи ила ишора қилганди, ой иккига бўлина қолди, дунёда ғалаён кўтарилди.¹

Иброҳим Адҳам: “Бир зиндон кўрдим, куч-қувватим йўқ. Адолат қуёши бўлмиш қози кўрдим, далил-ҳужжатим йўқ. “Абадий салтанат талабгори бўлсанг, кел! Маҳбубнинг висолига етай десанг, жондан воз кеч! Неъмат ато этгувчига орзуманд эсанг, ошиқ бўл! Неъматнинг ўзини истасанг, қулик қил! Худҳуд бўлгинки, Сулаймон Билқийсга ёзган мактубини сенга берсин. Шамол бўлгинки, Ёқуб Юсуфнинг вуслат хабарини сендан сўрасин. Тустовуқ каби турфа рангларга бўяниб олишни қўй!” деган овозни эшитдим”, дея жавоб қайтарди.

Худҳуд бир неча кун Сулаймон даргоҳида кўринмай қолди. Дунё иқлимларига йўлчилик этиб, замонаси давронини томоша қилди. Кутилмаганда Билқийс салтанатининг довуғи хабарини келтирди. Сулаймон ўз тахтида ўтирар, қўшини тўпланганди. Қуёш ҳар куни самонинг ўтиш чегараси ойнасидан бош кўтарар, безанмиш қиличини Шарқ қинидан суғуриб тупроққа – замин аҳлига нурдан либос кийдиарди. У пайтда инсужинс Сулаймон тахти атрофида бирдай саф тортиб, “Арслонимиз, амрингизга мунтазирмиз!” дея бош эгишарди. Қашқир “Кўнглинг не тусайди?” деб қўй билан ошно бўлар, шунқор “буйруғинг надир?” дея тумшуғини панжасига теккизар, тустовуққа ташланмасди. Сағир қоя ичида елиб-югурган бир чумолининг дарду ташвиши сўзланса, Су-

¹ Ўша асар.

лаймон унинг ҳам овозини эшитар, ғамига шерик бўларди.

Кунлардан бир кун шамол саркашлик билан қаттиқ эсиб, бир тул кампирнинг ун тула тоғорасини тукиб юборди. Кампир шамолнинг одобсизлигидан шикоят қилиб, Сулаймон ҳузурига бориб деди: “Эй, Ҳақ амрларини адо этувчи! Эй, халқнинг қимматли, муҳим ҳожатларини ўз вақтию ўрнида бароридан келтирган! Мен бир йўқсил кампирман. “Биз унга шамолни бўйинсундирдик”¹ ҳукмидаги сингари сенинг қўл остингда бўлган, “Шамолларни юборур”² ояти каби эсаётган ел одатдагидай хабар бермай, бехосдан эсдию тоғорамни ағдариб, унимни сочиб юборди. Ё унимга елдан бадал ол, ё унинг таъзирини бериб қўй. Токи, зинҳор тул хотинларнинг молларига ҳужум қилмасин!” Сулаймон: “Ҳам уни тарбиялайман, ҳам сенинг зиёнингни ўтайман. Боринглар, замбил ясаб жамғарган пулимдан кампирнинг уни қийматида келтириб беринг! Шамолни эса тутиб, зиндонга ташланг! Энди шуни яхшилаб билиб қўйингки, шамолга ҳеч нима таклиф қилинмайди, ҳатто бир калимага суҳбатдош бўлишдан маҳрум қилинади” дея амр этди. Бир кампирнинг ҳақини олиш учун Сулаймон шамолларни зиндонбанд этгани ҳолда, “*Бу КУНда подшоҳлик кимникидир?*”³ дея буюрмиш Ҳақ таолонинг адолати ёшу қарининг кўнгилларини ёқиб, тилка-пора қилган золимларни ҳеч замонда ўз ҳолига қўйиб қўядими?! “Оллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан гофил” деб ўйламанг!”⁴

¹ “Сод”, 36-оят.

² “Аъроф” сураси, 57-оят.

³ “Ғофир” сураси, 16-оят.

⁴ “Иброҳим” сураси, 42-оят.

Шеър: Котиблари буйруқ ҳарорати ила хоинлик этиб, ер юзида ҳукм чиқариб юрган қози ҳам, библиб туриб нотўғри ҳукм қилгудай бўлса, буюкдан буюк асл ҳукм соҳиби – Ҳақ таолодан келажак қандай балоларга гирифтор бўлади-я! Ундайларнинг ҳолларига вой, ҳолларига вой, бисёр ҳолларига вой!

Шеър: Сен билан ширинлашсам, нима қилади? Зотан, яшамоқ – ўзи аччиқ. Сен мендан рози бўлсайдинг, қолган барча менга дарғазаб боқса ҳам, майлига. Сен билан илиқ муносабатда бўлсайдим, бутун олам билан орам очик бўлса ҳам, майлига. Сен мени севиб қолсанг, мол-дунёнинг қадри қолармиди? Зеро, тупроқ устида нимаики бор эса, улар ҳам тупроқ-да!

Шеър: Кунларнинг бирида бир сўфий Ҳишомга деди: “Эй, бизнинг қонимизни сутдай ичган! Қишлоқ сенинг бузғунчилигингдан бева-бечоралар билан тўлди. Масжидларимиз дастингдан тиланчиларга кон бўлди. Қонимиз сен туфайли тун каби қорайди. Ўзинг эса ширмой нон еб ўтирибсан. Нега бу ҳол сени хавотирга солмаяпти?” Куфали сўфий Ҳишомга арзини айтиб ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Ҳишом унинг совуқдан-совуқ заҳарханда гапларидан ғзаби тошди, аммо сўфийга озор бермади. Ҳалимлиги боис ҳилм қадаҳини симириб деди: “Мавқелари пастроқ кимсалар инсоф сўраяптилар. Бу истаклари билимсизлик ва ғофилликдан эмас. Сени эшитиб туриб, кўрганларимни кўрмасликка олдим. Сенинг бу аччиқ дашномларинг баҳридан ўтдим. Билимли деб, таҳдикани олдиндан сезган ва буни тушуниб етган кишини айтадилар. Бу тоифа кишилар подшоҳнинг озорига шайланиб, уни бошларига тож этадилар. Билимсиз, хом кишилар эса жабр-ситам эшикларини

қоқиб турса ҳам унинг ҳадигини сезмайдилар. Бу тоифа кишиларнинг сохтакорликлари одобга даъват эканлигини кошки тушуниб етсалар! Дунёни кезиб юрган қуёш кўршапалакнинг хотири учун яшириниб олганини кўрдингми ҳеч? Кўршапалак гарчи ундан заҳмат чекса ҳам, қуёш самонинг асли, хазинасидир”.¹

Улуғлик зиёси Оллоҳ зотига қасамки, инсонлар қиёматда уч саволга жавоб бермоқликдан бир қадам ҳам қочолмайдилар. Зотан, Мустафо шундай марҳамат қилади: *“Қулдан уч савол сўралмай туриб, у бир одим ҳам отолмайди. Умрини нимага сарф этдию йўқ қилди, ёшлигини қандай ўтказдию мол-мулкини қаердан олиб, қаерга харжлади?”* Эртага қиёматда мана шу уч саволдан ҳеч ким қочиб қутулолмас.

Ҳар ким дунёда бир даъво ортидан қувади. Андак шошмай тур, ҳали бу овоз даъвога тушиб қолганлару бутун олам аҳдининг қулоқларигача бориб кирсин: *“У КУНда барча яширин нарсалар фожиллинур”*.² Бу кун шундай кундирки, пардаларни кўтарамиз, ҳаммани тап-тақир текисликка ҳайдаймиз ва дилларини муҳрлаймиз. *“Бу (КУН) улар сўзлай олмайдиган КУНдир”*.³

Шеър: Эй, шаҳват оташида ёниб-ёқилганлар! Эй, таҳликалар уммонига ғарқ бўлганлар! Токайгача ҳирс, токайгача шаҳват? Токайгача разолат, токайгача жаҳолат? Токайгача хийла, токайгача найранг? Токайгача урф, токайгача одат? Қочинг, инсонни алдовчи манзилга боғланишдан. Офатларга ботган бу юртдан қочинг! Ҳаёт баҳоридан хуш нафас йўланг, шу чириб йўқ бўлиб кетишга

¹ Мазкур байтлар Ҳаким Санойининг “Ҳадийқат ул-ҳақоийқ” асаридан.

² “Ториқ” сураси, 9-оят.

³ “Вал-мурсалот” сураси, 35-оят.

юз тутган эту суякларга! Бугун давлат довулини чалинг! Кўнгил ниёзидан байроқлар ясанг! Умид косаларини бутланг! Чунки бу он, лутфу иноят, афв онидир. Эй, Тангрим! Раҳматинг ойу йил эҳсонлар улашмоқда. Сенинг заргарлик санъатинг вақт ортидан тўп мисоли зийнат мунчоғини ясамиш. Эй, қўллик жилосидан беҳожат! Бизларнинг ҳам узр мунчоғимизни қабул айла!¹

Излашда – шамол каби ел. Унинг заҳмат заҳрини шакар каби е, бол шарбатидек ич. Кўнгилга айтгин, иштаҳага қараб: “Яхши қол!” десин. Баданга айт, эсонликка душман бўлсин. Чунки денгиз соҳилига уй қурган киши турфа тўлқинларни кўради. Севги даъвосини қилган эса балою меҳнат заҳрини ютади.

Рубойи: Бор будингни оловга отмагунингча вақтингга сира ҳузур кўнмайди.²

Ҳофиз Қуръон ўқий бошлади. Ўқи, эй, Ҳофиз! Ошиқлар жисмидаги занжирлар зилларини Калом нағмалари ила ўйнатиб: “Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан” де.

Шеър: Сабабларни майдонга келтирган Оллоҳ номи ила! Қўлларига эшикларни очган Оллоҳ номи ила! Раҳмондан розиман. У шундай Раҳмонки, беадад афв-карамидан улашгани-улашган. Ўзидан мадад кутиладиган, раҳмати охиратга иймон келтирганларга ато этиладиган Тангри таолонинг гуноҳ қилганим замон ёрлақаб, тавбамни қабул қилишидан умидворман.

Шеър: Эй, умрини кўкка совурган, ҳушинг ўзингдами? Тобакай бу ҳою ҳавасга топинасан? Барча жафо эшикларини очганинг ҳолда, вафо эшикларини ёпасан? Ахир, Ҳақнинг сен билан

¹ Муаллифи номаълум.

² Мавлоно Румий.

қилган аҳду паймони бор эди. Сен Ҳақ аҳдини буздинг – поймол қилдинг. Қайси юз билан меҳна-ту машаққат, қули калталиқдан шикоят этмоқдасан? Нима деб ҳасрат чекайпсан? Бундан сенга бирон наф йўқ-ку! Сен заҳматдан йўқ бўлсанггина, бор бўласан.¹

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи ила сўзи Ул подшоҳнинг исми бўлиб, қулларининг халос бўлишлари Унинг ризолиги биландир. Кимда устунликдан бир нишона бўлса, Ҳақ адолатининг тажаллиси туфайлидир. Олам аҳлининг барҳаётлиги Унинг хоҳиш-иродасининг асари бўлса, инсоният ҳалокати Унинг амри ила воқедир. Қаерда шариф киши бўлса, Унинг карам либосини кийиб, ясаниб олганлиги боис шарафланган. Қаерда тубан киши бор эса, Унинг қаҳрига учрагани сабаб шу кўйга тушган. Мағрибликларнинг белларига боғлаб олган инжа зуннор тутамлари орасидан: *“Удир устун бўлган, ҳар нега қодир Зот”*² садоси янграпти. Орифлар елкаларига осиб олган бўрк тутамларидан эса: *“У меҳрибон ва ҳар нарсадан хабардор Зотдир”*³ сўзи садоланаяпти. “Оллоҳ номи билан” жумласидаги исм шундай исмки, Сулаймон замонида Билқийсни Иблис васвасаси шаъридан қутқарган шу исм эди. Сулаймон Билқийснинг Сабаъ шаҳри халқини йўлдан узоқлатиб, ўзига ишонтирганидан хабар топди. Унга бир мактуб йўллади. Мактубда шундай битилганди: *“Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи ила”*.⁴ Ҳудҳудга мактубни топшириб, уни йўлдан адашганлар мамлакатига элчи қилиб юборди. Сулаймон ўша тухмат саҳросини ошиб ўтаётганларни тўғри йўлни кўрсатиш

¹ Шеърлар муаллифи номаълум.

² “Анъом” сураси, 103-оят.

³ “Мулк” сураси, 14-оят.

⁴ “Намл” сураси, 30-оят.

машъаласи ила бузуқлик зулматидан халос этиш-
нию Билқийсни шубҳа солувчи Иблис васвасаси
домидан чинакам муқаддас адир томон бошла-
моқни истар эди. У ориқ қушча азим, нурли қа-
нотлари билан юксақларда парвоз эта-эта, ниҳо-
ят, залолатга ботганлар ўлкасига етди. Билқийс
саройининг бир қуббасига қўнди. Билқийс қарор-
гоҳига бормоқ учун йўл ахтара бошлади. Қараса,
Билқийс хобгоҳида ялангликка очилган бир ойнак
бор экан. Дарҳол ойнакка қўниб, Билқийснинг
ухлаётганини кўрди. Хонага учиб кириб, даъват
мактубини унинг ёнига ташлади. Тумшуғи билан
Билқийс кўксини чўқиб яралади. Сўнгра соғинч
камарининг бир чеккасига қўнди. Билқийс чўчиб
уйғонганча: “Бу келган ким бўлди эканки, кани-
зағу соқчилардан кечиб ўтиб хонамга кириб, ин-
софсизларча кўксимни яралайди? Бағоят метин
темир эшиклардан ошиб, хобгоҳимгача кира ол-
ган ва яна уни ҳеч кимса кўрмай қолган ағёрнинг
менда жуда катта қасди бор экан” деди. Ўз-ўзига
бу сўзларни айтар экан, дир-дир титрар, хавотир-
ланарди. Бирдан Сулаймоннинг даъват мактуби
ён бошига тушиб қолганини кўриб қолди. Кўзи
“Бисмиллоҳ”нинг “б”сига тушди. Кўнгли “мим”-
нинг кўксидаги кўнгилдан шу қадар порлаб ча-
роғон бўлиб кетдики, оқибат кўнгил каклиги ий-
мон лочинига ўлжа бўлиб қўлга тушди. Ниҳоят,
“ҳар қалай, бу мактубни бирон чопар келтирган-
дир”, дея кўзларини ишқаб хонанинг ҳар бурчига
кўз югуртира бошлади. Ногаҳон ориққина, митти
бир қушчани кўриб қолди. У сарой соябони ра-
воқига қўниб олганди. Ўз-ўзига, “мактубни олиб
келган чопар шу бўлса керак. Ажабо, бу қандай
мўъжиза бўлди – митти қушу улуг хабар”, деди.

Эй, биродарлар! Сулаймондан мурод Ҳақдир.
Билқийсдан мурод ёмонликка чорловчи нафсдир.

Худхуддан эса ақлдирки, нафс саройининг бир чеккасига қўниб олгани шундан. У ҳар нафасда тушунча тумшуғи билан Билқийс кўксини чуқирмоқда. Яъни нафс Билқийсини ғафлат уйқусидан уйғотган кўйи мактубни унга тутмоқда.

Қасида: Эшик қоқиб истанг, эй, юришлари гўзал ошиқлар! Чалинг-чақиринг, эй, амаллари хуш солиҳ кишилар! Токайгача уйингизни қўйиб, таптақир ялангликка бурилиб кетасиз? Токайгача Каъбани қўйиб, майхоначининг эшигини қоқасиз? Дунёда бир гўзал бор, биз эса уни чорламаяпмиз. Қадаҳда бир қултумгина шароб қолди. Бизнинг эса ҳануз ақлимиз жойида. Бундан буён қулоғимизга маҳбубнинг исирғасини тақайлик. Ўрнингдан тур, юзимизни Унинг суви бирла ювайлик. Шу ғаддор тупроқ уюмининг чанг-тўзонини бир юришда олт-уст этайлик. Токи, шу юзи қаро, бузуқ нафсни яксон қилайликки, келган жойига қайтиб кетсин!¹

Оллоҳ бизни-да, сизни-да ҳикматидан баҳраманд этгай! Пайғамбаримиз Муҳаммадни, у кишининг барча қавму қариндошларини Ўз раҳматига олгай!

¹ Ҳаким Санойй. “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ”.

ОЛЛОҲ БАРЧАГА БИРДАЙ УЛАШАЖАК НЕЪМАТЛАРИ ИЛА БИЗНИ ФАЙЗЛАНТИРГАЙ! МАВЛОНОНИНГ ҲИКМАТЛАРИДАН ТАШКИЛ ТОПГАН

УЧИНЧИ МАЖЛИС

Улуғлиги ила воҳид, овозаси етти иқлимни тутган, ҳар ненинг ягона Холиқи Оллоҳга ҳамду сано бўлғай! Ул зот зулмат аро нур ёйғай, нур аро зулмат пайдо этғай! Ўликларни тирилтиргувчи, тирикларни ўлдиргувчидир. Буюклигу мақтовда энг устуни У. На заволи, на охири бўлиб, аввалида аввал йўқ. У буларнинг баридан юксакдир. У тақдир ила барҳаётликдан муназзаҳ, ниҳоясидан ваҳимага тушишликдан муқаддас! Боқийлиги денгизида оқилларнинг ақллари фарқ бўлиб кетган. Ўзи беэҳтиёж бўлгани ҳолда, ҳар ким ва ҳар не Унга муҳтожлигидан ақллар лол. Шаҳодат этамизки, Оллоҳдан ўзга топинажак илоҳ йўқ ва Муҳаммад чиндан ҳам Унинг элчиси, пайғамбарлар улуғидир. Пок кишиларнинг бўйсунган имомлари, ҳар кимнинг қилган амаллари ҳисоби бериладиган кунда умматнинг шафоатчисидир. Кўк узра жавлон урганларнинг, лутфу карамга мушарраф бўлиб, танланиш манзилига етганларнинг – танланганларнинг энг шарифи ҳам ўзи. Унга ва авлод-аждодига, иймон келтириб, у билан кўришганларга, хоссатан ҳақиқату вафо маъдани Абу Бакр Сиддиққа, эгрию тўғри тафовутини назик айирган Умар ибн Хаттобга, ҳилму ҳаё – икки

нур соҳиби Усмон ибн Аффонга, қиличу жумард-лик хожаси Али ибн Толибга ҳамда бари муҳожир, ансорлар ва аҳли иймонга кўпдан-кўп саломлар ёғилгай!

Муножот: Эй, Оллоҳ, эй, подшоҳ! Айни чоғ, айни нафасда саломатлик армуғонларию раҳмат афвларини шариат эгаси, пайғамбарлар сарвари, замину осмонлар нури бўлмиш Муҳаммаднинг руҳи покига улаш! Жисм хаси – тан уясига ибодат тухумларини қўйдик. Ўзинг уларни шаҳват мушугининг панжасидан етажак зарарлардан қўри! Кўнгилларимиздаги маҳваш ибодат гўзалларининг қаҳрабо жилвасига қарши кучлари йўқ. Эй, ҳожатбарор шоҳ, бизларга куч-қувват ато этгинки, ортга тисарилмай матонат кўрсатайлик. Ғам-ғуссаю шаҳват қувурларидан кишанланган жисмимизни жаҳд этиб қозонилган зафар била соф ҳолга келтир!

Кўнгилларимиз хаёлий васвасаларнинг оёқлари остида қолган, эзилиб дағаллашган. Шу кўйга тушган хаста қалбимизга барака ёмғирларию ибодат Ҳизри ила оро бер-да, тўзғиган фитрий сочимизни бағритошлар озорларидан асра! Ўлим онида – жон қушимизнинг жисм қафасидан халос бўладиган чоғида унга ям-яшил қутлуғ дарахт шохларини кўрсатгинки, уни ихтиёр этсин, истасин. Ўша тилак, ўша майл ила хуш қанот ёзиб, ҳайиқмайгина севинч-ла қафасдан учиб кетсин!

Шеър: Тангрилигингга муносиб мадад ила мени ўзинг буюрган манзилларга етиштир. Жисм зулмотидан қутқар. Ўз нуринг-ла эш-биродар айла! Мени мендан оладиган кунинг ўша билган нарсангдан жудо этмагайсен! Мени менга берадиган чоғинг эса устимга лутф соянгни сол! Сен-ла бирга эканман, нур била дўст тутиниб, нурга ўхшаб со-

ядан халос бўламан. Нурдан узоқлашган соядан-гина эмас, зиё таратувчи шамдан ҳосил бўлган соядан ҳам фориғ бўламан. Ҳеч кимсам йўқ менинг. Насли насабим ҳам ноаён. Эй, кимсасизлар кимсаси! Ҳолим бир ўзингга аён, шафқат қил! Тобакай ўлимдан фарёд чекаман? Ўлимим у сабабли бўлса, майлига, ўлиб кетайин. Ўлимим сенинг амринг эсаю бунга ақлим етиб, кўриб, сезиб турсам, у ўлим менга ўлим эмас, мисоли бир жойдан иккинчи бир жойга ҳижрат қилмоқ, дастурхондан туриб, ётоққа кирмоқ ва ётоқдан қалқиб подшоҳ мажлисига бормоқдай гап.¹

“Шошиб-ўзиб юрадиган (фаришталарга) қасам”.² Мустафога (Саломларнинг энг комили унга бўлгай!) оид бир ҳадис билан мажлисни бошласак. Пайғамбардан ривоят қилинган дурдона ҳадислардан бирида шундай дейилади: Бир куни субҳидамда Ҳорисадан Мустафо сўради: “Эй, Ҳориса! Қандай тонг оттирдинг?” “Иймоним билан уйғондим”. Мустафо: “Ҳар ҳақиқатнинг бир ҳақиқати бор. Кўксингдаги иймоннинг ҳақиқати нимада?” дея буюрди. Ҳориса: “Нафсимни дунёдан аритдим. Кундузни сувсиз, оқшомни уйқусиз кечирдим, гўё Роббимнинг аршини – жаннат ва жаҳаннам аҳлини нақ кўз ўнгимда кўраётган кабиман. Аҳли жаннат бир-бирларини зиёрат этаркан, аҳли жаҳаннам ҳасрату вовайло ичра тўлғонарди. Пайғамбар: “Сен ҳақиқатга етибсан. Бу ишга маҳкам боғлангин”, деди-да, саҳобаларга юзланиб буюрди: “Бу шундай қўлки, Оллоҳ унинг кўнглини Ўз азаматининг нури ила мунаввар айламиш”.

Шариат соҳиби, пайғамбарлар сарвари, самовоту замин нури Мустафо бир кун дўстлари билан

¹ Муаллифи номаълум.

² “Мурсалот” сураси, 5-оят.

бирга ўтирарди. Ҳорисага юзланиб: “Эй, Ҳориса! Бугун уйқудан қандай уйғондинг?” дея сўради. Ҳориса: “Эй, асл иймон соҳиби! Иймон ила – шубҳалардан озода, тақлидсиз иймон била уйғондим”, дея жавоб қайтарди.

Байт: Ҳур кишилар ўтирган жойларда ўтирдик. Солиҳлар танлаган ишни танладик, улар қилган ишни қилдик. Кейин билсак, юз турфа гуноҳ оғушига тушибмиз. Биргина жонимизни бериб, ўзимизни сотиб олдик. Барча истагимиз: “Ҳақ бизни афв этсин!” эди. Шукрлар бўлғай, лутфини дариф тутмади – муродимизга етдик.¹

Мустафо (Унга саломлар бўлғай!) шундай марҳамат қилди: “Ҳар ҳақиқатнинг бир аломати, муросаси бўлади. Сенинг кўксингдаги иймон аломати надир?” Ҳориса: “Эй, Оллоҳнинг элчиси! Мен дунёдан узоқлашдим, чунки уни алдов тузоғию нурга қарши тутилган парда, деб билдим. Кундузни сабр-тоқат-ла сувсиз, кечани уйқусиз ўтказдим. Энди эса Раҳмоннинг аршини басийрат кўзи бирла кўрмоқдаман. Жаннату жаҳаннам аҳли кўз олдимда намоён бўлмоқда. Аҳли жаннат бир-бирларини зиёрат этиб, бағирларига босарканлар, аҳли жаҳаннам дод-фарёд уриб, ёқаларини чок этмоқдалар. Уларнинг оҳларини мана шу қулоқларим билан эшитмоқдаман”. Пайғамбар Ҳорисага (Оллоҳнинг саломи бўлғай!): “Эй, йигит! Ҳақиқатга етибсан. Бу ишга маҳкам боғлангин! Ҳақ йўлни кўрибсан, кўрганларингга собит бўлгин. Шу кўрган нарсаларинг манзилида оёқ тираб туриб олгинки, улар сенинг бекатинг – давлатингга айлансин. Чунки кўрмоқ бошқа, кўрилган нарсага эга чиқмоқ бошқа”, дея дўстлари томон ўтирилиб: “Ҳориса шундай бир қулки, Оллоҳ кўнглини улуг-

¹ Муаллифи номаълум.

лигининг нури ила нурафшон этмиш. Бу қул шундай бир қулки, “Юксакларга боққан кишиларнинг кўзларига сурма суртган, ичкарида утирганларга эшик очган”¹ Ҳақ таоло (Аълолиги улуғлангандан улуғлансин!) унинг жон қабоғига маърифат сурмасини суртган қўйи кўзу кўнглини равшан айламиш.

Байт: Риёзат-ла жисм пардасини ёқиб юборсанг, халқ ўйлаб юрган хавфдан халос бўласан. Наинки умидларингдан – ўзингдан, икки оламдан ҳам пинҳон бўласан. Шундагина бу яширин нарса кўзларингга аниқ-равшан кўринади. Бу – ҳар нени йўқ этиш олами, уни исбот этиш билан кўриш мумкин. Халқнинг бори – шу бўлганидан, боши берк кўчага кириб қолган.²

Ҳориса ибодатга шўнғиди. У: “Кундузлари рўза тутаман, кечалари уйқусизман. Дунёдан этак силкиганим боис халқ кўрмаган нарсаларни кўриб, эшитмаган нарсаларни эшитмоқдаман”, деганида Мустафо (Оллоҳ раҳматига олгай!): “Намозингни кўрма, ёлборишларингдан сўз очма – буларнинг барини Ҳақ таолонинг мадади, ёрлақаши деб бил!” дея уни огоҳлантирди.

Байт: Эй жон, биздан – бизнинг қуллигимиздан ҳеч вақо ҳосил бўлмас. Ўзинг қилдинг, ўзинг қурдинг, энди ўзинг тамомлаб қўй. Бизнинг саломатлик юртимизни дашном юртига айлантирдинг. Койиш юртимизни-чи, саломатлик юрти ҳолига келтирдинг.³

Бир оқ лочин изн олиб, подшоҳнинг кафтидан томнинг бир бурчига қўнди. Болалар лочиннинг гўзал манглайига мафтун бўлиб қолдилар ва: “Ё, қудратингдан! Ту-ту-ту”, дея аста чорлай бошла-

¹ Муаллифи номаълум.

² Муаллифи номаълум.

³ Жалолиддин Румий. Девони кабир.

дилар. Улар лочинни олисдан томоша қилаётган-
лари сабаб: “Подшоҳнинг лочини ўзини кўз-кўз
қилаяпти. Биз уни чақиришимизни хоҳлаб, ўша
жойга қўниб олган”, деб ўйлашди. Лочин подшоҳ-
нинг амри ила ўша хароба том бурчига қўнганию
Оллоҳ у кўнгилни буюклик нури ила чароғон эт-
ганини ҳалиги болалар қаёқдан билсинлар? Шун-
дай бўлгач, кундузи ундоқ қилдим, кечаси бундоқ
қилдим, дема. Фақатгина тонгни ойдинлатган, оқ-
шомга парда тортган Тангри таоло Ўз мадади –
қўллови ила кўнглу кўзимга бирдай лутф этди, де.

Байт: Кўнгил ким бўлибдики, ўзидан сўз очсин,
кулфатини куйласин? Кўнгилнинг ҳаракати (Ҳақ-
сиз – *тарж.*) қаергача борарди?¹

Ибодату итоат ўғиллари эмас, азал ўғиллари
бўлинг. Ибодатга эмас, азалу абад Тангри фаз-
лу карамига ишонинг. Зоҳидлар ундоқ қиламиз,
бундоқ қиламиз, дея тоат-ибодат билан машғул
бўладилар. Орифлар эса, Ҳақ таоло ундай қилди,
бундай қилди, дея азалий лутфкор зотдан сўз оча-
дилар, аксинча, ибодат оҳ-воҳидан эмас.

Шеър: Орифлар қиёси йўқ зотдан баҳс этур-
лар. Ҳою хаваснинг белини букиб, қоқ ўртасидан
иккига бўлганча отиб юборурлар. Зоҳид “қандоқ
қилайин?” деса, ориф “қандоқ қилар экан?” дей-
ди. Зоҳид кўрқув-ла “бу қадар машаққат ичра
на қилайин?” дер. Ориф ишқ-ла “ажабо, Оллоҳ
нима қилар экан?” дер. Унисининг нигоҳи ўзига
қадалган – ўзини кўрур. Хайрли амалларга ёр бў-
либ, шаърдан йироқ бўлайин, дейди. Бунисининг
нигоҳи Тангрига йўналгандир – Тангрини кўрур.
Тинмай Ҳақ жамолини сайр этур. Зоҳидларнинг
назари – ибодатгача. Орифларнинг эса – ниҳояю
заволи йўқ Зотга қадалган. Зоҳиднинг ўзига кел-

¹ Муаллифи номаълум.

моғи тоат ила мумкиндир. Орифнинг сархушлиги эса Тангри азаматига мазҳар бўлмоқлик биладир. Хуш амаллар зоҳиднинг тиргаги бўлса, ориф ягона Оллоҳга кўз тикмиш. Буниси хайрли ишлар орқали ўзини кўрса, наригиси ғайб оламида Ҳақни томоша қилур. Зоҳид қозонган эҳсон саноқлидир. Ҳақ орифи эса ҳадду чегарани парчалаб юбормиш. Зоҳид ер куррасида умрини кўкка со-вурса, Тангри орифи унинг борлиғидан юксалиб кетур. Зоҳид кўрқув ва умид орасидадир. Ориф истаклар устидан учиб ўтур. Зоҳидлар заминни қароргоҳ этиб, унга ястаниб олмишлар. Орифлар ҳиммати арш соҳиби ила қовушмоқ муродининг кетига тушгандир.¹

Зоҳид: “Оҳ, нима қилайин?” деса, ориф: “Кўрайлик-чи, У нима қилар экан?” дер.

Байт: Зоҳид олган йўл, бир ойда бир кунлик йўлдир. Ориф олган йўл-чи, ҳар нафасда подшоҳ тахтигача.²

Байт: У бенуқсон гўзаллик сенга юз очдими, та-мом, сени ҳар недан учириб кетади.³

Шеър: Кимга ҳақиқатдан бир хабар келгудай бўлса, унда башарий сифатлардан ном-нишон қолмас. Ҳув самодан ер тубигача ҳар ённи сабаб-лар қопласа, унинг сабаблар била ҳеч қандай иши бўлмас. Кимки жисмини тор-мор этиб, ўзлиги-дан халос бўлса, ҳақиқатнинг айни ўзидан унга соғлом назар туҳфа этилгай. Энди у турфа безак анжомлари ила ороланган жавҳарни кўра олур. У жавҳар, мисоли бир баданга кириб, у ерни макон этган каби. Унинг суҳбатига мушарраф бўлганинг ҳолда, яна нима деб шаклга қиймат бермоққа ури-

¹ Султон Валад. “Ибтидонома”.

² Муаллифи номаълум.

³ Муаллифи номаълум.

насан? Қани юр, ҳақиқатга етиб, бутунлай бошқа оламга айлан. Чунки у ҳам бошқачалашиб, ўзга бир оламга айлангандир.¹

Байт: Зоҳидлик надир? Ножўя сўз айтишдан қочишлик. Ошиқлик надир? Ўз борлиғи – ўзлигидан офиз очмаслик.²

Ҳикоя қилишларича, Ҳақдан ҳайиқувчи, оқи-лу одил бир подшоҳ ўтган экан. У қўл остидаги кимсаларнинг ҳолларини нуқул сўраб-суришти-риб тураркан. Ё Тангрим, замонамиз султонининг оёқларига инсофу эҳсон, адолатда Ўзинг устун бўлгайсен! У подшоҳнинг амирлари бўлиб, улар-нинг бир гуруҳи соҳиби қалам эди. Тангри амр-ларини бажо келтирган малаклардан ўлкаю сал-танат ишларини идора этишни ўрганиб олишган, қаламлари фақат ўнг қўлларида хайрли ишлар учун ҳаракатланарди. Дафтарларида ҳийлаю ни-фоқ, мазлумнинг кўнглига озор бериш каби маса-лаларга ўрин ҳам, имкон ҳам йўқ эди. Қаламлари бунингдек номақбул ишлар билан ўралашмасди. Дафтарлари қиёмат девонидаги мўминларнинг амал дафтарлари мисоли жилованиб порлар, ҳар ённи ёритарди. Айрим қўллари соҳиби қилич бў-либ, байроқдор эдилар ва жонлари билан ўйна-шиб юрардилар.

Рубоий: Жангда темир кабимиз, мажлисда – шам. Ёрон учун табаррукмиз, ағёр учун – қаттол.³

Подшоҳнинг қўл-оёқсиз, ҳамиша маҳзун бир қули бор эди. Унинг қаламда на бир ҳунари, оламда на бир қудрати бўлиб, шунга қарамай, подшоҳ уни жонидан ортиқ севарди. У подшоҳ-га ҳаммадан яқин эди. Нимаики сири бўлса, ке-

¹ Жалолиддин Румий. Девони кабир.

² Ҳаким Саной. “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ”.

³ Жалолиддин Румий.

либ шу қулига дилроз этар, ўзгалардан қизғанарди. Подшоҳ учун қулнинг либосию унинг баҳоси ҳар недан устун эди. Васваса бошқа қуларнинг кўзларига ҳасад сурмасини суртар, бу мисоли Юсуф ва унинг оға-инилари ҳикоясини хотирга келтирарди. Оталарининг муҳаббати Юсуфга бўлакча эди. Буни кўрган оғалари зимдан ғазаб ўтида ёнар, рашкдан ич этларини ейишар, *“Юсуф ва унинг биродари (Бинямин) отамизга биздан кўра суюклироқдир”*,¹ дейишарди. Бу сўзни ўзлари танҳо қолганларида айтишарди. “Унинг қандай ҳунари, қандай қулиги борки, отамиз уни биздан ортиқ кўради?”

Кимки ораларида кўринмай қолган шерикларининг турфа ёмонлигидан шикоят этиб, ифво қилса, кўнгулу юзига ғанимлик доғини туширган бўлур. Жон кўзлари бедор кишилар ўзаро юзма-юз келганларида ҳалиги доғ изини кўрадилар. Жон кўзлари ожиз кимсалар эса ҳеч бир аломатни пайқамай, васваса домига илинадилар.

Рубойи: Ҳақиқатга етганлар – йўлу изни кўрганлар сенинг ҳолларингни бор инжаликлари ила кўрур, ундан огоҳ бўлурлар. Аммо карам буюриб, ҳеч кимнинг пардасини йиртмаслар. Замона зайли қандай юриш қилса, улар ҳам шунга яраша одим отурлар².

Подшоҳ ҳам, унинг хос қули ҳам бекларнинг манглайларию кўзларида нузул этаётган ёмон ўй-хаёллар ва шунинг каби нохуш сўзлар айтиб юришларини кўриб турардилар. Мухолифликнинг аломати мухолифларнинг пешона, кўзларида зуҳур этур, айтган сўзларидан аён бўлур. Инчунин, Тангри таоло мунофиқларнинг эътирозларини: *“Албатта, сиз уларни юзларидан (улар сўз-*

¹ “Юсуф” сураси, 8-оят.

² Жалолиддин Румий.

лаётган – зоҳири иймондан далолат қиладиган, ботини эса куфр бўлган) сўз – оҳанг-услубидан таниб олурсиз”,¹ дея пайғамбарига хабар берган. Биладилар, аммо билмасликка олурлар.

Байт: Билгил ва лек сўзламагинки, разолатга ботмасинлар. Эр кишининг бор савлати, – кўрки – сир сақлай билишидадир.²

Ўз разиллигинг-ла юз кўришмоқ фурсати олдинда. “У Кунда барча яширин нарсалар фош қилинур”.³ Зора, у кундан аввал тавба қилса, дея ҳозирча сени айбламаймиз.

Ҳалиги беклар ёниб-куйиб “бунинг бирор чораси бормикан?” дея бир-бирларига саволчан боқардилар. Ахир, у – подшоҳ! Ҳукм унингдир, қўл унинг қўли. Мабодо, инсофсизларча зарарли сўз айтгудай бўлса ҳам, ким унга “жим бўл!” дея олади? Кундузни оқшом деса, кимнинг унга “янглишдингиз!” демоққа ҳадди сиғади?

Байт: Сарвнинг қомати икки букик десанг, икки ҳафталик ой қусурли десанг, жаҳон ичра ким сенга юрак ютиб “нечун бундай деяпсан?” демоққа жаҳд этарди?⁴

Байт: Лайлони деб телбавор бўлдик, у ҳам бошқасини дея савдойиладди. Бундан буён ўзга бировнинг биз туфайли жунунваш кўйга тушишини истамаймиз.⁵

Байт: Биз сенга ошиқмиз, сен-чи, ойнага ошиқсан. Биз сенга боқмоқдамиз, сен-чи, ойнага термуласан. Бир оҳ урайинки, унинг дуди оламни қаро этсину ойна ортиқ жиолоанмасин. Ичида ҳеч нима кўринмай қолсин⁶.

¹ “Муҳаммад” сураси, 30-оят.

² Муаллифи номаълум.

³ “Ториқ” сураси, 9-оят.

⁴ Муаллифи номаълум.

⁵ Муаллифи номаълум.

⁶ Муаллифи номаълум.

Бир кун бекларнинг тезоб, бесабрларидан бири: “Ҳой, биродарлар, балки сизларнинг сабр косангиз ҳануз тўлмагандир, аммо менинг бардошим соб бўлди. Бугун подшоҳ ҳузурига бориб, пойига тик чўкаман-да, бошимдан тупроқ сочаман. “Арзинг не?” дея сўраса, жавобан:

Байт: Сиришнинг нечун гул рангини олди, дейсан. Модомики, ўзинг сўрадинг – айтайин. Кўнглим сенинг савдойингда қон ёшлар тўкмоқда. У ёшлар қайнаб-жушиб бошимга чиқиб олдию, оқа кетди.¹

Байт: Ғам дастидан ишим жонга қадар етди, туманим бутун оламни чулғади, етар энди! Қайғу теримни шилиб кетди, марҳаматсизлик этма! Пичоғинг суякка қадалди, етар энди!”² дейман.

Шериклари: “Биродар, ҳақ гапни айтдинг, аммо хотир учун бўлса-да, андак сабр қил. Чунки “сабр баракотнинг калитидир”, дейишди. У эса: “Сиз айтгандай, мавриди келгунга қадар сабр қилайлик-чи, нима бўлар экан?” дея ройишларига кўнди.

Байт: Хўроз бемаҳал қичқирдим, унинг бошини олиш вожибдир.³

Хуш, қачон пайти келур? Дедиларки: “Подшоҳ кайфи чоғ, шодумон ва бизга хуш табассум била боққан кунда. Бу маҳал шоҳ ҳимматининг чеки кўринмас”. Кўнглингиз мулойим тортгач, дуони ғанимат билингиз. Мустафо (Оллоҳ Ўз раҳмати-га олгай!) марҳамат қилмишки: “Кўнгиллариңгиз юмшаб, кўзлариңгиз ёшланса, ўзиңгизда ёнмоқ – ёлбормоқ лаёқатини сеза бошласаңгиз, ўша он ҳожат тиламоқ онидир. У фурсатни ғанимат билиңг, чунки айна дам раҳмат эшиклари очила-

¹ Муаллифи номаълум.

² Муаллифи номаълум.

³ Муаллифи номаълум.

ди ва сиз ҳожатларингизни шундоқ замонларда изҳор этинг”.

Рубоий: О, тонг насими! Ўшал сочлари занжир мисолига сўйла! Имкон тополсанг, кўнгил ҳолимни баён айла! Мабодо, кўнгил олишни истамай, дарғазаб эса, мени кўрмаган бўл-да, зинҳор оғиз очма!¹

Ниҳоят, кунларнинг бирида подшоҳнинг ови бароридан келиб, нодир ўлжаларидан севинчи ичига сиғмай, юзи наشاءдан ёришиб кетди. Азалу абад подшоҳнинг ови ошиқлар кўнглидир. “Ҳақиқатан ҳам, Оллоҳ иймон келтирган қўлининг тавба қилишини севур ва ундан рози бўлур”. У раҳмат қандоқ раҳматки, қўлларини ғайрати ила зотидан узоқлатиб, ўзига бегона этар? Сўнг яна инояти била овлаб, ўзига ошуфта айлар?

Рубоий: Қаро тупрокдан бир нарда тахтаси ясаб, ҳар он у тахтага айрича шакл бермак, ўзга бир ўйин намоиш қилмак бўласан. Кимнидир бир ёқлик қилиб ўлдирасан, тагин бирини оёққа турғизасан. Офарин, ўз-ўзинг билан ажаб ўйнамоқдасан: нақадар улуғ устасан, нақадар буюк санъатинг бор! ²

Беклар подшоҳни фараҳдан ўз-ўзига сиғмас ҳолда кўриб, раҳмат эшиклари ланг очилганини пайқадилар ва барчалари пойига тиз чўккан кўйи арзи ҳол этдилар: “Қачонгача жафо? Жонимиз ҳиқилдоғимизга келди. Сенинг бундай одатинг йўқ эди. Бу иш карамингга мувофиқ тушмас. Шу чоққа қадар кўнгил ипимиздан тугун устига тугун қадалди. Оқибат, туманлар-ла қопланмиш, қонларга беланмиш тун кўрқувидан ўша чокларни сўка бошлаган кимсанинг қўлу бўйнига боғланган сиртмоққа айланди”.

¹ Жалолiddин Румий.

² Жалолiddин Румий.

Шеър: Парда йиртишни кўзингдан ўрганганингдек, келгил, қул сотиб олишни зулфингдан ўрган. Домингга илинганнинг фарёдига қулоқ тут. Наҳот, сенда оҳу нолаларга етиб олиш йўлидан огоҳлик бўлмаса? Тузофингга тушдик – сабрни танладик. Бечора, домингда чирпина-чирпина ҳушини йўқотди. Сенинг ризолигинг кулфатинг била эш. Шу боис сенинг ғаминг, сенинг дардинг бизга шакар таъмини улашмоқда. Зеро, шакар оғизга олиниши билан эриб кетур. Қулинг – Санойининг сўзини тингла, унга жафо айлама. Чунки Санойининг каломи қулоқ солинмоққа муносиб.¹

Подшоҳ: “Мен сизларга нима ёмонлик қилдим?” деди. Улар: “Биз сенинг жондан азиз қуларингмиз. Сен рози бўлмайдиган қандоқ иш қилдик? Авжи жанг чоғлари ҳар ким ўз жони қайғусига тушиб қолган маҳал сенинг иқболинг учун жонимиз билан қандай ўйнашганимизни кўрган эдинг. Шундай бўлгани ҳолда, фалончини нечун биздан бу қадар авло биласан? У қайси ҳунари сабаб бунчалар эъзоз топди? Биз сенинг амрингга хилоф нима иш қилдикки, бизни мақсур кўрасан?”

Байт: Сенинг қулинг эканлигига иқрор бўлган кишига бу янглиғ муносабатда бўлсанг, кўнглинг рози бўлурми?²

У сенга қандоқ бетаъма қулик бажо келтирдикки, биз кўрмай қолдик? Подшоҳлик қилиб, бизга у қуликнинг қандай қулик эканлигидан оз-моз хабар бер. Токи биз ҳам шижоат била бор ҳунаримизни намойиш этайлик”. Подшоҳ: “Минг аён этмайин, сиз у қилган ишни қилолмассиз!” деди.

Қасида: Сўзни ҳар сўзловчининг ақли нисба-тида сўзласайдим, ҳеч шубҳа йўқки, халққа жуда

¹ Ҳаким Санойӣ. Девон.

² Муаллифи номаълум.

оз сўзлар эдим. Сўзларга сомё бўлиб, мағзини чақувчи киши қаерда эканким, уни топиб, ҳар он янги-янги асрор очсам. Ақл одимини ваҳмдан ошиқроқ отгувчи кимса қайдаким, мен унга юксаклардан сўзласам. Кўксини курси ҳолига келтириб, кўнглини арш айлаган киши қаёндаким, мен унга “олами суғро” (кичик олам – *тарж.*) аломатларини ошкор этсам. Зулмат аро юксакларга одим отувчи кимса қаёқдаким, унга ойдин денгизнинг файзиёб нуридан сўзлаб берсам. Марвариднинг қадрини билгувчи, илм денгизининг заргари қайдаким, унга етти марвариду тўрт гавҳар сирич очсам. Ямандан бўй олган бурун қаердаким, мен унга Хўтан мушкининг муанбар ифори дарахтидан сўз очсам. Жаҳаннамни кечиб ўтган киши қаниким, унга бу кечикнинг юз турфасини бирма-бир санаб англатсам. Атторнинг қалби тубанлик оламига боғланиб, шу тупроққа кўнгил қўймасайди, ашъоримни юксакликда етти юлдуздан ҳам баланд пардаларда айтар эдим.¹

“Эй, олампаноҳ! У ҳолда, бизни имтиҳон қилиб, синаб кўр. Башарти, айтганингни бажаролмасак, ҳеч курса, ўз даражамиздан огоҳу унинг устунлиги сиридан воқиф бўлайлик. Ҳасаду васвасадан қутулайлик-да, подшоҳ-ла эмас, ўзимиз била курашайлик”, дейишди.

Рубойи: Менга кўнгил қўйсанг, жондан кечаман. Жоним-ла ўйнашиб, наинки жон, бутун жаҳондан кечаман. Мен шундай қулманки, амрингга бош эгиб яшолмаяпман. Айт, тилагинг надир? Айтақолгинки, шунга мувофиқ иш кўрайин.²

Кимки дучор бўлган балоларини ўзидан билса, тавба қилур ва подшоҳни одил санаб, уни мадҳ

¹ Фаридиддин Аттор. Девон.

² Жалолиддин Румий.

этур. Бундай киши покланиб, тез халос бўлур. “Қўлингизда асир бўлган кишиларга айтинг: “Агар Оллоҳ дилларингизда яхшилик борлигини билса, сизларга ўзингиздан олинган нарсадан яхшироқ нарса берур”.¹ Эй, Муҳаммад, тутқунларга, ғам боғичлари ила боғланганларга айтинг: “Ҳукми барқарор Тангрининг иродаси боис менга асир тушдингиз. Кўнглингизда бирон хайрли ўй бўлса, сизга аввалроқ эга чиққан ва йўқотган нарсаларингиздан ҳам афзалроғини улашади”.

Подшоҳ деди: “У қўлимнинг бор-йўқ ҳунари – менга боқур, мендан кўз узмас”. “Эй, оламлар шоҳи, ундай бўлса, дарҳол амр этгинки, бундан буён биз ҳам бошқа ишларимизнинг бошидан тупроқ сочиб, куну тун тинмай сенга боқайлик. Бундан-да хуш иш борми оламда!”

Байт: Сени кўриб, кўзи қувонмаган кишининг боши бўйра тагида қолиб, оёқ ости бўлсин!²

Барча беклар бундан мамнун бўлиб қуроллари-ни отдилар ва саждага бош эгдилар. Подшоҳга: “Бундан буён қуролимиз – сенинг юзинг, интизомимиз – сенинг ҳузуринг. Ҳажимиз – остонангу мартабаимиз – меҳробинг”, дедилар. Ҳаммалари бирдай тизилишиб, подшоҳ юзига термила бошладилар. Уларни кузатаркан, подшоҳ ўз-ўзига деди:

Байт: Миснинг олтин қопламасига тушиб, кўз-бўямачилик қилмоғидан не наф? У лоф сотувчи, имтиҳон тоши – маҳакни кўрдию шармисор бўлиб кетди.³

Байт: Ишқ даъвосида бўлмоқ осон, аммо унга далил керак.⁴

Подшоҳ хос мулозимининг қулоғига: “Бисотимизда қанча довул, қанча ноғора бўлса, барчасини

¹ “Анфол” сураси, 7-оят.

² Муаллифи номаълум.

³ Муаллифи номаълум.

⁴ Ҳаким Санойи. “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ”.

томга чиқариб бирдан ерга отинглар”, дея буюрди. Шоҳ амрини бажо келтирдилар. Оламни шундай шовқин, шундай ғавғо тутдики, ҳар тараф зир титрай бошлади. Бу талотум қўпаркан, барча беклар юзларини подшоҳдан ўгириб, бир-бирларига “саройда нима бўлаяпти ўзи?” дегандай олазарак боқа бошладилар. Ҳалиги қўлнинг кўзи эса ҳануз подшоҳнинг юзида эди. Подшоҳ, қўлимнинг юзи ўзгарармикан, дея унга разм солди. “*Кўзи оғгани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ*”.¹

Азизим, бу ҳикоя подшоҳ ва ё унинг беклари можароси ҳақида эмас. Подшоҳдан мурод – Тангри таоло. Беклардан мақсад – етти осмон малаклари. “*У жойда Оллоҳ ўзларига буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат ўзларига буюрилган нарсани бажарадиган фаришталар турур*”.² Уларга: “Сизга ер юзини ман қилдик ва уни Одамга қароргоҳ этдик” деган буйруқ келганда “*У ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган кимсани (халифа) қиласанми?*”³ дедилар. “Биз кеча-кундуз Сени поклаб ибодат-ла машғул бўлсак ҳам тақибдайсанми?” дея норизо бўлдилар. Ҳақ таоло (Шони улуғлангандан улуғлансин!) буюрдики: “Улар шундай хизмат, шундай қўллик адо этадиларки, сиз уни бажо келтиролмассиз!” Икки олам сарвари, инсонлар ва кўз илғамас мавжудотларнинг аввалгиси – Муҳаммад Мустафо (Унга Оллоҳнинг саломи ёғилгай!) Меърож кечаси етти қават самонинг ҳеч кимсага кўрсатилмаган хазиначилари унга очилиб, аршу курси арзи ҳол этган паллада уларнинг ҳеч бирига қиё боқмай, кўзини Тангри жамолидан узмади. “*Кўзи оғгани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ*”.⁴

¹ “Ва-н-нажм” сураси, 17-оят.

² “Таҳрим” сураси, 6-оят.

³ “Бақара” сураси, 30-оят.

⁴ “Ва-н-нажм” сураси, 17-оят.

Шеър: Яширину ошкор неки бор – бари сен-ла қўшилгач, суҳбатинг доимий бўлур, хизматинг қулайлашур. Қуёш бошинг узра келур, ортингдан қолмай эргашур. Ҳатто зарра қадар соя қолмас. Нимаики тиласанг, ато этилур. Мана шудир сен-га қўнган давлат, мана шудир умр иқболи. Энди бирон жонзот учолмас, барчаси тириклайин йўқ бўлур. Очиб сўзлайин, эрлар асрорин очайин дей-ман-у, аммо ҳеч кимса бунга таҳаммул этолмас, боши айланиб, парчаланиб кетур.¹

Ҳамд сўзнинг аввалида ҳам, охирида ҳам Ол-лоҳгадир. Унинг раҳмати Муҳаммадга ва ул зот-нинг аждод-авлодига ёғилгай!

¹ Муаллифи номаълум.

ОЛЛОҲ ЎЗ НУРИНИНГ ЁҒДУСИ ИЛА БИЗЛАРНИ МУНАВВАР АЙЛАСИН! МАВЛОНОНИНГ МАЪРУЗАЛАРИДАН МАЙДОНГА КЕЛГАН

ТЎРТИНЧИ МАЖЛИС

Ҳамду сано коинотни тақдир айлаган, мавжудотларини тадбир ила ундириб-ўстирган, муқаррар келгувчи кунда уларни қайта тириштириб, тўп-ланиш майдонига юборгувчи Оллоҳгаким, ул зот самоларни идора этгувчидир. Мовий денгиз ичра сузиб юрган кемаларни сув узра елиб-югуртиргувчи ҳам У. Тўда-тўда булутларни ҳаво бўшлиғи қучоғида зоҳир этгувчи, чақмоқни азим тоғлар, тепаликлар оша кечикларга қилич қайратиб юборгувчи ҳамда заминнинг турли нуқталарига ёмғир ўқларини ёғдирган қўйи у чулғаган ерларни ўққа тутгувчи булут минбаридаги момақалдиروқ хатибию ёмғирларга *“Унинг юриши ҳам, туриши ҳам Оллоҳ номи билан бўлур”*,¹ дея нидо эттирган ҳам Ўзи. У шундай олимки, илмидан на қаламларнинг сирли саҳфаларидаги ёзувлари пинҳон бўлур, на отилган одимлар ҳисоби яширин қолур. У шундай басийр (кўргувчи)ки, нигоҳидан териб қўйилган садаф ҳам, унинг турфа марваридлари ҳам хуфя қолмас. У шундай сомё (эшитгувчи)ки, кечалари халқ пичир-пичирларини ҳам эшитар. Қушларнинг дарахт шохларидаги сайрашларини-да, табаррук гўшалардаги хонишларини-да тинглар.

¹ “Ҳуд” сураси, 41-оят.

Қиёси йўқ, ниҳоясида ниҳоя бўлмаган каломи била шундай мутакаллимки, сўзлари луғатлар нафмаларию лаҳжа товланишларидан тортиб, мутолаа чоғидаги лоф қоришган зарфу ҳарф қайдларидан муназзаҳ – муқаддасдир. Эши бўлмаган Оллоҳдан ўзга сифиниладиган илоҳ йўқлигига ҳамда Муҳаммад Унинг қули ва элчиси эканлигига иқрормиз. Ул зотга ва аждод-авлодларига Оллоҳнинг салому салоти ёғилгай! Гуноҳлардан тийилгувчи Абу Бакрга, покланмиш Умар ва Усмонга, аҳдига вафо қилмиш Алига ва барча муҳожирлару ансорларга беҳад саломлар бўлгай!

Муножот: Эй, подшоҳ! Эй, султон! Борлиқ денгизинг узра заҳмат-ла жидду жаҳд кемаси била кечиб ўтмоқ тараддудини қилган васлингга муштоқ кишиларнинг жонларини соғ-саломат ҳолда лутфу марҳамат соҳилига еткар. Сенинг ҳажринг заҳрини ютаётганларга Ўз даргоҳингдан дармон малҳамидан абадий сиҳат насиб айла! Ғайб ризвони нурларию чечакларидан баҳра олмоқлари учун барчаларининг кўзларини оч, нурлантир! Ҳою ҳавасга мубталолик, истакларга маҳкумлик зулумотида ёлғиз бошлари билан оқшом йўлга тушганларни йўлларини йўқотишдан, адашишдан қўри! Эй “Тушгин”¹ амри ила жон қушларимизни тупроқдан яратилган бадан домию жисм емига асир айлаган Тангри, бизга Ўз фазлу караминг-ла ғайб олами сари йўл кўрсат! Эй, оламларнинг Робби, эй, ҳожатбарорларнинг энг хайрлиси!

Мажлисни ўзию сўзи пок асл пайғамбар Муҳаммад Мустафо (Оллоҳнинг салом ва салоти бўлсин!) нинг бир ҳадиси билан бошласак. Ул фасоҳатли зотдан ривоят этилган саҳиҳ хабарлардан бирида шундай буюрилган: “Ҳақиқатан ҳам Оллоҳнинг

¹ “Худ” сураси, 48-оят.

(Шони шарафлангандан шарафлансин!) баланд даражали шундай қўллари бордирки, улар ёмғирга ўхшайдилар. Қуруқликка ёғсалар – хайру баракот, денгизга ёғилсалар – марварид ҳосил қилурлар”. Яъниким, ҳар нифоққа барҳам берган, ҳар муроднинг калити, итоат эгаларию исён аҳлининг ҳам бориб юкинганлари, Тангрига яқин бўлганга-да, узоқ тушганга-да тўғри йўл кўрсатган зот шундай марҳамат қилади: ер куррасию замонни яратган, мислсиз самони тахт этган, зулмдан йироқ адолат соҳиби бўлмиш подшоҳнинг дунёда балчиқдан маъмур этилган жондан-да соф, кўнгилдан-да пок қўллари бордир.

Шеър: “Аласт”¹ амрига ўзларини тутиб берганлар ўшал мажлис аҳдидан сархуш бўлмишлар. Оёқлари дард бекатига тиралган, жон бермоққа қўллари очиқ. Ўзликдан кечмоқ шаробини сипқорганлари боис қўрқувдан ҳам, умиддан ҳам ошиб ўтмишлар. Борлиқдан ҳам, йўқликдан ҳам кечмишлар. Кўнгиллари азалу абад хаёлидан холи. Кучга тўлиб, дадиллашганларидан (жами махлуқотни бор этган Ҳақдан – тарж.) кейин пайдо бўлиш дарасидан бир сакрашда ҳатлаб ўтмишлар. Тўрға чиқиб, бош бўлиш савдосини отиб юбормишлар. Қўллик маконини маскан тутмишлар. “Мен”ларию борлиқларидан кечиб, севгилари ила қовушмишлар. Ҳайрон қоларлиси, улар ҳам йўқ, ҳам бор. Ваҳдат аҳли мана шулардир. Булардан бўлмаганлар мудом ўзларига топинганлардир.²

Ҳақ таоло бир қулини яқинлик мартабасига муносиб кўрса, унга боқий лутф шаробини тоттиргай. Зоҳиру ботинидан мунофиқликни аритгай. Ўзидан ўзгаларга бўлган муҳаббатни кўнглига

¹ “Аъроф” сураси, 172-оят.

² Муаллифи номаълум.

солмай, унга сирли иноятлар инъом этгай. Бундай шарафга ноил бўлганлар борлиқ оламининг ҳақиқатига ибрат кўзи била боққай. Барпо этилган санъат асарларида уни бунёд этган санъаткорни кўргай. Тақдир қилинган нарсалар аро қадар соҳибининг ўзига етгай. Энди у қул, ясалган, бебақо нарсалар билан ўралашмас. Унинг учун дунёнинг на бир қиймати, на бир хатари бор. Охират ҳам ҳаёлига келмас. Озуқаси маҳбубнинг зикри бўлгай. Жисми, қуллик этилгувчи зот соғинчида ҳаяжонга тушиб навозиш қилгай. Жони севгили ишқида ёниб эригай. На тортинишга мадори, на эътирозга қудрати қолгай. Бу оламдан сафар қилгач, зоҳирий туйғулари фалак гардишидан ташқари чиқур, барча табиий ҳаракатлардан қолур. Бироқ буларнинг бари – зоҳирда шундай. Ботини соғинчу севгига лиммо-лим. Халқ наздида улар ўликдир, Ҳақ наздида – тирик. Халқ билан тирик бўлгани, Тангри ҳузурида – ўлик. Буюрилишича, бу қуллар оламга раҳматдир. Балолар улар хосиятидан даф бўлгай. Улар халқнинг ҳожатбароридир. Ризқ эшиклари уларнинг баракотлари била очилгай. Мусибат эшиклари эса улар шарафига ёпилгай. Ёмғир мисоли қаерга ёғмасинлар, ўша ерга қут-барака ингай. Улар юриб турган хазина, ҳаёт бағишловчи Хизр чашмасидирлар. Ёмғир заминга ёғса, буғдой кўкаради, мева-чева чиқазади ва яна турли неъматлар униб ўсади. Денгизга ёғса, садафлар марварид ила тўлиб, улардан дуру жавоҳир пайдо бўлади. Маънодаги ҳақиқат тагига етганларнинг баъзилари: “қуруқликдан мақсад – инсоннинг жасади, бадани, суратидир. Улар авлиё суҳбатининг файзи ила безанурлар. Ибодат, тортинмоқ, ёлвормоқ, сақламоқ, шафқат, хайру садақот, масжиду миноралар, кўприк, хонақоҳ,

мусофирхоналар ҳамда дунёдаги барча хайр-ли ишлару булардан бошқа яна турфа нарсалар ўшандоқ қўллар суҳбатидан майдонга келур. Халқ буларнинг барини улардан ўрганган. Денгизга ёғмоғидан мурод – кўнгилларни уйғотмоқ, уларнинг суҳбати ила ойдинлатмоқ, зеб бермоқдир. Жон келинчагини илму маърифат, завқу шавқ жавоҳирлари ила ясантirmoқдир”, дейдилар.

Шеър: Тангри Зоти тазаҳҳурига парда тайин қилинганлар – ул зухурни изҳор айлаган муборақ кишилар, Қоъба қавсайн майхонасидадирлар. Қай бири кунда-шунда бўлмиш нафси ила олишмоқ майдонида, бошқа бири маҳбубни томоша қилмоқ мажлисида. Улар ҳам шаробдир, ҳам сархуш, ҳам йўқ, ҳам бор. Барчалари асл мавжуд Зот азаматида йўқолмишлар. Ёлвормоқ байроғи қўлларида. Жисмлари Одам пайдо бўлганидан буён бор. Номлари олам ниҳоясига қадар сўнмагайдир. Улар сукутдалар. Жонданам сирлироқдирлар. Юзларида заҳарханда бўлгани билан, бодданам тотлироқдирлар. Фано юкхонасида жонларини сотиб, мислсизлик хонақосида хирқа киймишлар. Уларнинг бари йўқликка фарқ бўлиб лол қолганларидан Ўзидан ўзга топиниладиган маъбуд бўлмаган Оллоҳ жамолида ғойиб бўлмишлар. У ёқда юриб бораётган бир нур кўрдим. Мисоли бир оҳ каби самода югургилаб кетаётганди. Ўша элдан тамомила олисларга илгариларди. Хирқалари нурлар чулғовида порлаб турарди. Мен ҳам ўша йўлга тушмоқ истадим. Улар билан йўлдош бўлмоқ орзусига илиндим. Ҳам эгри-бугри, ҳам теп-текис ўша сафдан бир ошиқ чиқиб ёнимга келди. У бир сўз демасдан нишонга уриб сўз сўзларди. Қўли билан менга тегиниб: “Сен шу ерда тўхта. У жой сенинг борар еринг эмас. Лекин сен, барибир, унинг ёни-

га учавер. Чунки ипнинг учи ҳануз суратнинг қулида”, деди.¹

Ва ниҳоят, кўнгил гўшаси эшигини қокдилар. Кўнгилларида Оллоҳдан ўзга неки бор – барини чиқазиб ташладилар. Жаннату жаҳаннам, жисму жон ва яна бунинг каби нарсалардан бош тортдилар. Бироқ Ҳақни исташдан воз кечмадилар. Шундай бўлгач, уч нарса ҳосил бўлиб ўртага чиқди: истаган, истак ва исталган. Бу мақомга эришгач, кўрдиларки, борлиқлари гарданида насороларнинг “Оллоҳ учтанинг биридир”² зуннори бор. Улуғлик пардаларидан “Ундай деманг!” хитобини эшитдилар. Кўзу кўнгилларини шу қадар қовуштирдиларки, истаган ила истак йўқолди. Фақат исталган, бирон ўхшаши бўлмаган мутлақ – ягона Оллоҳ қолди.

Шеър: Ўша шаробни ичдим, жон унинг қадаҳидир. Ул шароб-ла сармаст бўлдим, ақл телбавор бўлди. Бир олов келиб ўраб олди мени, куйдирди. У шундай шамки, қуёш унга парвона бўла қолди.³

“Оллоҳ кўксини Ислому учун кенг қилиб қўйган кимсага ким баробар бўла олади?”⁴ машриғидан Ҳақ таоло буюклигининг азим моҳияти порлаб жўша бошлагач, ул қутлуғ қуёш бош кўтариб кўрингач, на туйғу қолур, на хаёл. На ваҳм қолур ва на ақл.

Шеър: Эй вужуд, ул йўлга чиқадиган оёғинг йўқ бўлгач, югурганинг нимаси? Эй кўнгил, ул гўзалнинг манзили маконини билмагач, излаганинг нимаси? Бир-бирига зид, ёт йўлларда юрган йўлчилардан сенга не наф? Сен-чи, тўрга илина – ёлғон йўлни дея, чорраҳада тўхтаб қолибсан. Ошиқ

¹ “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ” вазнида, муаллифи номаълум.

² “Моиди” сураси, 73-оят.

³ Муаллифи номаълум.

⁴ “Зумар” сураси, 22-оят.

эсанг, куфру иймонни бир бил. Ул ягона назар, ягона билим ақлга кўра гўзал ва хушдир. Сен – жонсан, шундай бўлиб ҳам ўзингни жисм сана-япсан. Сен сувсан ва лек ўзингни кўза деб ўйла-япсан. Ҳар нени изламагунча тополмайсан. Аммо бу дўст ундай эмас. Уни топчагунингча излай ол-майсан. Яхшиликча англа, сен У бўлолмайсан. Ле-кин ўртадан йўқолсанг, У сенсан. ¹

Одам болалари аввал нутфа, кейин лахта қон, сўнгроқ эса лаҳм парчаси ҳолига келди. Тангри таоло раҳим малагини она раҳмига маъмур айлаб, унга сурат бер, дея амр этди. Ҳалиги малак Лавҳул маҳфуздан унга тайин қилинган шакл, суратни олиб, шунга кўра раҳимнинг ташқи тарафидан Ҳақ таоло буйруғига биноан шакл бера бошлади. Сурат солиб бўлгач, улуғ Оллоҳ: “Эй малак, энди боравер, бизнинг у билан яширин ишимиз бор”, дея буюрди. Шундан сўнг унга жон ато этди. Жон надир, уни ҳеч кимса билолмас. Кейин эса ризқи, саодатли ва ё бахтсиз бўлмоғига кўра қиладиган амалларини ёз, деган буйруқ келди.

Тангри Одамни яратгач, жонга: “бошга кир!” дея амр этди. Жон лой ҳолидаги бошга кириб, гўшт, суяк ва терига сингиб кетди. Одамнинг бо-шидан ўзга бутун тани лой эди. У кўзини очгач, барча лутфу карам Ҳақдан эканлигини билмоғи учун жисмини унга лой ҳолида кўрсатди.

Ҳикоя қилишларича, Исроил ўғиллари ораси-да Азим деган бир киши ўтган экан. У кунлар-дан бир кун бузғунчилигу ёвузлик уяси бўлмиш маконини ташлаб, ялангликка томон одим отди. Маълум ерга бориб кўрдикки, бир жамоа минг ма-шаққат ичра заҳмат чекиб экин экибди. Ниҳоят, экинлар униб-ўсиб, ҳосил пишиб етилибди. Шунда

¹ Ҳаким Санойй. Девон.

ҳосилни териб олиш ўрнига ҳалиги жамоа экинларнинг барини ёқиб юборибди. Азим ўз-ўзига, шундоқ тушум – фойдани ёқиб юборишга қандоқ қўллари борди, дея ажабланибди. У ёқдан ҳайрат ичра чиқиб, бошқа ёқда бир оролга дуч келибди. Биттаси у ерда бир тошни кўтармоққа зўр бериб уринар, бироқ ўрнидан силжитмоққа-да кучи етмай турарди. Шу пайт тўсатдан бошқа бир тошни келтириб, ҳалиги тошнинг ёнига қўйибди. Бу сафар икковини бирдан кўтармоққа жаҳд этган экан, тошлар бироз қимирлабди. Азим: “Ё, пирай, бу ёғи қандоқ бўлди? Битта тошни ўрнидан жидиролмагани ҳолда, унга иккинчисини қўшиб ишини оғирлаштиргани нимаси? Энди уларни қандоқ думалатади?” дея лол қолибди. Шунда ҳалиги одам бориб учинчи тошни ола келиб, аввалги иков тош ортига қўйибдию учовини кўтариб йўлига равона бўлибди. Азим бу кўрганларидан тонг қолиб, йўлида давом этибди. Юриб бораркан, бир қўйга кўзи тушибди. Беш киши қўйни қўриқлаётган экан. Улардан бирови қўй устига миниб олган, наригиси қўйни ортқилаб олган, бошқаси қўй елинига ёпишиб, уни соғиш билан овора, яна бири қўйнинг шохларини, бошқа бири қўйруғини ушлаб турарди. Азимда савол сўраш ихтиёри йўқ эди. Шу янглиғ кетиб бораркан, урғочи кўппакка рўбару келибди. Ит ҳомиладор, ҳали туғилмаган кучукваччалар эса онаси қорнида ҳуриб ётишарди. Азим ўз-ўзига: “Нақадар ғалат ҳолларни кўрдим”, дея, ниҳоят, юра-юра бир шаҳар дарвозаси олдида тўхтабди. У ерда дуч келган мўйсафиддан: “Йўлда ақл бовар қилмас ҳодисаларнинг гувоҳи бўлдим”, деб уларнинг ҳикматини сўрабди. Мўйсафид: “Неларни кўрдинг?” дебди. “Экин эккан бир жамоани кўрдим. Улар экинлари етилганига қа-

рамай, барчасини битта қўймай ёқиб юбордилар”, жавоб берибди Азим. Мўйсафид: “Бу – улуг Оллоҳнинг сенга кўрсатишни истаган ибратидир. Улар шундай жамоаки, қуллик амалларини бажо келтириб, ибодатлар қиладилар-да, сўнг тақиқланган амалларга ўралашиб қоладилар. Тангри таоло: “Биз улар қилган ҳар бир (яхши) амалга келиб уни сочилган тўзон (каби) қилиб қўйгандирмиз”,¹ дея буюргани каби уларнинг қуллигу ибодатларини йўққа чиқаради. Бошқа яна нималар кўрдинг?” деб сўрабди. Азим: “Бир одамни кўрдим. У якка тошни кўтармоқ истар, аммо минг уринмасин, уҳдасидан чиқолмай турарди”, дея кўрганларини батафсил сўзлаб бергач, мўйсафид дебди: “Бу одам мисоли гуноҳ қилиб уни аввалига кабира санаган ва унга таҳаммул эта олмаслигидан кўрққан кимсага ўхшайди. Шу надомат туйғуси ила яна гуноҳга йўл қўяди. Бу галги гуноҳи энди унга енгилроқ бўлиб туюлади. Чунки тош иккитага етади. Ниҳоят, уларни ўрнидан силжита бошлайди. Биринчи тош ёлғиз бўлганлиги боис, уни ақалли ўрнидан қимирлата олмаётганди. Шундан сўнг учинчи гуноҳга қўл уради ва бундан буён бу хил ишлар унинг учун осон кеча бошлайди. Азим: “Эй муҳтарам зот! Йўлда келаётиб, бир қўйни ҳам кўрдим”, деб бу воқеани ҳам айтиб берибди. Мўйсафид: “У қўй дунёга ўхшайди. Устига минганлар подшоҳлар, опичлаб олганлар эса одамлардан тиланиб юрадиган йўқсиллар. Қўйруғидан тутганлар – иши ниҳоя топиб, ажали етган, умрининг жуда оз қисми қолган одамга қиёс”, дебди.

Байт: Намунча, кийим-бош дардида югурмасанг? Қайдан биласан, балки ўша кийим-бош ўзингга кафан бўлар.²

¹ “Фурқон” сураси, 25-оят.

² Ҳаким Санойӣ. “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ”.

Қўй шохларини тутиб турганлар дунёда не-не машаққатларга учраб, унинг захрини тотган кишилардир. Елинига тирмашиб сутиня соққанлар бадавлат, катта-катта сармояга эга мансабдорлардир”. Азим кейинги ҳикояни сўзлаб берибди “Бир урғочи кўппакка дуч келдим. Қорнидаги болалари ҳали туғилмасдан ҳурмоқда эди”. Мўйсафид: “Бу бемаврид сўз сўзловчилар тимсолидир. Улар ҳам айна кўппак болалари каби оналаринини қорнидаёқ саннаб ётадилар”.

Рубойи: Эс-ҳушинг жойида бўлса, кўзинг кўрса, тилингни бериб бошингни қиличдан сотиб ол. Сўзловчи тилга даъво этмагани учун унинг балиқнинг бошини кесмаслар.¹

Азим: “Эй муҳтарам зот, айтганларингнинг ҳикматини англадим. Энди менга фалон фоҳиша аёлнинг уйи қайси маҳаллада эканини айт, уйини кўрсатиб юбор. Айтишларича, у бағоят гўзал эмиш. Мен унга соҳиб чиқмоқ умидида келганман”, дея асл мақсадига ўтибди. Мўйсафид уч бора Азимнинг юзига тупуриб дебди: “Эй, бадбахт! Сенга ўтит берилади, қулоқ осмадинг. Ибратлар кўрсатилади, парвос қилмадинг. Мен мўйсафид эмас, жон олувчи ўлим фариштаси – Азроилман. Сенга мўйсафид қиёфасида кўриндим, холос. Энди Тангрининг амри ила биҳ қултум сув ичмоғингга ҳам фурсат қолдирмай жонингни оламан”. Азимнинг ранг-рўйи зумда оқариб вужудидан тер қуйила бошлабди. Ўлим малаги эса ўша он оламлар Роббиси фармонига биноан унинг жонини суғуриб олибди.

Қасида: Эй, мол соҳиби бўлганлар, ибрат олинг. Ибрат! Эй, сўз соҳиби бўлганлар афв тиланг, афв! Эй, насиҳатларга қулоқ осажак кўнгиллари қораймиш кишилар, улги олинг! Эй, соқоллари оқарган-

¹ Жалолиддин Румий.

лар, маъзур тиловчи жон сўз сўзлаш салоҳиятидан, кўрмоқдан ибрат олгувчи кўз кучдан қолмасидан бурун тавба қилинг! Дунёдан не-не подшоҳлар ўтдилар. Уларнинг салтанат осмонларидан отилган ўқлар Хулкар юлдузини мавҳ этар, найзалари жавзо буржидан ошарди. Бир боқиб кўринг, энди ўлим қўлидан ҳисоб-китоб томон бурилмишлар: ўқлари икки букик, найзалари парча-парча. Сенда ҳам ҳайвон, ҳам шайтон, ҳам раҳмон сифати бор. Қай биридан эсанг, ҳисоб куни ўша сафда бўлурсан. Ҳақиқатга тик боқиб кўр: Исрофилнинг сури чалиниб, оламни зилзила тутгач, хуш одобу гўзал юзинг нари кетиб, ўрнига расво одатларинг майдонга чиқади.¹

Маснавий: *Борлигингда қайси одат устун эса ўша одату сурадингга мувофиқ тақдирланишинг вожибдир.*²

Аммо сўз ҳақиқатан тавба қилган, такрор гуноҳга ботмаган қулга келгач: “Оллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик – гуноҳларини яхшилик-савобларга айлантириб қўюр”.³ Қайси тужжор бундан-да зиёд фойда олиши мумкин? Ахир, қулнинг гуноҳи ибодатга эврилмоқда, жафо – вафо расмини киймоқда. Оллоҳнинг элчиси (Раҳмат ва салом бўлгай!) шундоқ буюрди: Биттаси бепоён чўлга бориб, истироҳат муродида туясини боғлади-да, ўзи заминни тўшак, қўлларини болиш қила андак уйқуга толди. Уйғониб қараса, туяси йўқ! Озуқаю кийим-боши туянинг устида эди. Туя ҳаммасини ўзи билан олиб кетибди. Дам ўнгга, дам чапга чопиб, ҳеч қаёқдан туянинг ақалли изини бўлсин тополмабди. Энди бу ерларда ҳалок бўлиб кетаман,

¹ Ҳаким Санойй.

² Жалолиддин Румий.

³ “Фурқон” сураси, 70-оят.

дея қайғуга чўмибди. Бир маҳал туя ғойиб бўлган жойга келиб қараса, туяси қайтибди! Инсон мана шунақа нарсаларга севиниб юради. Туя жиловияна аввалгидай хожасининг қўлига ўтибди. Ҳалиги одам хижолатдан юзини туянинг юзларига босаркан, нашъаю фараҳдан Ҳаққа эркалик қила бошлабди: “Оллоҳим, сен менинг қулимсан, мен сенинг Роббинг”. Севинчи осмон, қувончи дoston экан, “Оллоҳим сен менинг Роббимсан, мен сенинг қулингман”, дейишнинг ўрнига ўшандоқ янглиш гапларни айтиб юборибди. У, аслида, бундай демокчи бўлмаган. “Оллоҳим сен менинг Роббимсан, мен сенинг қулингман” илтижосини кўнглида шу маъно айлангани ҳолда ҳайрати ичига сифмай бошқача ифодалаб юборган. Шу аснода Оллоҳ элчиси (Салом ва салот бўлгай!) марҳамат этди: “Тангри таоло осий бандасининг тавбасига туясини топиб қувонган одамнинг севинчидан кўпроқ севинади. Ҳақнинг тавба учун севинмоғининг маъноси шуки, қул бир нимага шодланса, у нарсани устун кўради. Шунинг боисидан тавба қилган қул ҳам Улуғ Оллоҳ наздида бағоят устундир. Қул гуноҳга ботганига қарамай, бу гуноҳ уни жаннатга олиб бориши ҳам мумкин”. “Қанақасига, ё Расулуллоҳ”, деб сўрашди. У гуноҳ қулнинг хаёлидан нари кетмай, ҳар лаҳза пушаймонлик сари етаклайверади ва қул тавба қилади. Бу надомат ҳисси, ниҳоят, уни жаннатга мушарраф этади. Биттаси қиёмат куни гуноҳ дафтарини кўриб жаҳаннамга равона бўла бошлагач, унга дафтарнинг нариги тарафини ҳам ўқигин, деган овоз келади. Ўқиб қараса, бошдан оёқ ибодат, бошдан оёқ комил бандалик! Бунинг боиси Носух тавбаси каби тавба қилганидадир.¹ Тангри таоло шунинг учун унинг гуноҳла-

¹ “Таҳрим” сураси, 8-оят.

рини итоат – ибодатга айлантириб қўйган. Қумни Халилulloҳга ун қилиб, темирни Довуд учун юмшатиб бўйинсундирган, лойдан Исога қуш яратиб, ҳайз қонини ҳомилага озуқа этган Оллоҳнинг, бу оламда гуноҳларни итоату ибодатга айлантириб қўйишга ҳам қудрати етади. Мустафо (Оллоҳ раҳматига олсин!) деди: Муқбили Таммор исми хурмо сотувчи бир киши бор эди. Бир куни бир аёл хурмо истаб, унинг дўконига келди ва бир-биридан сара хурмоларни кўрди. Сотувчи: “Дўкон ичида тағинам яхшилари бор”, дея аёлни ичкари чорлади. Аёл киргач, Муқбил ундан бўса олди ва рўмолига чанг солди. Аёл унга қаршилиқ кўрсатганча: Гуноҳга ботиб, Тангрига осий, синглинг тенги аёлга эса хоин бўлдинг, деб оҳ урди. Ҳикоядан мақсад, Муқбил эмас, ўзингдан қолар гап йўқ, гуноҳнинг дармони надир, қандай чора ахтармоқ зарур каби масалаларга жавоб изламоқдир. Муқбил қайта гуноҳ қилмасликка тавба қилгач, оят тушди: “Улар қачон бирон-бир нолойиқ иш қилиш билан ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Оллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишни сўрайдиган, – ҳар қандай гуноҳни ёлғиз Оллоҳгина мағфират қилур – билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир”.¹ Бошқа бир жамоат бу оят гўрков Беҳдул ҳақида келганини айтадилар. Жобир (Оллоҳ ундан рози бўлсин!)нинг ривоят қилишича, ансорлар ичида бир ёш йигит бор эди. Исми Абдураҳмон ўғли Салаба бўлиб, пайғамбарга хизмат қилар эди. Кунларнинг бирида ансорлардан бирининг эшиги олдидан ўтаркан, кўзи ювинаётган аёлга тушди. У ерда туриб, аёлни томоша қила бошлади. Баногоҳ кўнглига Тангри таолодан мен ҳақимда пайғамбарга ваҳий туш-

¹ “Оли Имрон” сураси, 135-оят.

са-я, деган андиша қўниб, шахват била боққанидан пушаймон бўлди. Номус қилиб, Мадинадан чиқди. Макка ва Мадина оралиғидаги бир тоғда қирқ кечаю қирқ кундуз кўз ёш қилиб ёлворди. Пайғамбар уни сўраб-суриштирмоқда эди. Шу қирқ кун ичида ваҳий келмади. Ҳатто кофирлар: “Уни Робби тарк этди”,¹ дейишди. Дарҳол Жаброил келиб: “У қул, жаҳаннам оташидан Оллоҳга фарёд этмоқда”, дея хабар берди. Пайғамбар (Салом бўлгай!) Ҳаттоб ўғли Умар ила Салмон Форсийни (Оллоҳ ҳар икковларидан рози бўлсин!) менга Салабани олиб келинглар, дея юборди. Икковлари Мадинадан чиқиб, қўй боқиб юрган чўпонлардан Салабанинг дарагини сўрадилар. Улар: “Сиз сўраган киши қирқ кундан буён афсус-надомат ичра “кошки, мавжудотлар аро қиёмат куни жоним менга узатилмасайди, йўқ бўлиб кетсайдим”, дея йиғлаб-сиқтамоқда”, дея даракладилар. Тоққа боргунларигача оқшомнинг бир қисми ўтиб бўлган эди. Салаба тоғдаги қўналгадан чиқиб: “Кошки руҳлар ичра менинг руҳим, жисмлар ичра жисмим йўқликка гирифтор бўлсайди”, дея фиғон чекарди. Умар уни топгач: “Гуноҳлардан қутулмоқ қачон, Ё Умар? Мени Пайғамбарнинг ёнига ул зот намоз қиларкан ёхуд Билол иқомат этаркан олиб бор”, дея ёлворди. Пайғамбарнинг Қуръон ўқиётганини эшитибоқ Салабанинг ҳуши бошидан учиб, ерга йиқилди. Пайғамбар намозни тугатиб, Салабанинг ёнига борди. Салаба Пайғамбар нуридан ўзига келиб, жонланди: “Эй Оллоҳнинг элчиси! Гуноҳга ботиб унинг ортидан тортган қайғу ва ҳаё туфайли қочдим”. Пайғамбар: “Ҳозир сенга бир оят ўргатаман. Қул шу оят сабаб афв этилгуси!” деди. “Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам

¹ “Ваз-зуҳо” сураси, 3-оят.

яхшилик ато этгин, охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асрагин”.¹ Салаба: “Менинг гуноҳим бундан-да оғирроқ”, деди. Пайғамбар: “Оллоҳнинг каломи ундан ҳам буюкроқ”, дея марҳамат қилди. Салаба уйига бориб, уч кечаю уч кундуз намозда гирён бўлди. Пайғамбар хабар олгани унинг ҳузурига келди-да, бошини тиззаларига олди. Унинг гуноҳидан ўтдик, деган фармон келганини эшитиб Салаба ўша он дорилбақога ҳижрат қилди. Унга жаноза ўқидилар. “Албатта, биз Оллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У зотга қайтгувчилармиз”.²

Рубой: Дунёни ёққан қиёмат кунидан кўрқ, қалбларга ўрнашган қасос ўқларидан кўрқ! Эй, ҳирс кечаси узоқ уйқуга толган, ажал сабоҳинг оқарди, кундуздан кўрқ!

Рубой: Бир мактуб ёздим, аммо кўнглим азоб ичида. Қалбим ризолик чўғи узра айлана ғам-ғуссага ботган. Ўлим айрилиқ сабаб кўп оғир нарсa, деб билардим. Сиздан айрилмоқ, менингча, бисёр оғир, бисёр оғир...³

Муҳаммадга ва ул зотнинг қадри буюк аждод-авлодларига раҳмат ёғилсин!

¹ “Бақара” сураси, 201-оят.

² “Бақара” сураси, 156-оят.

³ Жалолиддин Румий.

ОЛЛОҲ ИРФОНИНИНГ НУРИ ИЛА БИЗНИ НУРАФШОН АЙЛАСИН! МАВЛОНО БАЁНОТИДАН

БЕШИНЧИ МАЖЛИС

Ҳамд – ҳар мавжудотнинг аввали Оллоҳга. Унинг буюклиги ҳақини на бир ҳукм чиқариб, йўл-йўриқ кўрсатувчи, на бир шижоат – жаҳд этувчи адо қила олур. Ҳамд – ҳар борлиқ Ундан сўнг мавжуд бўлган Оллоҳга. Ҳар мавжудот Унинг улуғлик остонасига бош урар. Ҳамд – Қудрату Ҳикмати ила тазаҳҳур этмиш Оллоҳга. Оқилларга далиллари аниқ-равшан кўрингуси. Уни ҳеч бир мункир инкор этолмас. Ҳамд – ул зоти ила зуҳур этмовчи Оллоҳга. *“Осмонлар ва заминда қарор топган ҳар зарра унинг бирлигини ёйғувчи ва унга гувоҳлик этгувчи бир байроқдир”*.¹ Кўк юзи – қуббаи соябони, ер юзи – гилами майдони. Ётиқ тизилган ер ҳовузи пойандози. Чиндан ҳам орифларнинг кўнгиллари Унинг тўплари, қазою қадари эса чавғони. Жаннат раҳматидир, жаннат соқчиси – Ризвони. Жаҳаннам амири – зиндонбони, жаҳаннамнинг ўзи – зиндони. Қиёмат энг улкан девони, зулмлар сўроқ қилингувчи энг улуғ маҳкамаси. *“Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисоличалик яхшилик қилса, (қиёмат кунда) ўшани кўрур. Ким зарра мисоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур”*² ҳукми Унинг ўлчову мезони. Унинг мада-

¹ “Ҳадид” сурасининг 3-ояти тавсири.

² “Залзала” сураси, 7-8-оятлар.

ди бутун оламларни қуршаб олмиш. Кимки Унинг васфлари денгизига тушса, бўғилур – қолмас нишони. Ким Унинг улуғлик майдонида елиб-юурса ҳориб, бели букилур – синар аркони. “У зот ҳар куни иш-амалдадир”.¹ Энди Унинг буйруқларига зид ҳаракатлардан чекинмоқ фурсатидирки, будир шони. Ул зот пайғамбаримиз Муҳаммадни юбормиш. Унга Оллоҳнинг салом ва салоти бўлгай! Азалий кўмак унинг билим сармояси. Ойнинг ёрилиши² ишорати. “Албатта, кофир бўлган кимсалар эслатма – Қуръонни эшитган вақтларида сизни кўзлари билан йиқитаёзурлар”³ ояти назар – ёмонликдан қўрувчи қўрғони. “(Пайғамбарнинг) кўзи (ўнгу сўлга) оггани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ”⁴ ояти ҳиммату рутбаси. Унинг учун дунё йўқ бўлиб, охират қолмиш. Робби унинг маъбуди, маъбуди-чи, мақсуди. Оллоҳ унинг мададкори, Жаброил – хизматкори. Буроқ уловидир, меърож йўлчилиги. “Ўшанда нилуфарни ўраган нарса (яъни Оллоҳ таолонинг файзи илоҳийси) ўраб олган эди”⁵ ояти – мақоми, Қоъба қавсайн⁶ – тилагу мароми. Сиддиқ унинг ошиғи, ундан файз олур. Форуқ эса – адолати, азму қуввати. Зин-нурайн куёви – содиқ дўсти. Муртазо эр кишидир, ҳам қиличу қудрати. Уларга Оллоҳнинг ризолиги, саломи ёғилгай!

Муножот: Эй, подшоҳ! Зотинг безавол, ато этган давлату салтанатинг эса сўнгсиз. Сенга ҳануз бирон хизмат қилмасимиздан Сени танимоқ мулкени ҳадя қилдинг бизга. “Дарҳақиқат, Биз Одам

¹ “Раҳмон” сураси, 29-оят.

² “Қамар” сураси, 1-оят.

³ “Қалам” сураси, 51-оят.

⁴ “Ва-н-нажм” сураси, 17-оят.

⁵ Ўша сура, 16-оят.

⁶ Ўша сура сураси, 9-оят.

болаларини азиз-мукаррам қилдик”¹, деб буюрилган олтин тожни Сенга ҳеч қандай итоатда бўлмасимиздан тақдинг бошимизга. Сенга шукр қилмай, гуноҳга ботганимиз боис ул тожни қаҳр ғорати ила олма бошимиздан. Фанимимиз Иблис бизга қасддан ялтоқланиб, айланиб юрибди теграмизда. Огоҳдик либосини, кўзларимиз нури – кўрмоқлик либосини эғнимиздан ечмоқ, бошимиздан битта қўймай чиқазмоқ илинжида чоралар излаяпти. Эй, дўст-ағёрни яратган! Қулларингни унинг ёвлигига ром этма! Улуғ нур соҳиби Пайғамбаримиз шафоатчи дўстимиздир. Ул зот шафоат камарини белига боғлаган кўйи умматлари азоб оташидан соғ-саломат ўтиб олишлари учун сиротнинг бир учида кутмоқда. Сен ул олам қуёшию Одам болаларига раҳмат этиб юборилган зотни бизга ҳимоячи қил! Ўзинг гуноҳларни яшириш сифатинг-ла гуноҳларимизни хуфия тут-да, унинг (Муҳаммаднинг – тарж.) олдида уятга қўйма! Эй подшоҳ, амрингга итоат этганларга савоб тухфа этишдан сенга ҳеч зиён келмас. Гуноҳкорларга азоб беришдан ҳам бирон наф йўқ сенга. Муҳаббат оташи ила ёниб, қон бўлган бағирлар ҳаққи бағирларимизни абадий ҳижрон олови ила ёқма! Нимаики истама – барига қодирсан! Биздан қанча ранжисанг, шунча лойиқмиз. Сенинг фазлу иноятингдан ўзга бир ҳийла, бир чора мавжудлигини билмаймиз. Эй, чорасизлар чораси! Эй, қай сори кетмоғини билмайдиганлару борар жойи бўлмаганлар меҳроб-би! Боқий лутф соянгни сол бошимизга! Дўстлари кўнгилларини тавҳид марвариди садафи мисол безаган ва ҳар ким, ҳар нени қамраб олиб неъмат ато этгувчи зот, бизлардан неъматларингни дариф тутмагин-да, ул неъматлар-ла оро бер! Кўнгил са-

¹ “Ал-исро”сураси, 70-оят.

дафимизни йўқлик қўлига топширма! Бизни келиб-кетувчилар олдида расво этма! Ахир, олам сенинг ироданг туфайли ҳаракатда. Само сенга қуллик этмоқда. Осмону заминда неки бор, барига қаҳр этиб юрганлар, Сенга келгач, ўзлари қаҳрга дучор бўдилар. Рушно юлдузлар сенинг нурингга тиланчилик қилмоқда. Подшоҳу султонлар сенинг беҳожат давлатинг закоти ила кун кўрмоқдалар. Ахир, ўзинг эмасми, бизга бундай давлат дарагини эшиттирган? Энди бизларни бу давлатдан маҳрум қилма. Дудоғимизга тутган шаробинг бўйидан бе-насиб этма! Бизни борлиғимиздан халос айла, бизда борлиқдан нишон қолдирма.

Байт: Эй соқий, ишқ шаробидан узат! Шундоқ узатгинки, ақл лофи даф бўлсин!¹

Жон зарралари Аласт куни ул шаробни ичганида сармастларча “бало экан!” деганди-я!² Ул шароб ила қадаҳимизни тошгунга қадар тўлатиб, мингларча тушунчаю васваса қўлидан ол бизни.

Рубоий: Эй соқий, азалдан сунган ул шаробингдан икки катта сағроқ сунгин-да, орттир нашъамизни. Ёки ул шаробни оғзимизга тутмаслигинг жоиз эди. Модомики узатдинг, батамом сархуш этиб, ер билан битта қилмоғинг керак бизни.³

Оламу одам аввали, энг устуну солиҳи, инсу жинс пайғамбари, икки олам сарвари, оламларга раҳмат, Одам болалари ифтихори бўлмиш Зотнинг асарлари хуш хабарларидан бири ила мажлисни бошласак: *“У шундай мавжудотки, борлигининг қуёши лой маширигидан бош кўтармасидан аввал зиёсининг ёғдулари субҳ мисоли оламини нурга гарқ айламишди”*. Иттифоқо, ҳикоя

¹ “Хадийқат ул-ҳақойиқ” вазнида, муаллифи номаълум.

² “Аъроф” сураси, 172-оятга ишора.

³ Муаллифи номаълум.

қилишларича, Мустафога ҳануз пайғамбарлик ну-
зул этмасидан бурун Маккада очарчилик бўлди.
Кофирлар: “Бизга раҳмат эшиги ҳалқасию қазою
қадар дарвозасини қоқа оладиган бир одам дар-
кор. Очарчилик халқнинг тўзонини ҳам совурди.
На ҳайвон, на бир ўсимлик ва на инсон қолди.
Ҳадемай, барчамиз қирилиб йўқ бўлиб кетамиз”,
ҳадигида чора истаб Абдулмутталибнинг ёнига
бордилар. Абдулмутталиб: “Менинг на осмонга,
на заминга юзланиб ёлворажак юзим бор. Бироқ
манглайимда Аднанда қарор топиб, ундан Абду-
манноф камарига ўтган ва Абдуманнофдан бир
муддат Абдуллоҳга узатилган шундай нур бор эди-
ки, Абдуллоҳ уни омонат этиб, Оминага таслим
айлади. Энди ул нур зуҳур оламига келгандир.
Уни олиб келинглар, унинг ҳурматига Ҳаққа дуо
қилиб, сўрайдиганимизни сўрайлик. Шояд унинг
юзи шарофати ила муродимиз хосил бўлса”, деди.
Муҳаммадни олиб келдилар. Абдулмутталиб уни
кўриб, ўрнидан қўзғалди ва бағрига босди. Уни
етақлаб тўрга ўтказди. “Бу болани нечун тўрга ўт-
каздинг?” деб сўрашди. “Тўғри, зоҳиран тўрда мен
ўтиришим керак. Аммо “ботин тўрида у сендан
мукаррам, бу унинг ҳақи” дейишмоқда”. Ундан
сўнг Абдулмутталиб қуллар шаҳзодаларни қандай
силаб-сийпалашса, ўшандоқ Муҳаммаддан айла-
ниб-ўргилиб Каъбага олиб борди. Уни дам ҳавога
отиб, дам тутиб ўйнатаркан: “Ё Роббий, бу Сенинг
қулинг Муҳаммаддир”, дея ўзига сиғмайин йиғлай
кетди. Бемисл лутф энагаси марҳаматга келди –
иноят денгизи тошиб пишқирди. Заминдан бир
буғ кўтарилиб самога учди-ю, булутнинг кўзига
етди. Ёмғир ёға бошлади. Атроф-жавонибдаги қу-
дуқлар, чуқурлар тўлди. Ўсимликлар сувга қонди.
Ўлган олам қайта тирилди.

Болалигиданоқ қутлуғ зоти сабаб бутга топинган кофирлар балодан қутулиб қолганлари ҳолда, ул қиёмат шафоатчиси бир кун шафоат камарини белига тақиб ёрлақашга киришса, ниҳоясиз, чеку чегарасиз раҳмат қандоқ қилиб иймон эгаларини дарду бало ила ёлғиз қолдирсин?

Баланд мартабаси ҳақда андак эшитиб турганингиз улуғлар улуғи (Муҳаммад (с.а.в.) – тарж.) шундоқ буюргандир: “Илм кўнгишлар ҳаётидир. Қуллик ва ибодат гуноҳларга кафоратдир. Инсонлар икки тоифа бўлиб, бири – халқни етиштириб ўстирган Ҳаққа мансуб илмни кишидир. Иккинчиси – халос бўлмоқ умидида тадбир олиб бир нималар ўрганмоқнинг – илмнинг кетига тушган кимсадир. Мазкур икки тоифадан ўзгаси ҳайвонларнинг юз ва кўзларига қўнувчи митти пашшалар мисолидир. Жаннат боғларида кезинг, сайру саёҳат этинг. Жаннат боғлари надир, деб сўрадилар. “Зикр ҳалқаларидир”. У ерларда кезиб, сайр этмоқ надир, дея сўрадилар. “Дуога ўзни бермоқ, дуо қилмоқдир”. Кимки илмни ва олимларни севса, унинг янглиш ишлари ёниб-кул бўлиб, йўл қўйган кичик гуноҳлари зинҳор дарж этилмайди”. Оллоҳ элчиси ҳақ гапни айтган.

Коинот пайғамбари, мавжудотлар аълоси (Оллоҳнинг салом ва салоти бўлгай!) айтадики, кўнгишнинг ҳаёти илм била мумкиндир. Англамоқ тирикликдир. Англамсизлик – ўлим. Башарти, қўлинг иссиқ-совуқ, ярани сезмаса, қўлимда хайр йўқ, қўлим ишламай қолди, дейсан. Модомики, кўнгил қўли кўзани ол, дея буюргудай бўлсаю қўлнинг бир узри, дарди бўлиб, унинг амрига бўйинсунмаса, у қўлни ишламай қолибди, демайдилар. Чунки кўнгилнинг амрини тушунмоқда. Унинг буйруғини бажаришни истамоқда. Фақат дардидан

тамомила қутулмоқ фурсатини кутмоқда. Аммо кўнгил амридан беҳабар, унинг гаплари қулоғига кирмай иссиқ-совуқ, олов ёхуд яра сезимларидан кўнгилни хабардор этмаган қўл ўликдир. Шунга ўхшаб, ибодат тафтининг асари надир, гуноҳ қилмоқнинг-чи, Ҳақ озорига йўлиқмоқнинг таъсири қандокдир каби саволларни билмаган одамнинг ҳам аҳволи ўлик қўлга қиёс. У инсон зоҳиран одамдир, аслида эса йўқдир. Кўрганинг бордир, боғу бўстонлар бошига қоратқи тиклайдилар. Уни кечаси кўрган киши боғни одам қўриқлаяпти, деб ўйласин учун ўрнатадилар. Аммо у, одам бўлармиди? Кун ёришгач, уни кўриб одам эмаслигини англайдилар. *“Улар ўзлари кўрмаган ҳолларида сизга (боқиб) турганларини кўрурсиз”*.¹ Сен нафс, ҳою ҳавас зулумотидан чиққан кўйи, кўнгил сабоҳи зиё таратган ерга кириб, қалб нури ила боқсанг, халқнинг сероб қисмини дин боғидаги қоратқи эканлигини кўрасан.

Рубоий: Майдон кенг, аммо майдонда жавлон уражак эр киши йўқ. Оламнинг аҳволи (доим ҳам – тарж.) кўрингани каби эмас. Зоҳиран эранларга ўхшайдилар-у, аслини сўрасанг, мусулмонликдан асар ҳам йўқ.²

Ўзидан паноҳ сўраймиз. Сўнг суюкли пайғамбар: “Қуллик ва ибодат гуноҳларга кафоратдир”, дейди. Яъни покиза амаллар ёмон ишларни маҳв этиб, тозалайди. Мисол учун, сен: “Фалончи мен ҳақимда шунақа-шунақа ифво тарқатди ва мана бунақа душманлик қилди, деб ўйлаб юрасан, га-забланасан, уни калтаклаб, зиндонга ташлайман ҳали”, дейсан. Ногаҳон ўша кун сенга бир яхшилик қилгудай бўлса: “Оғиримни енгил этиб,

¹ “Аъроф” сураси, 198-оят

² Муаллифи номаълум.

мен туфайли фалончини савалади. Бундай дўстни хафа қилиш дуруст эмас. Ҳалиги хатони билиб туриб қилмагандир, ахир”, дея ғазабинг тарқайди ва кечирим сўраш тараддудига тушасан. Энди айт-чи, энг комил лутфу эҳсон эгаларидан-да юксак фазлу иноят соҳиби Тангри таоло ҳам ёмонлик ва нифоққа қарши узрхоҳлик учун қулларига ибодат қилишни буюриб, уларга қуллик амалларини ўргатмасинми? Бинобарин, хасталикларни даф этиш учун малҳам дорилар яратди. Гуноҳ қиличлари, ўқу найзаларидан ҳимояланиш учун зирҳу қалқонлар халқ этди. Иблис ҳам худди қиличсозга ўхшаб, кескир қиличу совутсозникидай ақлу дониш ила ғоят пухта қалқон ясайди. Ўқ йўнувчи нафс, пайконларни яхшилаб чархлайди. Тавба зирҳчиси ҳам зирҳ ҳалқаларини мустаҳкам қадаб чиқади. Буниси – қаҳр яратувчисидир, униси эса лутф устаси. Эй биродар, кескир қилич устига отилмоқдасан. Тавбаю қуллик қалқонини олмасдан кетма.

Мустафо яна: “Инсонлар икки тоифа бўлиб, бири халқни етиштириб ўстирган Ҳаққа мансуб илмли кишидир. Иккинчиси, халос бўлмоқ умидида тадбир олиб бир нималар ўрганмоқнинг – илмининг кетига тушган кимсадир”, дейди. Олим – йўл кўрсатувчи муршидга ўхшайди. Муриду йўловчиларнинг корларига ярайди. Аммо охират йўлчилигини ҳаёлига ҳам келтирмаган киши муршид қадрини қаёқдан билсин? Олим табибдир. Оғир хасталикларни даф қилади. Бироқ табиб қадрини жони қийноқдаги хаста билади. Олтинлари, бор давлатини фидо этиб ҳам, жони учун кам, деб ўйлайди. Ўлик табибнинг қадрига қандай етсин? Малҳам, дардманднинг жонига ора кириши мумкин, бедардларга малҳам дарагини эшитмоқ-

дан не наф? Кўзи оғримаган одам, кўз малҳамини нима қилсин? Аммо кўзига озор етган кишига ярим дирҳам баҳосидаги кўз малҳамини минг олтинга сотсанг ҳам, сотиб олиб кўзларига суртаверади.

Шеър: Эшитганинг бордир, бедард кимсалардан бири, тиши оғриётган кишидан ҳол-аҳвол сўрагани борди. “Кўп сиқилма, оғриқларинг елдек учиб кетади ҳали”, дея ҳамдардлик билдирди. Бемор: “Тўғри, оғриқ арийди, аммо сенингча тез арийди. Бу дард менга темирдан қад ростлаган бир тоғ каби. Сенинг тишинг оғримаётгани учун бу сенга ел бўлиб туюлаяпти”,¹ деди.

Қачонки, ёруғликни кўрган, жони бир пайтлар ул давлатдан воқиф бўлган киши ундан айрилиб, меҳнат заҳрини тотса, гулу гулистондан, олма боғларидан, адоқсиз шакар қамишларидан ҳам жудо бўлиб, бир тиканзор зулматига қуласа, дин йўл-йўриғию нафс тарбияси, унинг фитналарини ўздан соқит қилмоқ чораси ва кўнгил ойдинлиги сари бориладиган йўлни ҳам ўшандан сўра. Мисоли Одам ва Ҳавво каби. Улар жаннатни кўрдилар ва унинг неъматларидан баҳра олдилар. Баногоҳ нафси аммораю шайтон ҳийласи сабаб гуноҳ буюдйини едилар. “У жойдан (жаннатдан) ҳаммангиз тушинг”,² фармони ила жаннатнинг гулистону бўстонида шундай бир зиндон – ер юзига тушдилар. Йиллар бўйи йиғлаб, нола чекдилар. Афсус-надомат ичра қоврилиб, қуёш остида яшаб, кун кўра бошладилар. Тинмай кўз ёш қилдилар. Одамнинг кўз ёшларидан Ҳиндистонда сархил дори-дармонлар, шифобахш гиёҳлар ўсди. Гуноҳкорларнинг кўз ёшлари бу дунёда ҳамда охи-ратда шифо – даводир.

¹ Ҳаким Санойй. “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ”.

² “Бақара” сураси, 38-оят.

Маснавий: Ошиқлар кўнгиллари оташию кўз ёшлари бўлмасайди, ҳақиқатан ҳам дунёда на сув ва на олов бўлурди.

Олов, дарахтга етиб бормаса, ёғоч қандоқ ёнарди? Дарахту ўтиннинг бир чеккаси ёнмасайди, нариги чеккасидан сув нетиб оқарди?

Маснавий: Эй сарғайиб битган шам, кўз ёш қилиб балога учраган ошиқларга бош бўлгансан. Замона Фарҳодисан. Ёниб-куй, эриб йўқ бўл. Нечун Ширин суҳбатидан жудо бўлдинг?

Баъзилар, шам ва олов унинг уйида қўним топгани боис йиғламоқда десалар, яна баъзилар тотли бол унинг уйини тарк этгани сабаб йиғламоқда, дейдилар. У эса ҳол тили била дерки:

Маснавий: Менинг қандоқ тонг оттиришимни, фақатгина мендай тонг оттирган билиши мумкин. Ёниб-куйганларнинг тунлари қандай ўтишини сен қаёқдан билардинг? Биттаси ошиқлик надир, дея сўради. Дедимки: Менинг ҳолимга тушсанг, биласан.¹

Ҳар оқшом Зуҳалнинг олтин-ла безатилган тоси само зинапоясида порлай бошлаган чоғ, Насри Тоир осмон яланглиги узра кезмоқ бўлган маҳал, Муштарий юлдузи само боғидан чиқиб, яланглик этагида лола мисол нур сочмоққа киришган пайт гўзал Зуҳро Жавзо буржи шами қаршисида, Ҳулкар эса дастгоҳида Сифил нозанинлари киядиган ипак матони тика бошлаб, қоронғуликнинг чодир ипларини чўзиб, чодирини ростлай бошлаган муддат Ҳабиби Ажамий ибодат юртидан чиқиб, бола-чақасининг ёнига келарди. Болалари кун бўйи: “Кечга отамиз бизга бир нималар олиб келадилар”, дея кўзлари тўрт бўлиб кутишарди. Шом чоғи Ҳабиб уятдан қаро терга ботиб, хижолатдан қўлла-

¹ Мазкур маснавийлар Жалолиддин Румий қаламига мансуб.

рини букиб, ҳеч вақосиз уйига қайтар экан, хотиним, болаларимга нима дейман, дея эзиларди. Хотини, нима олиб келдингиз, деб сўрагач: “Хожамиз маошимни жума куни берадилар”, деди. Ўша ҳафта оиласи жумага маҳтал бўлишди. Ҳаш-паш дегунча жума ҳам келди. Ёғду таратиб порловчи қуёш зулмат машрифидан бош кўтарди. Ҳабиб, чорасизликдан хилватда йиғлай кетди. “Эй, муҳтожларнинг қўлларидан тутган! Ҳабибни уялтирмасанг-чи!” дея нажот истади. Ул шаҳаншоҳ (Улуғлангандан улуғлансин!) бир табаррук зотнинг тушида Ҳабиб бизнинг карамимизга ишониб бола-чақасига жума кунига ваъда қилди, дея унинг ҳолидан огоҳ этди. Ул муборақ зот Ҳабибнинг уйига шу қадар мўл олтину бугдой, қўй-қўзию газмол ва яна бу хил нарсалардан юбордики, тухфалар уйга сифмас бўлди. Халқ, қўни-қўшнилар лол қолди: Булар қаердан келди, дея олиб келганлардан сўрашди. Улар: Ҳабибнинг хожаси бериб юборди. Ҳозирча шуларни сарфлаб тураркансизлар. Ҳали яна юборар эканлар, дея узрхоҳлик қилдилар. Халқ: “Ё қудратингдан! Ҳабиб қайси карам эгасининг хизматини қила бу қадар хазина – неъматга эга бўлди экан? Йўқ, бу – инсонга хос карам эмас. Ҳабиб Ҳаққа хизмат қилган бўлса керак. Чунки У энг жўмард карам соҳибларидан-да аъло эҳсон улашгувчидир”, деди.

Байт: Лутфингдан бир чимдим қай заррага тортиқ этмадингу, у зарра мингларча қуёшданам порлоқ ҳолга келмади? ¹

Оқшом маҳал Ҳабиб ибодат юртидан минг истиҳола ила: бугун энди қандай важ кўрсатаман, улардан қандай кечирим сўрайман, дея уйига йўл олди. Шу ўйлар билан уйига яқинлашгач,

¹ Муаллифи номаълум.

болалари югургилаб уни қарши олдилар. Оталари қўлларини кўзларига тўтиё қилиб, пойига тиз чўкдилар. Қўшнилари: нақадар буюк лутфу эҳсон, мислсиз ҳиммат соҳибига хизмат этибсан, дея панаароқ жойларга яшириниб олишди. Болалари эса, хожангиз уйимизни нозанинлар зеб қутиси мисол марваридлар била тўлдирди. Бу неъматлар уйимизга сифмаяпти. Бошқа уй топиш даркор, дейишди. Улар совға-саломларни тўкиб соларкан, Ҳабиб: Бу қандоқ ситам, бу қандоқ мазах бўлди, дея кўрганларига ишонолмади. Аҳли оиласи: “Биз билан бир ҳафтага, жума кунига ваъдалашиб, жума келгач ўзингиз қаерларда ҳаяллаб юрибсиз?” дея сўрашди. Мендан ранжимангиз, озор бермангиз демоққа шайланаркан, ломакон оламидан бир овоз келди. Бу овоз шундай овоз эдики, инсон, пари, малак – бутун олам чинқириб наъра тортмоққа бошлади. У овоз: “Эй, Ҳабибимиз! Булар айбу нуқсондан муназзаҳ бўлмиш Тангри таолонинг эҳсонидир. Бизнинг сўзимиз мазах ёхуд озор эмас, ул эҳсондан сени воқиф қилмоқдир. Оилангга юборган барча олтину жавоҳир, қўйлар, газмолу шамлар сенинг қўллингиз ҳосиласи эмас, караму эҳсонимиз иноятидир. Биз бор-йўғи уларнинг жанжалкаш, мудом сўровчи, ёмон ўйлардан озиқланувчи нафс кўппакларининг олдига бир суяк отдик. Ўша суяк билан андармон бўлсинлар, дея ташладик. Бола-чақанг сенга дийдиё қилавермай, шу билан овунсин-да, сени бизнинг даргоҳимиздан тортиб олмасин”.

Аё нафс, сен ҳўкиздан ҳам тубанроқмисан? Ҳикоя қилишларича, бундан олти минг йил муқаддам бир соҳилда Ҳақ таоло бир ҳўкиз яратибди. Ҳўкиз ҳар куни тонгда, уйқудан уйғониб қараса, то қирғоқдан кўз илғамас ерларга довур ёйилган

яланглик узра ям-яшил ўт-алаф ўсиб ётаркан. Ўтлар шу қадар яшнаб бўй чўзарканки, ҳўкиз ўтлашга кирса ўтлоқда кўринмай қоларкан. Оламда ҳўкизга буниман этадиган тирик жон йўқ экан. Бир ўзи ўтлоққа шўнғиб, бор ўт-ўландан озиқланар, баҳра оларкан. “Очкўз ҳўкиз” таърифимазкур ҳикоя сабаб тилдан-тилга ўтиб келган. Бу қадар очкўзликка нисбатан “тўқликка шўхлик” иборасини ҳам айтиб юришади.

Оқшом бориб, ўтлоқни шип-шийдам қилиб шунчалар семириб кетарканки, оқибат нафаси қисиларкан. Шом киргач, ўт-алафдан нишон қолмаган ялангликка боқиб ўз-ўзига: Еб тўйишим учун ғарам-ғарам ўт бор эди. Ҳаммасини бугун еб қўйиб, қорнимни қаппайтирдим. Э, воҳ, энди эртага нима қиламан, дея Худонинг зорини қилиб эрта ғамини шу қадар еганидан ўтлашни бошлаган пайтидагидек ориқлаб кетаркан. “Йўқ жойдан қанчадан-қанча бунингдек қайғулар сотиб олдим. Улуғ Оллоҳ менинг ботил гумонимга зид ўлароқ бу яланглик узра такрор ва такрор неча йилдан буён ям-яшил, пок-покиза ўт-ўланлар ўстирди”, дея лоақал хаёлига ҳам келтирмаскан.

Нуқсон сифатлардан покиза ул зот шундай куч-қудрат соҳибиким, мадад байроғини дўстларига шоён намоён этар.

Ул зот шундай қаҳр соҳибиким, ғанимларга рад этилмас далилларини кўрсатар.

Ул зот шундай адолат соҳибиким, ғанимларининг бошларидан тошлар ёғдирирар, уларни ер ютар.

Улуғ Оллоҳ ҳар недан воқиф элчиси Муҳаммадга (Оллоҳнинг саломии ва салоти бўлсин!) шундай ваҳий юборди: “Эй Муҳаммад, мен яратгувчиман. Кўз илғамас оламнинг ҳар гўшасида беадад хазина борким, уни ҳар оқил тополмас.

Мисра: Номаҳрамларнинг кўзларидаги парда ортгандан ортсин.¹

Хоҳлаган бандамизни танлаб олиб, унинг кўнгил уйини ғайб хазиналарига калит қиламиз. Бошидан беҳисоб нурлар сочамиз, адоқсиз хуш неъматлар эҳсон этамиз. Ёмондан қочиб-қутулмоқлик либосини тикиб кийдирамиз”.

Шу тахлит, бирон яратгувчиси бўлмаган зот: “Ушбу китоб ғайбга ишонадиган тақволи кишилар учун раҳбар – йўлбошчидир”,² дея хабар беради. Уларнинг қўллари ғайб неъматларини ушлаб, фазлу карам денгизига ғарқ бўлар. Беқиёслик ҳарамининг устунлик гиламларига оёқ босадилар. Севги қадаҳида улфатлик шаробини тотадилар. Давлатлари ортиб, Ҳулкар юлдузига бош бўладилар. Қалам Лавҳул маҳфузга уларнинг давлатларини: *“Шак-шубҳасиз яхшилар (яъни мўминлар) жаннат неъматларидадирлар”*,³ деб ёзиб қўйган. Бу танловда ҳеч кимса менга эътироз билдиროлмас, истаганимни юксалтиб, истаганимни олчоқ қиламан. Ногаҳон бир кўнгилни айбу нуқсон хуржунига айлантириб, ғофиллик сурмасини кўзларига суртаман. У бўлса, малъун Иблис майхонасида безор бўлиш шарбатини ичар. *“Шак-шубҳасиз фисқ-фужур қилувчи кимсалар дўзахдадирлар”*⁴. Шариатдан оғишмаганлару тариқатга солиқ бўлганларга очилмиш дарвоза эса сира ёпилмас. Чунки бу эшик нималаргадир эга чиқиш ортидан қувиб келган қандайдир сабабга шармисор бўлишдан эмас, тамал тошдандир. Бу эшик ғайб оламида очилгандир, шубҳа водийсида эмас.

¹ Ҳаким Саной. “Хадийқат ул-ҳақойиқ”.

² “Бақара” сураси, 2-3-оятлар.

³ “Инфитор” сураси, 13-оят.

⁴ “Инфитор” сураси, 14-оят.

Асл олам йўловчиси бўлмиш бир ошиққа сирлардан огоҳ Тангри даргоҳидан бир эшик очилса, унинг ярим парчалари ҳам адашмай кетмоғи, ўз-ўзига топингувчи нафснинг бош-охири кўринмас денгизидан ўзини қутқармоғи, на бир нури, на бир мадади бўлиб, *“Мен сизларнинг энг устун Парвардгорингиздирман”*¹ дея менлик даъвосини қилган ҳою ҳавас Фиръавнидан ва нафс тимсоҳи ҳужумидан халос бўлмоғи *“Оллоҳ арқонига боғланингиз”*² ҳукмидаги сингари ғоят мустаҳкам қудратли ипга боғланмоғи ва ушбу сўзни тилидан туширмаслиги *“мана мен”* сўзи била сўз бошлашни тарк этмоғи зарур. Чунки бу маҳрумият демакдир. Менлик, худбинлик савдосига тушдимиз, жазо дафтарига маҳрумликни ёзган бўлади. Мазкур ёзув сабаб: *“Бас, Биз (Қорунни) ҳам, унинг ҳовли-жойини ҳам (ерга) ютдирдик”*³ оятидаги ҳолга тушади. Дунё аҳлидан бўлиб, жаҳаннам ҳавосида учиб кетади. Улардан бир жамоа йироқлик кибрига учдилар. Қўрқув билмаслигу нопокликка ҳалоллик, покликни алмашдилар. Қадаҳ, кийим-кечак, қуллар, бефойда ишлар, улов отлар, ҳашамат, ёғли таомлар билан чалғидилар. Оқибатда ўзларини жаҳаннам оловига отиб, унга ўтин бўлдилар. *“Улар чорвалар кабидирлар, йўқ, улар (беақл, бефаҳмликда) чорвалардан ҳам баттардирлар”*.⁴ *“Хоҳ қўрқитинг, хоҳ қўрқитманг, уларга баробардир”*.⁵ Уларнинг тилларига қиёмат кунда: *“Эҳ, кошки эди (қайтадан) тупроққа айланиб кетсам”*⁶ калимаси зикр бўлғай.

¹ “Набаъ” сураси, 24-оят.

² “Оли Имрон” сураси, 103-оят.

³ “Қасос” сураси, 81-оят.

⁴ “Аъроф” сураси, 179-оят.

⁵ “Бақара” сураси, 6-оят.

⁶ “Набаъ” сураси, 40-оят.

Бошқа бир жамоа эса гуноҳлардан юз ўгириб, дунёдан воз кечади. Халқ билан тотув яшайди. Аммо уларнинг тақволари Оллоҳ учун эмас, балки инсонлар уларни ибодатгўй, шубҳали ишлардан тийилган кишилар дея эътироф этишлари учундир. Уларнинг бетаъма амаллардан хабарлари йўқ. Мунофиқлик ила танглайлари кўтарилиб, эш-биродар тутинмишлар. Дунёда мавқе қозонмоқ учун мана бундай кўзбўямачилик қилмоқдан не суд? *“У мисоли бир инга ўхшайди”*¹. Улар халқ узатган айрон кайфига учиб, шариат сабоғига эмас, ҳавойи нафсларига тобе бўлдилар. Қиёматда итоатгўй кимсаларга қуллик ва итоатларининг мукофоти берилади. Улар эса: *“Устма-уст зулматлардир”*² оятида буюрилган ботқоққа ботдилар. На дунёда муродларига етдилар ва на охи-ратда. Бу мағлуб кимсалар тўғри йўлдан тойилмаган зотларнинг ортларидан қолмай, *“Бизга қараб турунглар, биз ҳам сизларнинг нурунгиздан озгина олиб фойдаланайлик”*,³ дейдилар. Уларга: *“Ортингларга қайтиб нур истайверинглар”*,⁴ дея жавоб қайтарилур. Бу жамоа ўзларига сиғинганлардир. Қуръони каримда тариқат улуғи, шариат муфтисига: *“Ҳавойи нафсини ўзига “илоҳ” қилиб олган ва Оллоҳ уни билган ҳолида йўлдан оздириб қўйган кимсани кўрганмисан?”*⁵ дея буюрилади.

Яна бир жамоа ғайб оламини кўролгай. Покиза ўзлик ифори бурунларига етиб, у бўйдан баҳра олмишлар. Булар нафсларини оёқ ости қилиб, ўзликлари абадийлик ҳавосини симирсин ва танҳо истаклари юксаклардан юксак жаннат бўлсин

¹ “Аъроф” сураси, 176-оят.

² “Нур” сураси, 40-оят.

³ “Ҳадид” сураси, 13-оят.

⁴ Ўша сура.

⁵ “Жосия” сураси, 23-оят.

учун кўрнамак нафсга қаҳр этмишлар. “У жойда кўнгишлар тилайдиган ва кўзлар лаззатланадиган (барча) нарса бордир”¹ муждаси ул жамоанинг қулоқларига кирди. Бу жамоа нафс истакларидан кечганлар, шу билан бирга абдоллик меросини ҳам қўлга киритганлар. Пайғамбарлик мақоми тахтининг соҳиби ҳам “Жаннат аҳлининг кўпчилиги абдоллардир”, дея хабар беради.

Яна шундай жамоа ҳам борки, нафс амрини оёқлари остига олиб, дунёни ҳам, дунё лаззатларини ҳам эзгилаб ташламишлар. Охирату унинг мангулик либосини қўлларининг терси ила итариб, асл маънога бетаъма қучоқ очмишлар. Мана шу жамоа чинакам йўл йўловчиларидир. Улар нуқсонлардан муназзаҳ Оллоҳ таоло ва ҳақиқат талабгорларидир. Улар Оллоҳ нурларига шўнғимишлар. Бирови ваҳдат гўзаллиги ила мавжуд эса, қай бири эҳтиёжсизлик сифати камолоти ила фанога етгай. Бу тоифа борлиқдаги йўқлик лутфининг айни ичидаю йўқликдаги борлиқ қаҳридадир. Ул жамоа пайғамбарлардир. Барчаларига Оллоҳнинг саломи ёғилсин!

¹ “Зухруф” сураси, 71-оят.

ОЛЛОҲ ЛУТФИНИНГ НУРЛАРИДАН БИЗНИ ФАЙЗЛАНТИРСИН! МАОРИФНИНГ БИР ҚИСМИНИ ЎЗ ИЧИГА ОАГАН

ОЛТИНЧИ МАЖЛИС

Ҳамд – бирор зидди, ўхшаши бўлмаган, шакллардан муназзаҳу муқаддас Оллоҳгаким, ул зот шерик тутмоқдан покдир. Йўқлик, завол топмоқликдан юксакдир. Аввалида аввал бўлмаганидек, охирида охир йўқ. Кўнгилларни ҳолдан-қолга солгувчидир. Қазою қадар, замонани ўз хоҳишига биноан идора қилгай. Ҳолларни айлангириб тургай. Бунга кимсанинг таҳаммули етмас. Бунингдек ҳикмат ҳол аҳлининг қулоғидан ўзгасига айтилмайди. Оламни ёлғиз Ўзи майдонга келтирди. Одам ва унинг болаларини қуритилган қора ботқоқдан яратди.¹ Улар орасида жаннат аҳли-да, жаҳаннам аҳли-да бор. Ҳақдан йироқлашган ҳам, Ҳақ ила қовушган ҳам бор. Тавба қилиб яна залолатга қайтмоқ шаробини ичганлару маънавий давлатга сазовор бўлмоқ либосини кийганлар бор. Буюкдан буюк Оллоҳнинг “У Ўзи қиладиган бирон нарса ҳақида масъул бўлмас, улар (яъни бандалар эса қиладиган ҳар бир иш-амаллари хусусида) масъул бўлулар”² сўзи тилларидаги эътирозни кесгай, сўзлатмас. Роббимиз Ўзи бирла машғул бўлмоқдан юксакдир. Энди қаерда қолди халқнинг эътирози, қаерда қолди саволу сўроғи?

¹ “Ҳижр” сураси, 26-оятга ишора.

² “Анбиё” сураси, 23-оят.

Махлуқот йўқ эди, сўнгроқ мавжудлик ила қовушди, ҳаракатга кирди ва тоғлар каби улар ҳам юра бошлади. “Сиз тоғларни кўриб тек қотиб турибди деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар. (Бу) барча нарсани пухта қилган зот – Оллоҳнинг ҳунаридир”.¹ “Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Оллоҳгина бор”.² “У буюк ва юксак зотдир”.³ Илмсизлар тўрга чиқиб, куфру жаҳолат устун бўлган бир паллада Муҳаммад (Оллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлгай!)ни юборди. У эса умматига сўз ва амаллари ила улги берди. Уларга ҳалолу ҳаром йўллари танитди ва Оллоҳ йўлида курашди. У туфайли ботиллик денгизи суратдангина иборат бўлиб қолди. Амаллари ила ҳақиқатни айна қиёмига етказиб, тартиб-интизом ўрнатди. Оллоҳнинг раҳмати ул зотга ва муборақ аждод-авлодларига ҳамда ул зот ила кўришиб хамсуҳбат бўлганларга ёғилсин! Молларини унинг йўлларида фидо этган дўсти Абу Бакр Сиддиққа, энг хатарли замонларда унга комил итоат кўрсатган Умар Форўққа, куну тун Қуръон ўқиб, мутолааси мутолаасига уланган, икки нур соҳиби Усмонга, бутларни қириб, не-не баҳодирлар устидан ғолиб келган Али ибн Толибга тун қоронғуси оламини ёритгунга қадар, кундуз ёғдуси қилич мисол порлаб оламини мунаввар этгунга қадар салом ва салот бўлмоғини ёлвориб ниёз этамиз!

Муножот: Ё Роббий! Эй қуллари ва бутун яратикларини едириб ичирган, тарбиялаб ўстирган! Бизни давлатингга мушарраф этиб, васлингга қовушмоқ учун камолга етказган қулларингга ҳадя этган нуринг-ла озиқлантир. Ҳўкиз, қўйлар ёхуд

¹ “Намл” сураси, 88-оят.

² “Муҳаммад” сураси, 19 оят.

³ “Раъд” сураси, 9-оят.

лаҳми ва териси учун охирларда боқилган ҳай-
вонлар каби озиқлантириб тоблама. Сен ағёрни
шундоқ етиштирасан. Кўкка парвоз айламоқ учун
туйғуларимизни халқум узгич шаҳват еми ила
эмас, илму ҳикмат еми бирла меҳмон қил. Ўйин-
боз фалак тун бўйи ўйин намоиш қилгувчи юл-
дузларнинг хаёл жодуси ортидан сайёра аталмиш
ўйинчилар чиқариб, ўйин ўйнатмоқда. Биз ҳам
ҳангомага толиб ўйинни томоша қилмоқдамиз.
Шу янглиғ умр тунимиз завоқ топмоқда. Ўлим
сабоҳи эшик қоқмоқда. Фалакнинг бу ўйинлари
ниҳоясига етди. Биз бўлсак, умр оқшомимизни
елга совуряпмиз. Ё Роббий, ўлим сабоҳи ташри-
фидан бурун кўнглимизни фалак ўйинларидан со-
вут, токи бу томошадан воз кечайлик. Туни билан
йўлчилик қилгувчи кишилар ортидан қолмайлик.
Субҳ кириб тонг оқаргач, сенинг қабул айлаш юр-
тингга етиб олайлик.

Ё Роббий, сенинг оби ҳаётдан мужда келтирган
овозинг жон қулоқларига киргани боис уларнинг
бари (соликлар – тарж.) йўлга тушдилар. Туй-
қус бош-кети йўқ ул биёбонда оби ҳаёт излаган
чанқоқлар қаршисидан ул буюк олам чиқаверга-
нидан барчалари бунда тўпландилар. Йўл кўрса-
тувчилар – сув нелигидан бохабар зотлар: “Бу сув
оби ҳаётга ўхшагани билан оби ҳаёт эмас. Ҳаёт
суви юқорида, бу ерда тўхтаманг, қочинг, кетинг
бундан. Ҳаёт суви шундай сувки, уни ичган асло
ўлмас. У билан суғорилган дарахт сира сарғайиб
сўлмас, ундан қонган чечаклар эса зинҳор тўкил-
мас. Сиз кўриб турган сув – ҳаёт суви эмас, ўлим
сувидир. Кимки бу ўткинчи сувдан қониб-қониб
ичгудай бўлса, ўша ҳаммадан бурун ўлиб кетади.
Ахир, султонун подшоҳларнинг умрлари қулларни-
кидан озлигини кўрмаяпсизми? Қай бир дарахт

шохи бу сувдан кўп-кўп ичса, у шох шунча тез қуриб битади. Энди яқинроқдан боқиб кўр, чечак буни ичиб чанқоғини босгач, гул-гул очилиб табассум қила бошлайди. Боғдаги барча гуллардан, келинлардан-да чандон шодумон ҳолга келади. Бироқ у ўзга гуллардан аввал сарғайиб тўкилади”, дея жар солаяптилар. Аммо бу сас ниҳоятда оз кишининг қулоғига кирди. Бу насиҳатни жуда озчилик эшитиб инсонга хос ҳаракат қила билди ва бу сим-сиёҳ бутанани одамгарчиликдан йироқ кишиларга қолдирди. Хожам, Подшоҳим, бизни ўша оз кишилардан эту бу лойқа сувдан халос айла! Шундай халос айлагинки, токи қорни, юзи шишган кўйи лойқа булоқ бошида жон таслим қилган кишилардек ҳаётдан мосуво қолмайлик.

Бир кун Абу Зарр Пайғамбардан (Оллоҳнинг салом ва салоти бўлгай!) Мусо саҳифаларида нима ёзилган, дея сўради. Пайғамбар: “Ўлмоғига яхшигина ақли етиб турган каснинг қувончига ҳайронман. Жаҳаннамга тамомила ишонган кимсанинг кулгусига ҳайронман. Сўроқ қилинмоғига тўла иқрор кишининг ёмонлик – гуноҳга қўл уришига лолман. Дунёнинг ўткинчи – фонийлигини, унда даврон сураётганларни йўқликка гирифтор этмоғини билгани ҳолда унга кўнгил бериб мол-давлат тўплайдиган ва яна бунга эътиқод қўйган кимсага ҳайронман”, сўзи бор, дея жавоб берди.

Пайғамбар даргоҳи муҳибларидан, унинг оstonасига нажот тилаб боргувчи ва уни топгувчилардан бўлмиш футувват ҳужраси қулларидан Абу Зарр шундоқ ривоят қилади: Кунлардан бир кун аҳли дин кўшини сувининг юзаси, курраи заминдагиларнинг халоскору ишончи, олам доирасининг марказ нуқтаси, Одам болалари аталмиш дарахт меваси, “Яқинда Парвардигорингиз сизга

(шундай неъматлар) ато этурки, сиз (у илоҳий неъматлардан) рози бўлурсиз”¹ туғроси соҳиби, “(Оллоҳ) бир кеча, ўз бандаси (Муҳаммад)ни сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок зотдир”² бу-роқига миниб сайр айлар экан, энг олий: “Сўнгра яқинлашиб пастлади”³ мақомига етган, дунё ва ухро оёқлари остида қолган “Икки камон оралиги-ча ё (ундан-да) яқинроқ”⁴ ишоратини берган ҳабибуллоҳ Масжидул Ҳаромда “Намоз ўқиган кўйи Робби ила яширин сўзлашиб, кўришур” ҳужрасидан ташқари чиқди. “Ҳар намоздан сўнг дуо қабул этилгай” ҳукмига биноан дуо қилди. “Мен одам болаларининг энг сарвариман, бу мақтаниш эмас” тахтига ўтириб, “Энг аввал менинг нурим-ни яратди” болишига суянган чоғ муҳожирлар ва ансорлар “Саҳарларда Оллоҳдан мағфират тилайдиган”⁵ жамоат, оқшомларини ибодат, кундузларини рўза билан ўтказганлар, ул оламлар сарвари тегасида ҳалқа бўлдилар. Сиддиқ ҳақиқатни тасдиқ этмоқда сир марваридларини тешар, Форуқ ҳақ ила ноҳақни одилона ажрим этмоқни ўйлар, Зин-нурайн зим-зиё қабристонда ўзига ойдин жой ҳозирлар, Муртазо ризо эшиги халқасини қоқар, Билол булбул мисоли “Бизга фараҳ бахш эт, эй Билол” амрини бажо келтирар, Суҳайб вафо шароби қадаҳини кўтарган бўлса, Салмон ҳузур-ҳаловат йўлига қадам қўярди. Мен Абу Зарр унинг улуғлиги йўлида парча-парча бўлдим. Хушхон тилимни очдим-да, “Эй, бизнинг улуғимиз, эй, улуғлар улуғи! Мусо саҳифаларида ошиқ кўнгилларга ором берадиган, маҳтал-мунтазир кишилар

¹ “Ваз-зуҳо” сураси, 5-оят.

² “Ал-исро” сураси, 189-оят.

³ “Ван-нажм” сураси, 8-оят.

⁴ “Ван-нажм” сураси, 9-оят

⁵ “Оли Имрон” сураси, 17-оят.

дилларига ёрондек хуш келадиган не бор”, дея сўрадим. Мустафо Боқий Оллоҳнинг амри ила ҳар ненинг ҳақиқатини англатмоқ жомидан сукут калитини очиб, деди: “Иймон майдонига қадам босиб, жаҳаннамга ва унинг табақаларига ишонган, Молик-ла ёрдамчиларининг сасини эшитган каснинг шу бало зиндонида ўйин-кулги ила ишрат этмоғига лолман”. Эй улуғлар улуғи, иккинчи ҳикматни ҳам айтгин, дедим. Буюрдики, ўлимга ишониб, азиз умрни яшаб, ошини ошаб ҳамки, ўлимдан кейинги ҳаётга бирор озуқа ғамламаган, қабр сўроқларига ҳозирланмаган кимсанинг фароғатига лолман. Учинчи бор дедик: “Бас, ким *(ҳаёти-дунёдалик пайтида)* зарра мисоличалик яхшилик қилса, *(қиймат кунида)* ўшани кўрур”¹ оятига ва адолат тарозиси осилганига ишонган одамнинг бўлмағур – беҳуда ишларга ўралашиб юришига лолман. Тўртинчиси: Дунёнинг вафосизлигини кўра-кўра, яқинларини тупроққа кўмган, ҳофизи Қуръонлардан “*Ҳар бир жон ўлимни татиб кўргувчидир*”² оятини ҳам эшитган каснинг бу қадар ишқибозлик билан дунё молини тўплашига лолман”. Ҳолбуки, у ўликлар ётган қабру кафанларни кўрган, ёрондан айро тушган эди. Асл дўстлар жудолик андуҳига ботадилар, бу эса, ҳеч қурса, бир кеча бўлсин тотмади унинг қайғусини. Шундай бўлгач, қовушмоқ – висол қадрини қаёқдан билсин? Азоб чекмаган малҳам қадрига етармиди? Йўқ, асло! Ай биродар, камарни белга маҳкам боғлагину шу зиндондан ташқари чиқ. Тавба оёғингни надомат йўли томон бургинки, ҳар икки олам сеники бўлсин. Ҳали бу ҳаммаси эмас. Ҳимматингни бунданам юксалтиб, дин уло-

¹ “Залзала” сураси, 7-оят.

² “Анбиё” сураси, 35-оят.

вини яна ҳам олға сурдиrolсанг, дунёга мафтун-ликдан-да, охират томошасидан-да чекинасан. Ниҳоят, улуғлик соҳибининг маънавий жамолига етишасан. “Ло” супургиси бирла ҳар нени супуриб ташлайсан. Шак-шубҳасиз, подшоҳ ва шаҳзодаларнинг супуриб-сидириб юрадиган хизматкори бўлади. “*Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Оллоҳгина бор*”¹ ояти ҳам айни шундоқ Тангри даргоҳининг хос қуллари ва ул меҳроб подшоҳларининг супуриб-сидиргувчисидир. Уларнинг кўз ўнгларида икки оламни ҳам супуриб ташлайди.

Қасида: Асл йўлдан сени узоқлаштирган нарсалардан воз кеч, ул сўз хоҳ куфр бўлсин, хоҳ иймон. Сени дўстдан йироқлаштирган нарса не эса, уни қўй, хоҳ чиркин бўлсин, хоҳ гўзал. Бу йўлни супуриб-сидирмоқдан ўзга чора йўқ. Камарни белга таққанча, бош устига дея йўл устида “ло” кутаяпти. “Ло” кўнглингга кириб, сени аросатда қолдирса, Оллоҳ нури-ла “илло” йўли узра, кел, Оллоҳга! ²

Ҳақ жамолидан ўзгасига боқмай, Ҳақ каломидан ўзгасини эшитмагин-да, подшоҳнинг хосдан хос қуллари сафига қўшил!

Рубой: Севгили ила гул боғи йўлагининг ўртасига келдим. Ногоҳ бир гулга кўзим тушиб, термула бошладим. Гўзалим мени кўргач: “Уял, уял, менинг юзим бу ёқда, сен бўлсанг, гулга боқаяпсан”, деди.³

Туғрисини Оллоҳ яхшироқ билгувчидир.

¹ “Муҳаммад” сураси, 19-оят.

² Ҳаким Санойй.

³ Мавлоно Румий.

ОЛЛОҲ БИЗЛАРГА МАЪНАВИЙ РИЗҚ- НЕЪМАТЛАРИНИ КОМИЛ ҲОЛДА БЕРСИИ! МАВЛОНОНИНГ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАРИДАН ТАШКИЛ ТОПГАН

ЕТТИНЧИ МАЖЛИС

Ҳамд – орифлар кўнгилларини буйруқларига итоат этмоқ водийида учирганга. “Ундай қилманг!” амри ила адо этилмоғини истамаган нарсаларида ҳам амрларига мойил қилиб қулларини ёмон амаллардан қўриганга. Ошиқларнинг кўнгилларига ишқ шаробидан суниб-суниб, сархушликларини бардавом этганга. Зикр этмоқларига муттасил илҳомлантирган ва бу зикрдан зинҳор зерикиш пайдо қилмаганга. Балоба мубтало қуларига сабр қилмоқни буюриб, ундаги машаққатни ёқимли қилганга. Мол-давлат инъом этган қулига лутфу эҳсон байроқларини тикиб, фазлу иноятига шукр этмоқ лузумли эканлигини уқтирганга.

Нуқсон сифатлардан пок Оллоҳ маҳбубларининг кўнгилларини муҳаббатининг ётоғи, бекати қилиб, ишқини қалбларининг энг хуфия ерига жо айлагандир. Руҳларга жаннат боғларининг баайни ўртасида учмоқни, Унинг улўғлиги жамолию буюклиги камолини сайр этмоққа илҳақликни илҳом айлагандир. Шаҳодат этаманки, Оллоҳдан бошқа сифиниладиган илоҳ йўқ. У Воҳиддир. Унинг эш-биродари йўқдир. Бу калима уни зикр этган ҳар кишини Ҳақнинг азоби, қаҳридан халос айлагуси. Шаҳодат этаманки, Муҳаммад Унинг

қули ва элчисидир. Унинг шариати ила аввалги шариатлар ҳукмлари қуриб кетди. Пайғамбарлиги ила соҳиби шариат пайғамбарларнинг пайғамбарликлари интиҳо топди. Ул зотга ва қавму қариндошларига, иймон келтирган кўйи дийдорига мушарраф бўлганларга, Ҳақ йўлни кўрсатган халифаларига, иттифоқо, сўзлари ва эътиқоди рост бўлган Абу Бакр Сиддиққа, ўзи ва сўзи бирла тўғрию эгрини айирган Умар ул Форукқа, қалбини Оллоҳнинг маърифат зиёси ила ёритган икки нур соҳиби Усмон Зуннураинга, хуш ахлоқи боис Оллоҳ ризолигини қозонган Али ул Муртазога, умматлар орасидан Ўзига танлаб олиб, айнаи шундоқ зотига-да яқинлаштирган кўйи раҳматига мазҳар қилиб халойиқдан устун айлаган Ҳасан, Ҳусайн ва барча унга (Муҳаммадга – тарж.) эргашган муҳожир ансорлар, саҳобаларнинг ҳаммаларига Оллоҳнинг адоқсиз раҳмати ёғилгай!

Ҳасан Басрий ва Пайғамбарга сомеъ жамоатнинг барчалари дедилар: Пайғамбар (Оллоҳнинг салом ва салоти бўлгай!) шундоқ буюрди: Оллоҳ таоло ақлни яратган пайт унга ўтир, деди. Ақл ўтирди. Сўнг тур, деди. Турди. Кейин кел, деди. Келди. Кет деганди, кетди. Сўнгра сўзла, деди. Сўзлади. Сукут сақла, деди. Жим бўлди. Кейин боқ, деди. Боқди. Боқма деганди, боқмади. Англа деди, англади. Ниҳоят, дедик: “Азаматим, улуғлигим, буюклигим, қудрату қувватим, мавжудиятим аълолигига қасамки, наздимда, сендан юксак бир мавжудот яратмадим. Сендан-да суюкли бир борлиқ халқ этмадим. Сен орқали Ўзимни танитаман, сен орқали менга бандалик – итоат этадилар. Сен орқали мен учун амал қилингуси. Сен туфайли ранжийман, азоб бераман. Савоб ҳам сенга, жазо ҳам сенга”.

Оллоҳ ҳам, Унинг элчиси ҳам рост сўзлайди.

Мустафо, ул қадри буюк элчи, “Сўнгра яқинлашиб пастлади”¹ мақомига яқинлаштирилган, “Икки камон орализида ё (ундан-да) яқинроқ бўлиб”² оятида бекати аён этилган пайғамбарларнинг сўнггиси, мавжудотнинг асл моҳияти, очиқ-ошкора далилларни намоёиш этган, ниҳояси, чеку чега-раси ноаён беқиёс бир денгиз “Унга одамлар орасида ўзи билан бирга олиб юрадиган нурни бериб қўйдик”³ ояти ила шони шарафланган, жаннат ва унинг ризвонлари калити, сир ва ҳақиқатлардаги рамзларни ошкор қилган кўйи “Албатта, Биз сизга Кавсарни ато этдик”⁴ фармони ила оламни ойдинлатиб ўзи ҳам ойдинлаган зот (Унга ва пок аждод-авлодларига Оллоҳнинг саломи бўлгай!) ҳақиқат талабгорлари ва ишқ ила тиним билмай, югуриб елганларга деди: Ул бемисл санъат соҳиби, ҳар маконда ҳозир у нозир бўлган, ҳар нени кўриб эшитган зот, тирик жон борки, барига ҳаёт неъматини Ўзи инъом этган абадий Тирик, ҳар муҳтожнинг ожиз чоғларида даргоҳига бош уриб бормоқлари учун ҳамиша иш – амалда бўлган ва ҳеч бир он амалсиз қолмаган “Дарҳақиқат, Биз уларнинг бўйинларига кишан уриб қўйдик”⁵ ҳукмига кўра қаҳрли кимсаларнинг бўйинларига занжир солган, дину диндорлик шамини фанимнинг жон томирига “Албатта, унинг шох томирини узиб ташлаган бўлур эдик”⁶ қиличи била кесган Оллоҳ (Улуғлиги ортгандан ортсин!) ҳақиқатан ҳам олтин тож мисол ақлни йўқдан бор этди ва

¹ “Ван-нажм” сураси, 8-оят.

² “Ван-нажм” сураси, 9-оят.

³ “Анъом” сураси, 122-оят.

⁴ “Кавсар” сураси, 1-оят.

⁵ “Ёсин” сураси, 8-оят.

⁶ “Ҳааққаҳ” сураси, 46-оят.

“Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукарам қилдик”¹ ояти ила қадрларини сарбаланд қилган Одам авлодларининг бошига қўйди. Ақл надир? Энг улуғ олам қандили, Тури Сийно² нури, “Мана шутинч, осойишта шаҳар (Маккаи Мукаррама)га қасамки”³ оятида билдирилган шаҳарнинг адолат масалаларини тартибга солган бек, оламлар Робби даргоҳининг одил халифаси. Ақл надир? Ахлоқи хуш султон, Ундан ўзга илоҳ йўқ амри бирла мавжуд ва Воҳидлиги шоён этилган подшоҳнинг раҳмат сояси. Ақл кимдир? Поклик айвонининг энг аъло эрлари унинг эшигида ўтирдилар. “Дунё охираат экинзоридир” давлати эгалари унинг соясида еб-ичиб, унинг неъмати ила кун кўрмоқдалар. Улар ақлни кўпдан кўп шарафлаб кўнгилдаги ақлнинг нелигидан сўз очиб дедиларки: “Машаққат тутунларини ечгувчи, кўнгилда сақланган энг пинҳон сир келинларини ясантириб оро берган, жонларга йўлбошчилик қилиб, тонгларни оқартиб, сабоҳларни изҳор айлагувчи Ҳаққа олиб борадиган маънавий борлиқдир у”.

Сирларнинг андак қисми рамзий йўл билан тунштирилганига кўра, Ҳақ таоло ақлни ломакондан, ғайб асроридан – борлиқ яланглиги мукарамлик қуёши ила порласин учун майдонга келтиргач, мавжудотларга унинг моҳиятини, кўнгилдаги ҳайратангиз гўзал ва мислсиз нарсаларни билдирмоқ муродида юксалтиб уни бутун борлиқ – яратиклардан танлаб олишни ихтиёр этди. Бу олтин тангани ўзга маъданлар билан қоришмагани, тоза, бенуқсонлигини аниқламоқ ва муомага чиқармоқ учун бир маҳак тоши лозим. Айни пайтда, тошнинг гувоҳлиги билан бирга, бу муқад-

¹ “Ал-исро” сураси, 70-оят.

² “Ват-тийн” сураси, 2-оят.

³ “Ват-тийн” сураси, 3-оят.

дас танга – латиф эҳсоннинг офирлигини ўлчамоқ учун битта тарози ҳам керак бўлади. Ўн саккиз минг оламда бирон нима йўқки, тарозисиз даражаси аён бўлсин ёхуд тортилмаёқ расолиги англашилсин. Бозор ва дўконларда осиглиқ турган тарози эмас бу. Тарози Ҳақнинг бир далили, сиридир. Илмдан вужудга келган закодир бу. Руҳоний тарозидир – самодан меросдир у. Дунёдаги жами тарозиларни шу тарози майдонга келтирган. Меваларни тортмоққа бошқа, сўзларни ўлчамоққа бошқа тарози даркор. Сўзнинг тўғри ёхуд ёлғон, рост ва ё пуч эканлиги сўз тарозисида тортиб аниқланади. Инсон нималарга қўл урганини билмоқ учун бошқа, ҳайвонга эса ўзга бир тарози лозим. *“(Фаришталар дедилар): Бизларнинг ҳар биримиз учун (осмонларда) аниқ-маълум бир ўрин бордир”*¹, ҳукмига биноан малаклар учун ҳам бўлакча тарози даркор. *“Бизларнинг орамизда яшилар ҳам бордир ва (шунингдек) ундоқ эмаслар ҳам”*² оятида келганидек, жинлар ҳам ўзга бир тарозида тортилади. *“Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик”*³, дея буюрилгани сингари пайғамбарларнинг ҳам бўлак мезони бор. Тарози бу оламда қуёшдан ҳам порлоқдир. Чунки Оллоҳ таоло уни қуёшга эш айлагандир. Уни қуёшнинг ёнбошига ўрнатган. Қуёш қайси даражадаю қай бир юлдуз ила ёнма-ён, бир хил маромга келди – ҳатто шуларни ҳам мезон орқали (осмон тарозиси бўлмиш устурлаб ила тортиб) билиб оладилар. Тарози оламни самолардан ҳам ортиқроқ қўршаб олади. Фалак тарозига муҳтождир, аммо тарози унга муҳтож эмас. “У зот

¹ “Вас-саффот” сураси, 164-оят.

² “Жин” сураси, 11-оят.

³ “Бақара” сураси, 253-оят.

осмонни баланд қилиб қўйди ва сизлар тош-тарозуда туғёнга тушмасликларингиз учун мезон – тарозини ўрнатди”¹, дея Улуғ Оллоҳ буни уқтирган. Осмон юксакдир, бироқ тарози унданам юксакдир. Фақатгина камтарона қилиб “тарозини илди” тарзида заминий сўз билан ифода этилган ҳамда ер юзига туширилгандир. Тарози халойиққа: “Мен юксакдан-юксак оламдан келдим”, дейди. Сўрайдилар: “Эй тарози, қай вазифа билан келдинг?” Тарози: “Ўз асл моҳиятларининг тагига етсинлар, оғирлашиб залворли, вазмин бўлмоқда шижоат кўрсатсинлар, дея ақлу фикри ҳафиф кишиларга ақлларининг ҳафифлигини кўрсатмоқ учун келдим”, дер.

Байт: Сомон чўпи мисоли ҳар эсган шамолдан титрай билсанг, ҳатто тоғ бўлганингда ҳам бир сомон чўпичалик бўлолмайсан.²

Эй тарози, нима билан оғирлашайлик, деб сўрашди. “Сиз – тери, бадан, балчикдан иборат эмасмисиз? Шундоқ экан, бир ўзлик, жон, кўнгилаш кашфига отланинг”. Савол беришди: “Хуш, бу ўзлик деганинг қандоқ бўй кўрсатади?” “Ҳар ерда жами ўт-алафлар, буғдой бошоқлари, ёнғоқ, данак, гиёҳлар аввалига япроқ бўлиб ўсадилар. Буларда ўзлик йўқ – ичлари бўшдир. Сўнгра жазирамадан эзилган, бағри қон кишиларнинг олган нафаслари янглиғ кўклам ҳавосидан симирадилар, ер остидан сув ичадилар, балчиқ ва сувни фарқлаб ўзларига тортадилар. Тирик инсон, гард юққан пиёладан сув ичмайди. Улуғ Оллоҳ ўсимликка қандоқ куч-қувват ато этмишки, ҳар турли чиқиндилар билан қоришган лойқа сувни сузиб, пок-покиза сўриб олади. Хилъатларига Тангрининг ул неъма-

¹ “Раҳмон” сураси, 7-8-оятлар.

² Муаллифи номаълум.

ти ила оро беради. “Илм кўнгишлар ҳаётидир. Адо этилган амаллар эса гуноҳларга кафоратдир”, ҳукмидаги каби инсон учунгина илм шамолию бандалик сувини юборгандир. Юрагинг оловланаркан, сен ҳам дарахт мисоли илму ҳикмат насимини ют. Жигаринг ёнгудай бўлса, ташналар каби қуллиқ оби ҳаётини симир. Чунки “Бизга қушларнинг тили билдирилди”¹ оятида баҳор Сулаймони адолат тахтига минди. Баҳор тириклик, яшаришдир, шамол эса унинг тахти равони. “Биз унга шамолни бўйинсундирдик”,² дея буюрилганидек, шу тахлит адолатни дунёга ёяди ва куз кофирларининг боғ-бўстонларни манзил этган кимсаларга ўтказган зулмини, ўша ой жамолларга адлу навозиш кўрсатиб, ёвуз золимлардан уларнинг қасосларини олади. Заминдан униб чиққан ҳар майсаю дарахт вақтнинг Сулаймони қошида тилга кириб: “Менда бир маъно, мева, ҳам ботин бор, дея даъво қилади. Мана бу ўсиб бўй чўзган шохларим бунга далил, дейди. Баҳор Сулаймони эса, ҳар қандоқ даъвонинг ўлчов – мезони бор”, дейди.

Байт: Ишқ даъвосида бўлмоқ осон, аммо унга далил керак.³

Ай, офиз очиб даъво тилини ўйнатган наботот! Тарози бу ёқда. Келиб, даъволарингизни ўртага ташлангки, ҳар даъвогарнинг даъвоси аён бўлсин. У қандай мезон бўлди? – дейишди. Бу мезоннинг бири шамол, бири сув. Уруғи, меваси ва қиммати бўлиб, кўкка бўй чўзган ҳар ўсимликнинг ҳунар ва моҳияти мана шу тарозиларда тортилиб аниқланади. Дунёда ҳеч бир дарахтнинг зарра ҳунари ҳам яширин қолмайди. Ачиб-бижғиб кетган мева-

¹ “Намл” сураси, 16-оят.

² “Сод” сураси, 36-оят.

³ Ҳаким Санойи. “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ”.

нинг нордонлиги, “У Кунда (кофирларнинг) юзлари буришур”,¹ дея амр этилганидек, ошкор бўлиб қолади. “У Кунда (мўминларнинг) юзлари яшнаб, Парвардигорларига боқиб тургувчидир”² оятида билдирилганидек эса, хуштаъмлиги ойдинлашди. У дарахтларнинг илдизлари ер ости, балчиқ зимистонида ҳунар ва маънога эга эди. Ҳалол ва покиза сувлардан ичиб, нопок сувдан тийилганди. Улар ўзларида ўзгалар илғай олмаган бир маъно, бир ҳунар кўрганлари боис, “аттанг, ер тагида шунча ҳунар, шунча маҳорат, бўй-басти-миз, кўркамлигимиз бўлгани ҳолда бошқаларнинг бундан лоақал хабарлари ҳам йўқ. Тангри бизга шунча имдод кўрсатди, бошқа илдизлар эса буни билмайдилар. Кошки, ҳисоб-китоб куни келиб, ер ёрилсаю гўзаллигимиз ва бизда яширин маъно шоён бўлса, ўзгаларнинг эса бадфеълиги ойдинлашса”, дея арзи ҳол этадилар.

Уларга ғойибдан шундоқ жавоб келди: “Эй тупроқ маҳбуслари, сиз ўз ишингизга боқинг, ҳунар ўрганинг, кўнгилларингиз маҳзун бўлмасин, ҳунарларингизнинг маҳфий қолишидан ҳам қўрқманг. Шу бугун ўзингизда кўриб турганингиз ҳунар, мевалар вужудингизга зеб бермасидан бурун бизнинг ғайб оламимизда эди. Уларни вужудингизга биз қўйдик. Ҳолбуки, бундан сизнинг хабарингиз йўқ эди. Бу жавоҳирлар сизга келмасидан, борлигингиз ила қоришмасидан аввал ғайб денгизида ял-ял ёниб турар, тупроқдан бор этилган мавжудотлар хазинаси сари ошиқарди. Ҳар ҳунарманд, ҳар санъаткорда, заргар – жавоҳир усталарию симёю кимё олимлари ҳамда ўз касби корининг моҳир усталарида, олимларда, бу можа-

¹ “Қиёмат” сураси, 24-оят.

² “Қиёмат” сураси, 22-оят.

роларнинг ҳақиқатини излаб топганларда мавжуд фазилят ва илмни биз инъом этдик. Уларнинг бу хусусиятлари мавж уриб бор ҳунарларини майдонга чиқарсин учун уни эҳсон қилган бизмиз. Бу жўшқинликни излаб топиш қобилиятини ҳам ўзимиз лутф этдик. Улар шунинг боисидан балоғатга етган қизлар каби беқарор бўлдилар. У қизлар уйларида рўмол ўраб, юзларига оро берган кўйи ойнага боқадиладар. Пардани бир ёқлик қилиб, бор гўзалликларини ҳам хожаларига, ҳам халққа кўз-кўз қилганча жон-дилдан мана бундоқ дейдилар:

Рубойи: Гўзаллигимиз бизни тарк этиб, қариб-заифлашган чоғимизда ким ҳам бизга боқарди. Шу янглиғ сочлари занжир мисол ҳалқа-ҳалқа гўзални уйда занжир солиб тутиб туришнинг имкони йўқ.¹

Барча хурлиқолар, ҳунар соҳиблари гўзаллик ва етукликларини намоёиш этмоқ учун бир дўкон ахтарадилар ҳамда ўша дўконга бор ҳунарларини тўкиб-сочишни истайдилар. Бироқ бунақа майл, бешак, ҳеч нарсадан хабари йўқ сувдан майдонга келмайди. Терию эт-суякнинг ҳунару санъатдан қандай хабари бўлсин? Бу истаклар менинг пок сифатларим зуҳуротидир”.

Тулки яйловда айланиб юраркан, пичанга осифлиқ қуйруққа кўзи тушибди. Бу ерда, шубҳасиз, тузоқ бор. Бу – бир овчининг иши. Яйловда қуйруқ битганини ким кўрибди? Қуйруқнинг яйловда нима иши бор, дея ниҳоят йўлига равона бўлибди.

Мусо (Оллоҳнинг саломи бўлсин!) мингларча ҳайратангиз нарсаларни кўрди, тўлиб-тошиб ўзига сифмас бўлди. Уни бу оламдан у оламга олиб бордилар. У оламда ҳаёт ичра ҳаёт, фароғат ичра фароғат, нур узра нур, завқ ичра завқ жўшиб тўлқинланиб, порлаб тазаҳхур этмоқда эди. Мусо деди:

¹ Жалолиддин Румий.

“Ё Роббий, биз баайни шу оламданмиз. Шаҳримиз – маъданмиз шу. Бу адоқсиз маъдандан борлиғимизни нечун жудо этдингу киссавурлар бозорига жўнатдинг? Бебаҳо марваридни тубандан тубан оламга туширмоғингда қандоқ ҳикмат бор? Ҳақ таоло буюрди: “Эй Мусо, мен яширин хазина эдим, ногаҳон билинмоқни хуш кўрдим, ўзимни танитмоқ истадим”. Мусо деди: “Охири йўқ зотни қандай танисинлар? Самода чарх уриб парвоз этган булбул “Қизил гул менинг теримдан яратилди”, деганни қайдан билсин? Булбул ёноқлари ол гул ишқида қандоқ сархуш бўлиб, ўзидан кечмасин? Бу сармастлиги боис нетиб тумшуғу ўзидан кечиб, илҳом зўридан минг бир нағма ила хониш қилмасин? Ай, абадий ишққа банди булбул, бу минг бир соҳир нағмани қайси маънодан ўргандинг? Қай бир созандадан эшитдинг? Булбул дерки: “Мени туққан она туғма олимдир, устадир. Уларнинг ҳаммалари шундай – илмлариям, ақллариям туғма. Мен, аслида, инсонга хос сифатлар – эркак ва аёлликдан эмас, гулга ошиқлик онасида туғилдим. Ишқим ҳам, ақлим ҳам туғма. Мен – уммийман”. Уммийнинг икки хил маъноси бор. Биринчи маъноси, ёзиш, ўқишни билмайдигандир. Авом уммий деганда шуни тушунади. Аммо ҳақиқатга етган, сўз ва амалнинг аслини билганлар наздида уммийнинг маъноси шундоқдир: У ўзгаларнинг қўл ва қалам воситасида ёзган нарсаларини қўлсиз, қаламсиз ёзади. Бошқалар сувдан, ҳаводан гапирсалар, у ғойибдан, ҳануз рўй бермаган, аммо муқаррар воқеа бўлажак нарсалардан сўз очади.

Байт: Жони боргина бўладиган нарсани кўради. Беҳуда нарсаларни кўрган эса, тамомила бошқа мавжудотдир.¹

¹ Ҳаким Санойи. “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ”.

“Ё Муҳаммад, сен уммий эдинг, етим эдинг. Бошингда сени мактабга етаклаб олиб борадиган, ёзув, ҳунар ўргатадиган ота-онанг йўқ эди. Бу қадар илму урфонни қайдан ўргандинг? Борлиқ ибтидосидан бошлаб оламга келган ва унда рўй берган ҳамма нарсани бирма-бир, тадрижма-тадриж тушунтириб бердинг. Барчанинг муқаддас ва тубан жиҳатларидан воқиф қилдинг. Жаннат боғларини ҳар дарахтигача кўрсатиб, ҳурларнинг қулоқларидаги сирғаларигача бохабар этдинг. Жаҳаннам зиндонларини миридан сиригача ошкор этдинг. Олам интиҳосига қадар содир бўладиган нарсаларнинг (охири ҳам йўқ асли, не бўлса ҳам) ҳаммасидан сабоқ бердинг. Хўш, буларнинг барини кимдан ўргандинг? Қайси мактабга бординг?” – дея сўрадилар.

Муҳаммад (Оллоҳнинг саломи бўлсин!) деди: “Менинг ҳеч кимсам йўқ – етим эдим. Аммо кимсасизларнинг кимсаси менга устозлик қилди. “Раҳмон Қуръонни таълим берди”,¹ оятида зикр этилганидек, Ўзи ўргатди менга. Бу илмни халқдан ўрганмоққа киришсайдим, мингларча йил керак бўлурди. Ўзлаштирилганда ҳам бу илм тақлид меvasи бўлиб қолаверар, унинг калити ҳам толибнинг қўлида бўлмасди. Моҳият – асл маънодан ҳосил бўлган илм эмас, жузъий, шаклий илм бўларди. Бундоқ илмнинг ёзув-чизув ва шакли бўлгани билан, ҳақиқати, асоси, жони бўлмайди. Ҳар ким деворга расм чиза олади, у расмнинг боши бўлади, аммо ақли бўлмайди. Кўзи бўлади-ю, бироқ ҳақиқатни кўролмайди. Қўли бўлади, эҳсони бўлмайди. Кўкси бор-у, кўнгилдан нишон йўқ. Қўлида қиличи бор, локин санчилмайди. Меҳробларга қандил суратини соладилар, аммо кун чўккач,

¹ “Раҳмон” сураси, 1-2-оятлар.

жиндак бўлсин, ёритганини кўрдингми? Деворга дарахт расмини чизадилар-у, аммо қоқиб мевасини еёлмайсан. Девордаги сурат шаклни ошиб ўтолармиди? Шундоқ бўлса-да, зиндонда туғилиб катта бўлган халойиқ ва ой юзли махлиқоларни ҳануз кўрмаган кас учун бу бесамар эмас. Маҳбус зиндоннинг девор, эшикларига туширилган расмларни – соҳибжамолларни, подшоҳлар, келинларни, уларнинг ҳашамату дабдабаси, тожу тахти, мажлислари шамойилини, созандалар, раққосаларни томоша қиларкан, у ҳам суратдаги кимсалардек инсон эканлигини сўраб-суриштиради, зиндондан ташқарида бир олам мавжудлигини, шаҳарлар, гўзал кишилар ва деворга суратлари солинган сархил мевали дарахтларнинг борлигини англаб етади. Ичига олов тушади. “Оламда шундоқ нарсалар бор экан-у, биз бўлсак, тирик-лайн ерга кўмилиб қолибмиз”, дея наъра тортиб маҳбусларга дейдики:

Шеър: Эй жамоат! Сурат юртидан чекининг. Туринг-да, тўғри улўф олам сари отланинг. Жисмингизда камолотга етган бир жон бор. Етар энди, сиз ҳам мухтасар қилинг жисм лофини. Исо кўз ўнгингизда ўтиргани ҳолда эшак тақасига бош эгишингизга кўнглингиз қандоқ кўнади? Ай, озода жонлар, шу тупроқ йиғинларида дўзахийлар ҳислари янглиғ тобакай қолиб кетасиз? Ай, тирик кишиларнинг зурриётлари! Шу тупроқдан бошингизни чиқаринг дея, қачондан буён давлат довулини чалиб турибдилар.¹

Эй, дунёдан ғофил маҳбуслар, бирор жорияга оғиз солмадингиз, ҳеч қурса, шу гўзал, ҳайратомуз шаклларга боқинг, уларни бир томоша қилинг. Бу шаклларнинг албатта бир ҳақиқати бор.

¹ Ҳаким Санойӣ. Девон.

Чунки ёнида рости эш бўлмаган ҳеч қандай ёлғон йўқ. Қаерда бир ёлғон гапирилса, эшитганнинг ишониши – чин деб билиши учун гапирадилар. Қулоқ солган киши бу ёлғонни чин деб ўйлаши учун ҳақиқатни билмаслиги лозим. Харидор қалбаки тангани тез учар кумуш танга деб ўйласин учун муомалага чиқарадилар. Аммо мижоз ҳалиги сохта пулга алданмаслиги учун чинакам муҳр урилган пулни кўрган бўлиши керак ёки аксинча. Қаерда ёлғон бўлса, ўша жойда рост ҳам бор. Қаерда сохтакорлик бўлса, у ерда аслик ҳам бўлади. Қаёнда бир хаёл бор эса, унга бир ҳақиқат ҳам эш. Зиндонга монанд ўткинчи дунё деворида аксланиб ниҳоят йўқолиб кетган шакллар ҳам айна шундоқдир. Дунёда қанчадан-қанча ёр-биродаринг бор эди. Уларни қон-қардошингдек кўрар, сирларингга маҳрам қилардинг. Энди эса уларнинг суратлари ғойиб бўлди. Гумонсирасанг, қабристонга бориб, мазор тошларини қўлларингга ол, ғиштларига боқ – шамойиллари ҳануз ўшандоқмикан? Эй эсли кишилар, билингизки, гўзал шакллар ақраболар тушган зиндон ташқарисидаги шаклларнинг маҳв бўлиши инъикосидир. *“(Абдий) қолгувчи яхши амаллар савоблироқдир”*¹ оятини эшитмадингми? Сен қолгувчи деб ўйлаган суратлар ҳозир қаёқда? *“Роббингнинг ҳузурида”*.² Олган ҳар нафасинг-ла сени ўстириб, камолга етгазган Роббингнинг даргоҳида. Бунинг шарҳу баёни кўп узун. Кел, яхшиси сўзни мухтасар қилиб, шу зиндон деворларини ўяйлигу ундаги шаклларнинг ҳақиқати сари, ўзимиз ошиқ бўлган ўшал ҳақиқатлар макони сари одим отайлик. Такрор асл манзилимизга қайтганимизда, бамисоли Мусодек

¹ “Қаф” сураси, 46-оят.

² “Қаф” сураси, 46-оят.

оби ҳаёт долғаларини ютамыз. Ул ҳаёт денгизида балиқ каби: “Нечун тўлқинландингу бизни балчиқ қирғоғига отдинг? Сенда шунча раҳмат бор экан, нетиб бунақанги марҳаматсизлик қилдинг, ай, марҳаматсизлиги ҳам оламдаги марҳаматлилар марҳаматидан адоқсиз хуш бўлган”, деймиз. У ҳам жавобан дерки: “Мен яширин дафина эдим, ғайб пардаси ортида, ломакон хилватида, борлиқ пардаларининг ортига яширингандим. Ғузаллигим – улуғлигимни билмоқларини, мени қандоқ оби ҳаёт ва хосиятлар кимёси эканлигимни кўришларини истадим”. Улар дейдилар: “Биз баайни шу денгиз балиқларимиз. Аввал ҳам шу ҳаёт денгизида эдик. Ўзингнинг лутфу караминг-ла денгиз азаматини, биз бу сўнгсиз кимё иликсирини қабул қиладиган мавжудотлигимизни, ул ҳаёт кимёсининг улуғлигу устунлигини билар эдик. Бу денгизнинг балиғи бўлмаганларнинг қулоқларига бор ҳақиқатни қанча қуймайлик, улар эшитмадилар, кўрмадилар, билмадилар. Аввал ҳам буни эшитиб огоҳ бўлган биз эдик, охир ҳам. Шунинг боисидан хазина ҳам бизмиз. Бу қадар узун ғурбатни “Билинмоқни хуш кўрдим” ҳукми сабаб ихтиёр этдик. Ахир, хазина биз эмасмизми? Билгувчи, англагувчи ҳам бизмиз-ку! Йўқса, “Билинмоқни хуш кўрдим” сўзи кимга ҳукм қилинди? Холиқдан жавоб келди: “Ай балиқлар, сув қадрини балиқ билади, у сувга ошиқдир, унга етишмоққа ошиқади, тadbир олади. Бироқ довул забти соҳилга отиб юбориб, узоқ фурсат қизиб ётган қуруқ тупроғу қум узра *“На ўла олур, на яшай олур”*¹ амридаги каби жон ваҳмида ўзини ҳар ён урган балиқнинг оташида, денгиз балиғининг ёниши, жон ҳалаклиги, оҳу фиғони йўқдир. Денгиздан айро тушган балиқ на ўлур, на тирилур, локин ҳаёт лаззатини татиб

¹ “Тоҳа” сураси, 76-оят.

кўргани учун ҳам денгиз фироқига дош беролмайди. Энди, айт-чи, ҳаёт шавқини тотган, денгиздан баҳраманд бўлган киши ундан айрилгач, қайдан ҳаёт тотини топсин? ”

Байт: Унинг бирла бир кеча бўлсин, висол шаробини ютган кишигина, шароб соб бўлгач, маҳмурлик азиятини англайди.¹

Денгизсиз яшолмагани каби денгизга етмоқ умиди ҳам осонликча сўнмайди.

Рубоий: Заъфарон юзим ила сафвроингга қайтганман, (дунё – тарж.) боғ-бўстонида сарғайиб сўлганман гўё. Висолинг иштиёқи мени ҳеч қўйиб юбормаяпти. Бу кетишда зинҳор шафқат қилмай, ўзимни ўлдириб ёнингга учаман мен.²

Денгиз эса: “Бир-бирларингизни ўлдирмангиз. Албатта, Оллоҳ сизларга меҳрибондир”.³ Хазинамни майдонга чиқармоқни хоҳладим сўзининг ҳикмати, сизнинг хазинани англамоқ қобилиятингизни юзага чиқармоқдир, дейди. Бу денгизнинг соф, шаффофлигини аён этганимдек, балиқлардаги баланд ҳиммат, ўсиб-улғайишидаги лутф ва камолотларини ошкор этмоқ истадим. Шу алфозда ўзларидаги вафони кўрсинлар ва ҳимматлари зуҳур этсин, дедим. “Алиф. Лом. Мим. Одамлар иймон келтирдик, дейишлари билан имтиҳон қилинмаган ҳолларида қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?”⁴ Минглаб илонлар ўзларини балиқмиз, дейдилар. У зоҳиран балиққа ўхшайди, аслини сўрасанг, илон зотидан.

Байт: Солиҳ кишиларнинг жонлари пок таомлардан озиқланади. Илон эса, шамол, тупроқ еб кун кўради.⁵

¹ Ҳаким Санойӣ. Девон.

² Жалолиддин Румий.

³ “Нисо” сураси, 29-оят.

⁴ “Анкабут” сураси, 1-2-оятлар.

⁵ Ҳаким Санойӣ. “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ”.

Ел ва тупроқ балиқнинг озуқаси эмас. Узоқдан кўзинг тушган ҳайвоннинг ит ёхуд жайрон эканлигини билолмайсан. Лекин суяк томон юрса, жайрон бўлмайди. Шариатда битта масала бор: Бўри ва жайрон жуфтлигидан туғилган болани жайрон дейликми, бўри дейликми? Олимларнинг бу борадаги фикрлари ўртасида тафовут борки, бу эътирозлар мадрасада тортишилиши мумкин. Бироқ тўғри ҳукм бундоқдир: Унинг олдига бир боғлам ўт ҳамда суяк отамиз-да, кузатамиз. Бошини ўгириб ўт томон борса жайрон, суякка йўналса бўридир. Шундай бўлгач, қай бир сувга бошини суқиб, тишларини теггизса, ўша сув нопок бўлади. Чунки бўри ҳам итдир. Фақат, тоғу тошда яшайди. Энди илонга келсак, унинг озиғи ел ва тупроқдир. Ёмонликка беҳад ундовчи нафснинг озиғи ҳам шу. Қайси шамол, қай бир тупроқдир у? Дунёнинг шоҳона луқмасидир. Булар ҳам тупроқдан ҳосил бўлган. Бироқ Тангри уларга ранг бергандир. Хоҳласанг, оқибатларига боқ. Ниҳоят, улар ҳам тупроққа айланиб кетадилар. У шамойил, у ранг-рўй уларни тарк этади. Мана, нон, гўштнинг бир сиқим қаро тупроқдан иборатлигини ҳам билдинг, илон бўлмасанг, бошқа бир егулик ахтар. Яна илоннинг емиши шамол дедик, у қандай шамол? Беклик, бойлик мавқеига эришиш шамоли. Инсон шу нонни еб тўйдими, бошида бойлик насими эсади. Бизнинг аслимиз – шу, биз шундоқ ҳурматга мушарраф бўлдик, дея бошлайди. Мавқе, мартабага ҳуши кетади. Туйқус у илон нафс, тупроқ ва елга ортиғи билан эга чиққач, Фиръавн каби аждарҳога айланади-қўяди.

Рубойй: Сенга терс муносабатда бўлганлар чумоли эдилар, илонга айландилар. Илонга айланган чумолиларнинг уруғини қуритгинки, даф бўлсин.

Уларга бундан ошиқ муҳлат берма, омон қолдирма. Чунки бора-бора илон аждарҳога айланади.¹

Шундай қилиб, иймон келтирганлар тамоми-ла илон бўлмаганларидек, бутунича балиқ ҳам эмаслар. Улар илонбалиқдирлар. Ўнг томонларидаги ярим жисмлари балиқ, чапдаги яримлари эса илон. Пайти келадики, ўнг тарафлари уларни денгизни излаб, алқамоққа ундайди. Яна шундай чоғи келадики, сўл ёнлари уларни дунёнинг елу тупроғига тортади.

Байт: Биз истамоқдамиз, ўзгалар ҳам иштамоқда. Кўрамиз, бахт кимга кулиб боқар экан!²

Байт: Одамзот ақлни шоширадиган шундай хилқатки, сарбаланд мартабаси бўлгани ҳолда тубанлик оламидадир.³

Қачонки, шу ярми ишга тушса, буни қилган ва қилдирган ақлдир. “Ҳаққи рост, Оллоҳ таоло ақлни яратгач, унга, кел, деди. Келди. Кет деганди, кетди”. Ақлга юзингни мен томон ўгир, деди. Ўгирди. Ақл, буйруғинг бош устига дея, юзини У томон бурди. Буйруққа итоат этиб, юзланмоқ – таважжух ила Ўзига қайтмоқдир. Кўрмайпсанми? Малакларга менга сажда қиладиган ерингизда Одамга сажда этинг, деган фармон келди. Бу зоҳиран Тангрига бандалик қилишдан қочмоқ, Ундан юз ўгирмоққа ўхшайди. Ҳақдан ўзгасини дегандек туюлади, аммо амр шундоқ келди. Модомики, шундай, демак, Одамга сажда қилиш малаклар учун Тангрига юзланмоқ, ҳатто бундан-да ортиқ итоатдир. Нечун буюк амалдир? Чунки улар неча йиллаб Ҳаққа сажда қилгандилар. Ундан ўзга ёт мавжудот борлигига ақллари етмасди. Иблис

¹ Муаллифи номаълум.

² Жалолиддин Румий.

³ Ҳаким Саной. “Ҳадийқат ул-ҳақойиқ”.

ила бир товоқдан таомланар, унинг билан айна хирқага ўрангандилар. Бир маҳал Тангридан нигоҳларини олиб, Одамга таважжух этганлари боис айрилиқ либосига ноил бўлдилар. Ёт-бегонадан ажралдилар. Иблис зоҳиран Оллоҳ амрига қарши чиқмай, Ўзидан ўзгага сажда этмоқдан ҳаё қилган кўринса-да, аслида, Оллоҳнинг буйруғидан бўйин товлади. Унинг фармонига орқа қилиб қарасаки, ўзининг юзи қаро бўлган, малакларнинг ҳар ёнлари эса юзга айланган. Ай, аҳли иймон, шунга ўхшаб, сенинг ярминг илон, ярминг балиқдир. Бир лаҳза юзингни балиққа тутгинки, унинг юзи биз томондадир. Яна бир дам иш-амал учун юзингни ўгир. Дастлабкиси надир? “Сенгагина ибодат қиламиз”¹ ҳукмига бош эгмоқдир. Амрингга биноан Сенга қуллуқ қиламиз, шу билан машғулмиз, демақдир. “Ва Сендангина мадад сўраймиз”.² Яъни яна сенинг фармонингга бўйин эгдик, бандалик этмоққа аҳд қилдик. Ёмонликка беҳад майл этган нафсни одам қилмоққа киришдик. Чунки унинг охири войдир. Чунки сен мусулмонлик қувватлансин дея, кофирлардан хирож олиниб, хирож берганларга зиён етказилмагани каби буни ҳам биздан хирож олмоқда сабаб айлагансан. Юқорида айтганим, илон ва балиқ икки сифатдир. Бу икки сифатнинг бири, унинг оёқларига боғдир, иккинчиси эса оёқнинг ўзи. Оёғи бўлгани сифат, ўз ҳамжинсига туйган соғинчидир. Оёқларига боғ бўлгани эса унинг тупроқ ила бўлган уруғ-аймоқлиги, яқинлигидир. Чунки Улуғ Оллоҳ аввал бир марварид яратди. Унга боқди. Марварид уятдан сув бўлди. У сувдан денгиз ҳосил бўлди. Денгиз бутун борлиғи ила сурон сола ҳубобланди. Ҳубоби

¹ “Фотиҳа” сураси, 5-оят.

² Ўша сура.

тупроқ бўлди, ер бўлди. Шунинг учун тупроқ ҳам сувдан пайдо бўлган. Ушбу яқинлик унинг оёғига боғдир. Эй, томчи! Уйғон! Бу сиртмоқ – яқинликка алданмагинки, кўплаб қатралар бунга тутилдилар ва денгизни ахтармоқдан воз кечдилар. Темир ёхуд тахта сиртмоғига боғланган пайтида, уни парчалаб отмоқ бўлган киши қандоқ саодатли? Олтин боғ-ла боғланган кас олтинни, жавҳардан қилинган боғга банди эса жавоҳирни севади, унга ёпишади. Шунга ўхшаб, бамисоли селдек оқиб ваҳдат денгизи сари кетган томчи иймонли кишининг жонидир, сел каби оқиб кетгай. *“Албатта, мен Парвардигоримга кетгувчидирман”*¹ оятида аён этилганидек, ваҳдат денгизига қовушгай. Унга суянаман, У менга кифоядир. Оллоҳ яхшироқ билгувчидир.

Ҳар маконда мадҳ, ҳар тилда зикр этилган Оллоҳга ҳамд бўлсинким, “Мажолис” ҳижрий 753 йил Роббиул охирнинг илк сешанбасида ёзиб бўлинди. Аднаннинг пушти камаридан ўтган шарият соҳиб пайғамбаримиз Муҳаммадга ва у кишининг жумард, замона жаҳолатидан озода саҳобаи киромларига салом ва салотлар бўлсин! Оллоҳ карам ва лутф соҳибидир.

¹ “Вас-саффот” сураси, 99-оят.

ТАРЖИМОН ИЗОҲЛАРИ¹

А

Абдол – Тасаввуф таълимотига кўра, валийларнинг энг юқори маънавий мартабаси.

Абобил қушлари – Каъбани бузиш учун келган яманлик ҳукмдор Абраҳанинг қўшинига қаттиқ пишган лой билан ҳужум қилган қушлар. Абобил арабчада “сурув” деганидир.

Абдуллоҳ – Муҳаммад алайҳиссаломнинг отаси.

Абдулмутталиб – Муҳаммад алайҳиссаломнинг бобоси.

Абдуманноф – Муҳаммад алайҳиссаломнинг бобоси Абдулмутталибнинг отаси.

Абдураҳмон ибн Салаба – Саҳобаи киромлардан.

Абу Бакр – Ҳулофои Рошидин деб аталган тўрт улўф халифанинг аввалгиси. Муҳаммад пайғамбардан кейин ҳалифа бўлиб, унга кўрсатган садоқати туфайли Сиддиқ дея шарафланган. Мумтоз адабиётда комил иймон тимсоли.

Абу Зарр – Исломни аввалгилардан бўлиб қабул қилган саҳобалардан.

Абу Суфён – Уҳуд ва Хандақ жангларида мушрикларга саркардалик қилган. Уммавийлар салтанати асосчиси Муовиянинг отаси.

¹ Изоҳларни ёзишда тасаввуфшунос олимлар Сулаймон Улудог, Абдулбоқий Гулпинарли асарларидан фойдаланилди.

Абу Жаҳл – Асл исми Абул Ҳакам бўлгани ҳолда, мусулмонликка қарши курашгани учун Абу Жаҳл – билимсизлик отаси деб аталган.

Аднан – Муҳаммад алайҳиссаломнинг энг катта бобоси.

Айюб алайҳиссалом – Исҳоқ алайҳиссалом авлодларидан чиққан пайғамбар. Оллоҳ томонидан келган жами азиятларга сабр этгани учун, тасаввуф адабиётида сабр тимсолига айланган.

Азал – Замоннинг тасаввур этиб бўлмас аввалидир. Замоннинг тасаввурга сиғмас ниҳоя қисми эса абад дейилади.

Аласт куни – Тангри одамзотни яратмасидан олдин уларнинг руҳларини яратиб: “Мен сизнинг Роббингиз эмасманми?” (Аласту би Раббикум?) дея сўраши ва руҳлар: “Ҳа, шундоқ!” (Қолу бало!) дея буни тасдиқ этишлари аҳди.

Али ибн Толиб – Тўрт буюк халифанинг сўнггиси. Уни Муртазо – танланган дея эъозлашади.

Ансорлар – Муҳаммад алайҳиссалом Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларида, Мадинада улзотни қарши олган саҳобалар.

Анқо – Исми бору жисми йўқ афсонавий қуш. Қоф тоғида яшар эмиш. Тасаввуфда комил инсон тимсоли.

Арши аъло – Самонинг энг юқори қисми.

Фарш – заминнинг энг остки қисми.

Ахийлик – Жавонмардликнинг энг юқори мақоми. Ҳожатбарорлик таълимоти.

Б

Бани Исроил – Исроил ўғиллари. Ёқуб алайҳиссаломнинг ўн икки ўғилларидан тарқаган авлод. Яҳудийлар. Мусо алайҳиссалом қавми.

Билол – Муслумон тарихидаги илк муаззин.

Билқийс – Саъба шаҳри ҳукмдори. Сулаймон алайҳиссаломга бутун мамлакати билан иймон келтирган малика.

Боязид Бистомий – Эроннинг Бистом шаҳрида 804 йилда туғилган машҳур суфий. Тасаввуфда суфра – беҳудлик концепцияси ундан бошланади.

Буроқ – Муҳаммад алайҳиссаломни меърож кечаси сайр қилдирган улоқ, от. Тасаввуф адабиётида руҳни Яратганга олиб борувчи ишқ тимсолидир.

В

Ваҳдат – Бирлик. Оллоҳнинг бирлиги.

Ваҳм – Зеҳнда уйғонган ботил ҳис.

Воҳид – Оллоҳ таолонинг исмларидан. Ягона, танҳо демак.

Д

Денгиз – Мутлақ борлиқ.

Довуд – Пайғамбарлардан. Сулаймон пайғамбарнинг отаси. Оллоҳ унга шундай соҳир овоз берган эканки, у ўзига нозил қилинган муқаддас китоб “Забур”ни ўқиган пайтда қушлар ҳузурида жам бўлар, тоғлар унинг хуш овозидан акс-садо бериб туришаркан.

Довул – Ҳарбийлар учун мўлжалланган тери ёки пулатдан ясалган махсус ноғора.

Е

Етти марварид – Етти сайёрага ишора.

Ё

Ёқуб алайҳиссалом – Юсуф алайҳиссалом ва Бани Исроил қавмининг отаси.

Ж

Жавзо – 21 майдан 21 июнгача давом этадиган 12 бурждан бирининг номи.

Жолут – Довуд алайҳиссалом билан жанг қилиб, мағлуб бўлган саркарда.

З

Зарф – Мактуб солинадиган хатжилд.

Зоҳид – Шаърий амрлардан бўлак барча шубҳали нарсалардан қочган, ўзини тоат-ибодатга бағишлаган киши.

Зуннор – Насроний руҳонийларининг белларига боғлайдиган белбоғи. Тасаввуф таълимотига кўра, Ҳаққа хизмат ва итоат этишга азм этиш, бел боғлаш.

Зуҳал – Энг юқори еттинчи сайёра. Сатурн.

Зухро – Учинчи сайёра. Венера. Муҳаббат ва гўзаллик, санъат ҳомийси.

И

Иброҳим – Пайғамбарлар отаси. Озарнинг ўғли. Озар Бобил ҳукмдори Намруднинг вазири эди. Мансабдор бўлса ҳам, бут ясаб уни сотиш билан шуғулланарди. Иброҳим алайҳиссалом кичик ёшлариданоқ отаси сотиш учун бериб юборган бутларнинг бўйнига арқон боғлаб, ерда судраб синдираркан. Оллоҳ таолонинг яккаю ягона-

лиги ғоясини ёйиб, бутларни таҳқирлагани учун Намруд томонидан гулханда ёндирилишга ҳукм қилинади. Лекин олов Иброҳим (а.с.)га таъсир қилмайди.

Иброҳим Адҳам – Балх ҳукмдори бўлган. Бутун тож-тахтдан воз кечиб, сўфийлик йўлига кирган.

Идрис – Одам алайҳиссалом ўғли, пайғамбарлардан.

Исмоил – Иброҳим алайҳиссалом ўғли.

Исрофил – Қиёматда сур чаладиган фаришта.

Ишқ – Севгининг энг олий мартабаси. Тасаввуф таълимотига кўра, борлиқнинг моҳияти, яратилиш сабаби.

К

Кавсар – Жаннатдаги булоқ номи.

Каломчилар – Қуръон ва ҳадисларга суяниб, эътиқод, тавҳид, тақдир, руҳ каби масалаларни ақл ва мантиқ йўли билан аниқлашга уринган фалсафий йўл вакиллари.

Л

Лавҳул маҳфуз – Олам ибтидосидан интиҳосига қадар юз берадиган воқеалар битилган Арши аълодаги китоб.

Ло-илло – Калимаи тавҳид. Ло – йўқ, илло – мавжуд демакдир. Тасаввуф таълимотига кўра, “ло” фано, “илло” бақо рамзидир.

Ломакон – Маконсизлик. Макон ва замондан ташқарида бўлган олам.

Лот-Уззо – Макка мушриклари сиғинган бутлар.

М

Мансур Халлож – Мажзуб сўфийлардан. Беҳудлиги ҳаддан ошиб “Анал ҳақ” дегани учун дорга осилган.

Масжидул ҳаром – Каъбатуллоҳ.

Маҳак – Олтин ва кумушга суртилиб, уларнинг аслигини аниқлайдиган тош.

Меърож – Муҳаммад алайҳиссаломнинг Арши аълога сафари. Пайғамбар бир онда Буроқ исми отда Жаброил йўлчилигида Маккадан Қуддусга боргани ва Қуддусдан кўкка кўтарилгани.

Микоил – Тўрт буюк фариштадан бири.

Молик – жаҳаннамга қўриқчилик қилувчи фаришта.

Мункар-Накир – Ислом таълимотига кўра, инсонни қабрда сўроқ қилувчи икки фаришта.

Муножот – Қўлнинг Оллоҳ таолога ёлбориши, арзи ҳол этиши. Дебача таркибига кирувчи адабий анъана.

Мурид – Тариқатга кирган солик.

Муршид – Йўл бошловчи, пир.

Мусо саҳфалари – Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган муқаддас китоб “Таврот”га ишора

Муштарий – Олтинчи сайёра. Юпитер.

Муҳожир – Муҳаммад алайҳиссалом билан Маккадан Мадинага ҳижрат қилган саҳобалар.

Н

Насри Тоир – Ғарбда чиқувчи қуш шаклидаги юлдузлар туркуми.

Наът – Муҳаммад алайҳиссаломнинг фазилят ва сифатларини ёд этмоқ. Дебача таркибига кирувчи адабий анъана.

Намруд – Иброҳим пайғамбар замонида яшаган ва уни оловда ёқишни ҳукм қилган подшоҳ.

Нафси аммора – Суфийлар нафсни етти мартабада деб билганлар. Нафси аммора нафсининг илк даражаси бўлиб, инсонда тубан истакларнинг майдонга келишидир.

Носуҳ тавбаси – Қадимда овози ва кўриниши аёлларникига монанд ҳарам ҳаммомида ходимгарлик қилувчи Носуҳ исмли бир йигит бўлган экан. У подшоҳ қизига канизаклик ҳам қилар экан. У доим шу ишимдан воз кечаман деб, тавбалар қилиб, бунинг уддасидан чиқолмай юраркан. Бир куни ҳаммомда маликанинг марвариди йўқолиб қолибди. Ҳарамдаги ҳамма аёллар бошдан-оёқ тинтув қилинибдилар. Бу орда Носуҳ: Энди мени эркак кишилигимни билиб қолиб, шармандаларча ўлдирадилар. Кошки туғилмасайдим. Шу кундан олдин ўлиб кетсайдим. Ё Парвардигор, мени шармисор қилма!” дея шундай тавба қилибдики, Оллоҳ унинг тавбасини қабул айлабди. Оқибат навбат Носуҳга келгунча, маликанинг жавоҳири топилибди. Шундан сўнг Носуҳ тавбасига вафо қилиб саройдан буткул бош олиб кетибди.

Нух – Бу пайғамбар даврида буюк тўфон юз бериб, кофирларни фарқ қилиб юборган. Иймон келтирганлар Нухнинг кемасига чиқиб, халос бўлганлар. Ривоятларга кўра Нух алайҳиссалом энг узоқ умр кўрган инсон экан.

О

Оби ҳаёт – Ҳаёт суви, оби ҳайвон ҳам дейилади. Кимки мана шу сувдан ичса, ўлимсиз қолар эмиш. Ривоятларга кўра, Искандар Зулқарнайн бир мамлакатни забт этгач, ўша ернинг одамлари унга сал нарироқда денгиз борлигини ва бу ден-

гиздан ўтиб қоронғиликка дуч келинишини ҳамда ҳаёт сувининг ўша ёқда эканлигини айтибдилар. Ҳизр ва Илёс пайғамбар ҳам Искандарга ҳамроҳ эканлар. Ниҳоят, қоронғи жойга ҳам етибдилар. Искандарда зулматни ойдинлатувчи иккита жа-воҳир бор экан. Шулардан бирини Ҳизрга берибди. Қай бирлари ҳаёт сувига биринчи бўлиб дуч келса-лар, бир-бирларини бохабар этишга келишиб, айна манзил сари бошқа-бошқа йўллардан кетишибди. Ҳизр ва Илёс роса толиқиб, бир жойда ўтириб қо-вурилган балиқларни емоқчи бўлишибди. Ҳизр ав-вал у ердаги сувда ювинибди ва унинг қўлидан бир томчи сув балиққа томган экан, унга зумда жон ки-риб, сувга отилибди. Ҳизр эса оби ҳаёт мана шу сув эканлигини пайқаб, Илёс билан бирга ўша сувдан ичибди. Лекин ҳар икковлари ҳам бундан Искан-дарни хабардор этмаслик ҳақидаги илоҳий амрни олгач, унга лом-мим демабдилар.

Олами суғро – Кичик олам. Тасаввуфда олами кубро – катта олам деганда, ўн саккиз минг олам, олами суғро деганда, инсон тушунилади.

Омина – Муҳаммад алайҳиссаломнинг оналари.

Ориф – Тариқат босқичларидан ўтиб, маъри-фатга етган зот.

Р

Робия – Тасаввуф тарихида илк авлиё аёл. Та-саввуфга биринчи бўлиб ўзининг ошиқона шеър-лари билан ишқ концепциясини олиб кирган.

С

Саййид Бурҳониддин – Жалолиддин Румийни тариқатдан олиб ўтган устози. Ундан “Маориф” номли китоб қолган.

Салмон Форсий – Муҳаммад алайҳиссаломнинг энг содиқ саҳобаларидан бири.

Саркаш туялар – Фил воқеасида асир олинган туялар. Абобил қушлари душман устига ҳужумга келгач, саросимадан саркаш ва жонсарак бўлиб қолган туялар.

Симё – афсунгарлик, сеҳр илми.

Сиришк – кўз ёш.

Сиғил – Қадимги турк қабилаларидан бири.

Соқий – май, шароб сунувчи. Тасаввуф адабиётида йўл кўрсатувчи пири комил тимсоли.

Суд – фойда.

Сулаймон алайҳиссалом – Довуд алайҳиссаломнинг ўғли. Унга инсу жинс тобе бўлиб, қуш тили билдирилган экан.

Султон Валад – Жалолиддин Румийнинг ўғли. “Валаднома” асари муаллифи.

Суҳайб – Саҳобалардан. Ёшлигида Эрон ва Рум курашида римликларга асир тушгани учун на арабча, на лотинча талаффузда сўзловган экан.

Сўфий – Тасаввуф аҳли.

Т

Тавҳид – Бирлик. Оллоҳнинг бирлиги.

Тариқат – Йўл. Ҳаққа етишмоқ учун бир қанча низом ва асосларга эга бўлган йўл. Тасаввуф таълимотига кўра, шариатдан кейин келувчи босқич. Тариқатдан кейин эса маърифат ва ҳақиқат келади.

Томчи – Қатра. Илоҳий тажаллиллар. Кўнгил. Комил инсон.

Тури Сино – Сино тоғи. Мусо алайҳиссалом Оллоҳ билан гаплашган тоғ номи.

Тўрт гавҳар (унсур) – Ҳаво, тупроқ, сув, оловга ишора.

У

Усмон ибн Аффон – Тўрт буюк халифанинг учинчиси. Пайғамбар алайҳиссаломнинг Руқия исмли қизларига уйланадилар. Кейинроқ Руқия вафот этгач, Умму Гулсум исмли қизларини никоҳларига оладилар. Шунинг учун Зуннурайн – икки нур соҳиби деб аташади.

Уҳуд жанги – Мусулмонларнинг Уҳуд тоғида Макка мушриклари билан бўлган саваш.

Ф

Фано – Йўқлик, ҳечлик. Тасаввуф таълимотига кўра, Оллоҳнинг ирода ва истагида банданинг йўқолиши.

Фил эгалари – Манбаларда қайд этилишича, Яман ҳукмдори Абраҳа Санъо шаҳрини тижорат маркази қилиш мақсадида Кулайс деган ибодатхона қурдиради. Аммо яна ҳамма Каъбага томон ошиқаверади. Зиёратчилар Каъбага эмас, Кулайсга келсинлар учун улови филлардан иборат қўшини билан Каъбани бузиб ташламоқчи бўлади. Шунда Оллоҳ томонидан юборилган абобил қўшлари оғиз ва панжаларида олиб келган тошларни қўшин устига ташлашади ва ёғий ҳалок бўлади. Фил эгалари деганда, Абраҳа ва унинг қўшини назарда тутилмоқда.

Фиръавн – Мусога иймон келтирмаган, Тангрилик даъво қилган ҳукмдор. Мумтоз адабиётда Фиръавн нафс тимсолига айланган.

Футувват – Фидокорлик, жавонмардлик. Ўзгалар манфаатини ўзиникидан устун қўриш. Беғараз ёрдам.

Х

Хирқа – Ямоқли либос. Тасаввуфда суфийликка кирган муридга хирқа кийдирилади.

Хонақоҳ – Йиғилиш ва суҳбат ери. Тариқат аҳли, дарвеш ва мутасаввифлар йиғилиб суҳбат қурадиган, биргаликда зикр чекадиган махсус жой.

Хулкар – Етти қароқчи юлдузлар туркуми номи.

Ш

Шаддод – Худ алайҳиссаломни инкор этиб, Тангрилик даъво қилган Од қавми ҳукмдори.

Шароб – Май, бода. Тасаввуфда шароб ишқ-муҳаббат, шавқу важд тимсолидир. Шароб каби ишқ ҳам инсоннинг ақл-мантиқ қувватини сундиради.

Шис алайҳиссалом – Одам алайҳиссаломдан кейин юборилган пайғамбар. Одам алайҳиссаломнинг ўғли.

Э

Эран – Ҳаққа етган валий, комил инсон.

Ю

Юсуф алайҳиссалом – Ёқуб алайҳиссаломнинг ўғли. Оллоҳ унга бемисл хусн ато этгани учун мумтоз адабиётда гўзаллик тимсолига айланган.

Қ

Қоратқи – Экинзорларга ўрнатиладиган қўғир-чок – қўриқчи.

Қорун – Мусо алайҳиссалом замонида яшаган-лиги ривоят қилинган машҳур бадавлат киши. Закот бермагани учун хазинаси билан ер ютиб юборган эмиш.

Қоф тоғи – Афсонавий тоғ. Тасаввуфда кўнгил тимсоли.

Қоъба қавсайн – Диний таълимотга кўра, меъ-рож тунида Оллоҳ ва пайғамбар орасида қолган икки қош оралиғича масофа.

Ғ

Ғайб – Инсоннинг сезги хоссалари орқали сезил-майдиган, ақл билан қамраб бўлмайдиган олам.

Ғаний – давлатманд.

Ҳ

Ҳабибуллоҳ – Оллоҳнинг севгани. Муҳаммад алайҳиссаломнинг сифати.

Ҳабиб Ажамий – Судхўрликдан қўл силкиб, Ол-лоҳ йўлига кирган валий.

Ҳаким Саной – XII асрда яшаб ижод қилган Эрон адабиётининг энг машҳур шоирларидан бири. Саной XI асрнинг ўрталарида туғилиб, ёшлигидан Ғазнавийлар саройида фаолият олиб борган. Замонасининг султонлари, амир, шоир-лари билан қалин муносабатда бўлишига қара-май, кейинчалик дарвешлар сафига қўшилиб, энг машҳур сўфийлар суҳбатида бўлган. Тахминларга кўра, ҳижрий 545 йилда вафот этган. Шоирнинг Девонидан ташқари “Ҳадийқа”, “Сайрул ибод”, “Тарик ут-таҳқиқ” каби кўплаб улуғ сўфий-шоир-лар ижодига катта таъсир ўтказган тасаввуфий асарлари бор.

Ҳалиуллоҳ – Оллоҳнинг дўсти. Иброҳим алай-ҳиссаломнинг сифати.

Ҳамд – Оллоҳ таолонинг неъматлари, лутфу иноятлари, улуғ васфларини мадҳ этмоқ. Дебоча аввалида келувчи адабий анъана.

Ҳасан Басрий – Ҳижрий 21 йилда Басрада туғилган машҳур зоҳид. Муҳаддис, фақиҳ ва муфассир.

Ҳасан-Ҳусан – Тўртинчи халифа Ҳазрати Алининг ўғиллари.

Ҳол – Инсоннинг ирода, инон-ихтиёридан ташқарида бўлиб, ёлғиз Оллоҳ лутфи ила қалбда акс этган маънолар. Ҳол барқарор эмас, ўзгарувчандир. Маълум бир ҳол давомли бўлса, уни мақом дерлар.

Ҳориса бин Сурақо – Муҳаммад алайҳиссаломнинг озод қилган қули. Қуръонда номи зикр этилган саҳоба.

Ҳорут ва Морут – Фаришталар. Ривоятларга қараганда, Ер юзида инсоният йўл қўйган гуноҳлар дафтари малаки аълога чиққач, фаришталар Оллоҳга эътироз этиб: “Ё Роббий, инсонлар сенинг адоқсиз неъматларинг қадрига етмай, намунча бунчалар кўп гуноҳ қилмасалар?” дебдилар. Тангри таоло: “Улардаги мижоз ва табиат сизларда йўқ. Агар бўлганида сиз гуноҳ қилмасмидингиз?” дейиши ҳамоно фаришталар: “Асло! Биз тўғри йўлдан тоймасдик”, дебдилар. Оллоҳ уларни синаш учун ичларидан Ҳорут ва Морут исмли фариштани танлаб, Бобилга юборибди. Аввалига кундузлари ҳақ ҳукмлар чиқариб, ижросини ҳам идора қилиб, кечалари эса исми аъзам ўқиб ўтказишибди. Бир куни Зухро исмли соҳибжамол аёл эри билан ажрашиш учун уларга мурожаат қилибди. Фаришталар зумда аёлга ошиқ бўлиб, бир-

га яшашни таклиф қилибдилар. Аёл ажрим иши ҳал бўлмагунча кўнмаслигини айтибди. Эри билан ажрашиб олгач, шароб ичиб, бутга топинмагунларича рози бўлмайман, дебди. Ғаришталар буни ҳам адо этибдилар. Аёл ҳадеганда имкон бермай, бу сафар кечаси фалакка чиқиш учун ўқийдиган дуоларини ўргатишларини сўрабди. Ўргатибдилар. Аёл ушбу дуони ўқиб, самога кўтарилибди ва Тангри таоло уни Зухро юлдузига айлантириб қўйибди ва бу ҳолдан ғаришталар танг қолибдилар. Бу воқеа Идрис алайҳиссалом замонида бўлганидан ғаришталар бориб Идрисдан шафоат сўрайдилар. Идрис шафоат қилмайди ҳамда дунёю охи-рат азобидан бирини танлашларини буюради. Ғаришталар дунё азобини танлайдилар. Сўнг Оллоҳ уларни Бобилдаги қудуққа оёқларини осмондан қилиб осиб қўйишни амр этади.

Хослар, Хавос – Мутасаввуфларга кўра, юксак маънавий сифатларга эга кишилар, Ҳақ томонидан танланганлар. Орифлар.

Ҳудҳуд – Сулаймон алайҳиссаломга чопарлик қилувчи, номи Қуръонда зикр этилган қуш. Тасаввуфда йўл бошловчи пири комил тимсолидир.

МУНДАРИЖА

Томчиман бир... Денгизга ташна	3
Меҳрибон ва раҳми Оллоҳ номи ила бошлайман. Биринчи мажлис	16
Оллоҳ бизларни маънавий ризқ-неъматларию ирфон таомлари ила ризқлантиргай. Мавлононинг ҳикматли сўзларидан майдонга келган. Иккинчи мажлис	81
Оллоҳ барчага бирдай улашажак неъматлари ила бизни фойзлантиргай! Мавлононинг ҳикматларидан ташкил топган. Учинчи мажлис	100
Оллоҳ ўз нурининг ёғдуси ила бизларни мунаввар айласин! Мавлононинг маърузаларидан майдонга келган. Тўртинчи мажлис.....	117
Оллоҳ ирфонининг нури ила бизни нурафшон айласин! Мавлоно баёнотидан. Бешинчи мажлис.....	132
Оллоҳ лутфининг нурларидан бизни фойзлантирсин! Маорифнинг бир қисмини ўз ичига олган. Олтинчи мажлис.....	149
Оллоҳ бизларга маънавий ризқ-неъматларини комил ҳолда берсин! Мавлононинг ҳикматли сўзларидан ташкил топган. Еттинчи мажлис.....	156
Таржимон изоҳлари.....	175

Адабий-бадий нашр

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ЕТТИ МАЖЛИС

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусаҳҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Бадий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 13.08.2019 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 16,0. Шартли босма табағи 26,88.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 201.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43; (93) 397-10-87;

факс: (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

ҚАЙДАЛАР УЧУН



ՀԱՅԿԱՍՏԱՆԻ ՀԱՆՐԱՊԵՏՈՒԹՅԱՆ
ՆԱԽԱՐԱՐԱՆԻ ԵՎ ԱՐԽԻՎԻ



ISBN 978-9943-20-327-3



9 789943 203273